



SOHIBQIRON



YULDUZI

Соҳибқирон юлдузи

№ 1 (23) 2016 йил.



**Соҳибқирон Амир Темур
таваллудининг
680 йиллигига бағишланади**



**Амир Темур алаҳини идрок этиш тарихни идрок этиш
демақдир. Амир Темурни улуглаш - тарих қарига чуқур
илдиз отгани тарихимиз, маданиятимиз, қудратимизга
асосланиб, булук қилончимизни мустаҳкамлаш демақдир.**

Ислои КАРИМОВ



SOHIBQIRON

Адабий-бадiiй, илмiiй, ижтимоiiй-маърифiiй журнал

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Акмал Саидов,
Муҳаммад Али,
Тўлқин Ҳайит,
Поён Равшанов,
Лола Саодатова,
Нафас Шодмонов,
Азамат Сатторов,
Абдурахим Эркаев,
Абдинаби Абдиев,
Муҳаммад Очил

БОШ МУҲАРРИР:

Нуридин Эгамов

МУАССИС:

SOHIBQIRON SHULASI M.CH.J.

Қашқадарё вилоят матбуот ва ахборот бошқармасида 2012 йил 12 мартда 14-076 рақами билан рўйхатга олинган.
Журнал уч ойда бир марта чоп этилади.

Журналдан кўпира олинганда манба қайд этилиши шарт.

Манзилимиз: Қарши шаҳри Мустақиллик шоҳкучаси 2-уй.
Телефон: 221-09-46.

Нашр учун масъул:

Равшан Тухтамишев,
Илҳом Тогаев.

Саҳифаловчи:

Зафар Махсатов.

Чоп этишга 15.03.2016 йилда рухсат этилди. Бичими 70x100 1/16.
8 босма табоқ. Адади 1050 нусха.
Буюртма №214

Журнал «Photo Express» ишлаб чиқариш корхонаси босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили:

Қарши шаҳри Мустақиллик шоҳкучаси 22 -уй.

Электрон манзилимиз:

sohibqiron@inbox.uz

УШБУ СОНДА

Тарих тилсимлари

- Акмал Саидов.
“Амир Темур сиймоси - ўзбек адабиётида”4
Поён Равшанов.
“Оқсарой тарихи”18
Тўлқин Ҳайит.
“Амир Темур кутубхонасининг сири”41

Ибратхона битиклари

- Нафас Шодмонов.
“Оқсарой”45

Жаҳон адабиёти

- Хёрхе Луис Борхес (Гулом Мирзо таржимаси).
«Атиргуллар - асрий камсукумларим»65

Олтин мерос

- Очил Буриев, Жамшид Бердиев, Файзулло Шарипов.
“Амир Темур унвонлари”79
Шуҳрат Рустамов.
“Амир Темур даврида солиқ сиёсати”85

Таржима

- Н.А.Маев (Исмоил Ботиров таржимаси).
“Бухоро хонлиги очерклари”90




YULDUZI

2016 йил № 1 (23)

2016 йил -

Соғлом она ва бола йили



Журнал таниқли адиб, маънавият жонкуяри (марҳум) Исмоил Тўхтамишев ташаббуси билан ташкил этилган. 2010 йилдан буён чоп этилади.

Нуронийлар ижоди

Маҳмуд Пирматов. "Соҳибқирон"	102
Ўролбой Қобил. "Насаф ҳақида қўшиқ"	105

Баркамоллик зиёси

Бахтинисо Маҳмудова. «Кимнингдир кўнгли бор баҳорларимда».....	109
Адолат Маманова. "Руҳ ва кўзгу"	112

Қашқадарё қаҳқаҳаси

Муҳаммад Очил. "Кулгу - терапия"	116
---	-----

Саҳифаларда фотониждор, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги фотомухбири Жамшид Норқобилов суратларидан фойдаланилди.

Амир Темур сиймоси - Ўзбек адабиётида



Буюк Соҳибқирон сиймосининг ўзбек адабиётидаги талқини ҳақида сўз борганда, авваламбор, улуг саркарда ва давлат арбоби Амир Темур тўғрисида кўплаб фольклор асарлари яратилгани ва эл орасида айтилиб ҳамда куйланиб келинганини таъкидлаш мақсадга мувофиқдир. Аммо бундай намуналарнинг кўплари, тўпловчилик ишлари асосан шўро даврида бошлангани учун ҳам, ўз вақтида ёзиб олинмаган. Оқибатда уларнинг аксарияти, халқ оғзаки ижоди табиати тақозосига кўра, унутилиб кетган.

Шунга қарамай, оз миқдорда бўлса ҳам, бизгача етиб келган фольклор асарлари, "Жангномаи Амир Темур", "Қиссаи Амир Темур" қабри қиссалар, яъни халқ китобларининг мавжудлиги, Т.Мирзаев таъкидлаганидек ўзбек фольклорида Амир Темур сиймоси меҳр билан яратилганини, Соҳибқироннинг фольклорлаштирилган образи юзага келганини асослашга имкон беради¹.

Мавжуд фольклор асарларида Амир Темур улуг бунёдкор, енгилмас саркарда, ўз юрти ва элининг жонкуяр, ҳимоячиси, садоқатли ва вафодор инсон, фарзандлари ва невараларининг донишманд отаси ва бобоси, одил ҳамда адолатли ҳукмдор сифатида намоён бўлади. Соҳибқирон фаолияти билан боғлиқ кўплаб нақлий асарлар, хусусан, Бибихоним мадрасаси қурилиши ҳақидаги туркум ривоятлар, "Амир Темур ва Носир Хусрав" эртаги, Рўзи бахши Қултўра ўғлидан ёзиб олинган "Соҳибқироннинг туғилиши", машҳур Умир шоирнинг ўғли Чори Умировдан ёзиб олинган "Соҳибқироннинг туғилиши ва ёшлиги", истеъдодли бахши Қаҳҳор Раҳимов куйлаб келаётган "Темур ва Боязид" дostonлари бу фикрни яққол исботлайди².

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Қўлёзмалар институтида ўзбек халқи Амир Темур тўғрисида яратган қиссалардан айримлари сақланмоқда. Шулардан

¹Мирзаев Т. Амир Темур халқ оғзаки ижодида / "Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни" мавзуидаги халқаро конференция тезислари, 1996 йил 23-26 октябрь, Тошкент // Т.: "Ўзбекистон", 1996. - 64-бет.

²Мирзаев Т. Амир Темур халқ оғзаки ижодида / "Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни" мавзуидаги халқаро конференция тезислари, 1996 йил 23-26 октябрь, Тошкент // Т.: "Ўзбекистон", 1996. - 64-бет; Абдумўминова О. Амир Темур ва Боязид достонида Темур бобомиз ўғитлари // Ўзбек тили ва адабиёти, 1996. № 6. - 3-5-бетлар.

«Амир Темур сиймоси - ўзбек адабиётида»

бири "Қиссаи Амир Темур"¹ деб номланади. Бу қиссада Амир Темурнинг ёшлик йиллари, Бухорода таълим олган пайти, Бухоро ҳукмдори Баёнқулихоннинг қизи Гулшоднинг ёш Темурбекка муҳаббати мароқ билан тасвирланган. Энг муҳими, Соҳибқироннинг сиёсий ва ҳарбий фаолияти бадий бўёқларда кўрсатилган².

Кейинги бадий қисса - "Темурнома"³ бўлиб, асар П.Равшанов томонидан 1990 йили нашрга тайёрланган ва Тошкентда нашр этилган "Амир Темур Кўрагон жангномаси"га уйғундир⁴. "Амир Темур Кўрагон жангномаси"⁵нинг муаллифи Салоҳиддин Тошкандий ҳисобланади.

Ҳар учала қиссада ҳам Амир Темур олиб борган сиёсий курашлар, ҳарбий тадбирлар бадий либосда мароқли равишда баён этилади. Энг асосийси, Соҳибқирон фаолиятининг тарихий аҳамияти бадий лавҳаларда тараннум этилган. Хусусан, бир ўринда Амир Темур номидан Рум мамлакатига юборилган элчиларнинг Самарқандга қайтиб келгани тасвирланади. Соҳибқироннинг элчиларга бош бўлган ёш, аммо юксак иқтидорли набираси Мирзо Улуғбек буюк бобосига Румдан келтирган совғасини тақдим этади. Бу совға машҳур шоир ва мутафаккир Жалолиддин Румийнинг бутун Шарқ дунёсида танилган "Маснавий маънавий" асарининг қўлёзмаси эди. Амир Темур бу совғадан гоят шод бўлиб, севикли набирасини кўп дуолар қилади.

Амир Темур қиссаларини бадий адабиётнинг бебаҳо мулки сифатида синчиклаб ўрганиш, улар юзасидан мавзунунослик нуқтаи назаридан чуқур тадқиқотларни амалга ошириш, А.Қаюмов қайд этганидек, олдинда турган муҳим вазибалардан дир⁶.

Ўзбек олимларидан яна бири - академик Б.Назаров Амир Темур сиймосини бадий адабиётда акс эттиришнинг уч тамойили мавжуд эканини таъкидлаб, уларни қуйидагича тасвирлайди:

биринчи тамойил - Темурийлар салтанати ва Темурийзодалар ҳукм суриб турган минтақалар адабиётида бу сиймо кўпроқ идеаллаштириб тасвирланган;

иккинчи тамойил - Амир Темур ва Темурийзодалардан азият кўрган ҳудудлар адабиётида Соҳибқирон, маълум даражада, буюкқўлама ва ноҳолис - бузгунчи ва босқинчи сифатида акс эттирилган;

учинчи тамойил - Темурийлар оёғи етмаган мамлакатлар назарда тутилувчи

¹Қўлёзма, инв. №6537. Муаллифи Сайид Мухаммадхўжа ибн Жаъфархўжа. XIX аср. Ўзбек тилида.

²Қаюмов А. Амир Темур ҳақидаги бадий қиссалар/"Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни" мавзuidaги халқаро конференция тезислари, 1996 йил 23-26 октябрь, Тошкент // Т.: "Ўзбекистон", 1996. - 56-бет.

³Тошбосма, инв.№3731, тожик тилида, 1920 йилда Тошкентда нашр этилган. 1-қисм.

⁴Темурнома: Амир Темур Кўрагон жангномаси: Ҳикматлар. Урта ёшдаги мактаб болалари учун / Сўзбоши муаллифи ва нашрга тайёрловчи П.Равшанов. - Т.: "Чўлпон", 1990. - 352 бет.

⁵Тошбосма, 1908 йилда Тошкентда босилган. Ўзбек тилида.

⁶Қаюмов А. Амир Темур ҳақидаги бадий қиссалар/ "Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни" мавзuidaги халқаро конференция тезислари, 1996 йил 23-26 октябрь, Тошкент// Т.: "Ўзбекистон", 1996. - Б. 57.

⁷Назаров Б. Ҳозирги ўзбек адабиётида Амир Темур сиймоси / "Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни" мавзuidaги халқаро конференция тезислари, 1996 йил 23-26 октябрь, Тошкент // Т.: "Ўзбекистон", 1996. - 57-бет.

«Амир Темур сиймоси - ўзбек адабиётида»

жаҳон, хусусан Ғарб адабиётида Амир Темур қиёфасидаги қудрат ва адолатни тасвирлаш хоҳиши кучли бўлган. Аммо бунда айрим тарихий манбалардаги ноҳолис маълумотлардан фойдаланиш, асл тарихий манбалар етарли бўлмагани, борларининг ҳам таржима қилинмагани, шу боис, бадий тўқимага керагидан ортиқ ўрин бериш, ўзга миллий руҳни акс эттириш санъатидаги етишмовчилик каби ҳолларни ҳам назардан қочирмаслик лозим. Бундай ҳолатлар, умуман, ижобий баҳога молик бу йўналишдаги бадий асарлар туркумида талқин этилган Соҳибқирон қиёфасини ҳам, Б.Назаровнинг фикрича, тўлақонли ва тарихий ҳақиқат жиҳатдан ёрқин дейишга шошилмаслик учун асос беради.

Олим, шунингдек, шўро даври адабиётида Амир Темур сиймосига муносабатда икки тамойил намоён бўлганига эътиборни қаратади¹.

Биринчиси: Соҳибқирон тимсолида Ватан мустақиллиги, Эрк, Озодлик, бирлашиш гоёлари тарғиб этилди. Абдурауф Фитратнинг 1918 йилги "Темур сағанаси" номли асари шу йўналишда яратилган бўлиб, шўро ҳукумати, сиёсати, адабиётчилари томонидан кескин ва шафқатсиз зарбага учраган.

Иккинчиси: Амир Темур қиёфаси шўро сиёсатига мослаб, империя манфаатлари нуқтаи назаридан, тарих ҳақиқатига зид равишда, ноҳолис тасвирланди. Ёзувчи С.Бородиннинг "Самарқанд осмонида юлдузлар" эпопеяси, қозоқ адиби Абиш Кекилбоевнинг "Афсонанинг тугаши" (1974), озарбайжон адиби Исо Гусейновнинг "Қиёмат" (1978) романларини ана шундай асарлар сирасига киритиш мумкин.

Бундан ташқари, Ойбекнинг "Навой" /Мақсуд Шайхзоданинг "Мирзо Улугбек" Одил Ёқубовнинг "Улугбек ҳазираси" каби собиқ тузум замонида ёзилган яна бир туркум асарлар борки, уларнинг муаллифлари Соҳибқирон сиймосига йўл-йўлакайгина ишора қиладилар. Ишоралар замирида, Б.Назаров таъбири билан айтганда, "Темурга гоҳ хайрихоҳлик ва муҳаббат, гоҳ мафкура таъгидан қўрқиш туфайли уни турткилаш сезилади"².

Умуман, шўролар сиёсати Амир Темур сиймосининг ўша давр адабиётида на ижобий, на зиддиятли ва на мураккаб йнсон сифатида талқин этилишига йўл қўймаган. Амир Темур шахсини холис ва ҳаққоний ёритишга жазм этган Иброҳим Мўминовнинг рисоласидан рағбатланган Ойбек умрининг сўнгги йилларида Соҳибқирон ҳақидаги дoston устида жадал иш бошлагани маълум. Ойбекнинг ижодхонасида, А.Рустамийнинг ёзишича, "ислоҳ қилинган араб ёзувида битилган 20 саҳифалик дастхат бўлиб, Ойбек музейида, алоҳида жуздон (папка)да (акт 460) сақланмоқда. Бу дастхатнинг ўн саккиз саҳифасида Руи Гонсалес де Клавихонинг саёҳатномасидан олинган маълумот битилган"³. Бу Ойбек Амир Темур тарихи учун бирламчи манба бўлган ушбу китобнинг русча нашрида берилган нодир маълумотларни қайд этганидан, демакки, Соҳибқирон

¹Назаров Б. Ҳозирги ўзбек адабиётида Амир Темур сиймоси / "Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни" мавзудаги халқаро конференция тезислари, 1996 йил 23-26 октябрь, Тошкент // Т.: "Ўзбекистон", 1996. - 58-бет.

²Назаров Б. Ҳозирги ўзбек адабиётида Амир Темур сиймоси / "Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни" мавзудаги халқаро конференция тезислари, 1996 йил 23-26 октябрь, Тошкент // Т.: "Ўзбекистон", 1996. - 58-бет.

³Алибек Рустамий. Амир Темур ва Ойбек /Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1993, № 39-40.

«Амир Темур сиймоси - ўзбек адабиётида»

ҳақидаги ижодий асар учун материаллар тўплаганидан далолат беради. Афсуски, олим И.Мўминовга қарши ҳужумлар шоирни ҳам умидсизлангириб қўйган. Оқибатда эса дoston поёнига етмай, чала қўлёзма ҳолида қолиб кетган.

Ўша даврда, яъни XX асрнинг 60-йиллари охирларида Асқад Мухтор "Инсонга қуллуқ қиладурман" номли ҳикоясини ёзган. Аммо Амир Темурнинг мураккаб ички дунёсини ёритишга бағишланган бу ажойиб асарни фақат 90-йилларнинг бошидагина чоп этиш имкони туғилди.

Кейинги даврларда ҳам ушбу йўналишдаги эзгу анъаналар давом этди. Хусусан, XX асрда мустабид шўролар тузумининг мафкуравий тазйиқларига қарамай, ўзбек адабиётида Амир Темур ва темурийларга доир бир қатор асарлар яратилди. Бу борада атоқли адиб, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодировнинг Амир Темур ва темурийлар тарихи мавзудаги илмий-ижодий асарлари алоҳида диққатга лойиқдир. Адибнинг "Юлдузли тунлар", "Авлодлар довони", "Она лочин видоси" романлари, "Тил ва эл", "Амир Темур сиймоси" каби илмий бадиалари миллий адабиётнинг олтин хазинасидан жой олган.

П.Қодировнинг "Амир Темур сиймоси"¹ романи Амир Темур сиймоси ҳақида миллий ва умуминсоний миқёсларда ҳаёқоний ва янгича тасаввур беради. Асарда энг нуфузли тарихий манбаларга асосланган илмийлик билан тажрибали, истеъдодли адибнинг бадиий маҳорати ушунлашиб, бир-бирининг таъсир кучини оширади. Шу туфайли роман чиндан содир бўлган оламшумул тарихий воқеаларни ва уларнинг бош қаҳрамони – Соҳибқирон шахсиятини қизиқарли сюжет, романбоп тафаккур ёрдамида улуввор жозиба билан кўрсатади. Адибнинг бошқа бир асари – "Тил ва эл" илмий бадиаси Темурийлар давридаги мумтоз адабий тилимиз муаммоларига бағишланган. Шунингдек, П.Қодировнинг "Амир Темур сиймоси. Шоҳруҳ ва Гавҳаршод"² асари нашр қилган.

Шоиру адибларимиздан Ўзбекистон қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Ориповнинг "Соҳибқирон"³ номли шеърый достони адабий ҳаётимизда муҳим воқеа бўлди. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, севимли шоиримиз ижодидида Амир Темур номи илк марта, 1964 йилда, ёзила бошланган ва 1970 йилда тугалланган "Ўзбекистон" қасидасида тилга олинади:

*Кечмишинг бор чиндан ҳам узоқ,
Илгай олмас барчасин кўзим.
Мақтамасман мозийни бироқ,
Ўтмишингни ўйлайман бир зум.
Забтга олиб кенг Осиёни,
Бир зот чиқди мағрур, давонгир,*

¹П. Қодиров. Амир Темур сиймоси / Илмий бадиа. - Т.: "Ўзбекистон", 2007. - 248 бет. Меҳрга йўғрилган ижод: Тўплам. Саидов.А.Х. Амир Темур мавзуси уммондек кенг. - Т.: 2008. - 91-95-бетлар.

²П. Қодиров. Тил ва эл: Темурийлар давридаги мумтоз адабий тилимиз муаммолари / Илмий бадиа. - Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2005. - 248 бет.

³П.Қодиров. Танланган асарлар. Жилд IV: Амир Темур сиймоси. Шоҳруҳ ва Гавҳаршод. - Т.: "Шарқ", 2013. - 480 бет.

⁴Орипов, Абдулла. Танланган асарлар: 4 жилдик. 2-жилд: шеърлар ва дostonлар. - Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2001. - 379-482-бетлар.

«Амир Темур сиймоси - ўзбек адабиётида»

*Икки аср ярим дунёни
Зир қақшатди Буюк жаҳонгир.
Айтгум, бу кун, у маним, маним.
Ўзбекистон, Ватаним маним¹.*

Истибод йилларида бундай мисраларнинг эълон қилиниши наинки даргумон, балки хавфли ҳам эди. Бу ҳақда шоирнинг ўзи қуйидагиларни эслайди: "Ватанимга аталган ўша қасидани "Совет Ўзбекистони" (ҳозирги "Ўзбекистон овози") газетасига олиб бордим. Шеър муҳаррирга жуда маъқул бўлди, у киши, ҳатто мени бу муваффақият билан табриклади. Аммо шарт қўйди... Хуллас, газетада қасидамни чиқаролмадим. У, орадан анча вақт ўтгач, раҳматли Зулфия опанинг катта саъй-ҳаракатлари билан "Саодат" журналида чоп этилди. Шунда ҳам "жиндай" таҳрир билан - "дейман" сўзи "демам" деб ўзгартирилди. "Буюк жаҳонгир" сўзлари "оқсоқ жаҳонгир" сўзлари билан алмаштирилди".

Ушбу шеърнинг яна бир ўрнида Алишер Навоийнинг жаҳоний даҳо шоир экани шундай қиёслаш орқали очиб берилади:

*Беш асрким, назмий саройни
Титратди занжирбанд бир шёр.
Темур тиги етмаган жойни
Қалам билан олди Алишер².*

Истиқлол йилларида шоир Амир Темур сиймосига баралла мурожаат қилиш имкониятига эга бўлди. Абдуллака 1995 йилда ёзилган "Соҳибқирон" достонидан ташқари Амир Темур сиймосининг турли жиҳатларини очиб берувчи "Темур боғлари", "Темур тоши", "Оқсарой" каби шеърлар ҳам ёзди. Шоирнинг "Темур" шеъри 1993 йилда ёзилган ва кейинчалик "Соҳибқирон" достонига муқаддима сифатида олинган. Шеърда улкан давлат тузган, жаҳоннинг кўркига айланган Самарқанд, Шаҳрисабздек шаҳарларни раўнақ топтирган сиймо образи мужассамлашган.

"Соҳибқирон" достони ўзбек адабиётида буюк жаҳонгир сиймоси талқинига бағишланган салмоқли асар бўлди. Мамлакатимиз театрларида муваффақият билан қўйилди. Бинобарин, А.Орипов тарихий воқеаларга асосланиб, "адолат ва дини ислом ҳимояси деб ер юзини фатҳ айлаган, тартиб ўрнатган" буюк сиймонинг образини яратишни мақсад қилган ва бунга муваффақ бўлган. Драма ўзининг замонавий руҳи билан ҳам ажралиб туради. Шоирнинг "Соҳибқирон" асарини ўтмишга боқиб, бугун учун ёзганман", дегани бежиз эмас, бунинг замирида катта маъно бор. Соҳибқироннинг шоир тилидан айтилган қуйидаги сўзлари Ватан ва Миллатни асраш учун ўз авлодларига, яъни бизларга, замондошларимизга даъвати, васиятдек жаранглайди:

¹Орипов, Абдулла. Танланган асарлар: 4 жилдлик. 2-жилд: шеърлар ва достонлар. - Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2001. Уша асар. - 178-бет.

²Орипов, Абдулла. Танланган асарлар: 4 жилдлик. 1-жилд: шеърлар ва достонлар. - Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000.-179-бет.

Буюк давлат барпо этдим,
 Тангрига шукр,
 Золимларнинг тааррузли қўлларини мен
 Мазлумларнинг этагидан юлқиб ташладим.
 Маслак ила тариқатни ҳимоя айлаб,
 Монёъ бўлдим имонсизлик, зўравонликка.
 Сиз миллатнинг дардларига дармон бўлингиз,
 Йўқсулларни асло бойлар зулмига берманг.
 Орангизга сира-сира тушмасин нифоқ,
 Умр бўйи ҳазар қилинг мунофиқлардан,
 Болаларим, хоинлардан бўлинг эҳтиёт,
 Инсон зоти кўп нарсага чидайди, аммо
 Гар адолат поймол бўлса - тоқат қилолмас.
 Адолат ва озодликни муқаддас билинг.
 Йўлдошингиз бўлсин доим ақлу тажриба,
 Ҳар кимларнинг қутқусига дафъатан учманг...
 Тожу тахтни мендек узоқ сақлай десангиз,
 Қиличнингиз ўйлаб чекинг. Бўлинг ҳамжиҳат.
 Шунқорларим, адолатни дастур қилингиз,
 Энг аввало, Ватан ила Миллатни асранг! .

Асарда Амир Темур ҳаётининг сўнгги йилларида кечган воқеалар тасвири орқали "Куч- адолатдадир" деган ақидани ўзига мисол қилиб олиб, тарқоқ улусларни бирлаштириб буюк давлат тузган, ҳамма жойда яратувчилик, бунёдкорлик ишларига бош-қош бўлган, лапикарбошиликни ҳарбий санъат даражасига кўтарган сиймо образи гавдаланади.

Достон Соҳибқироннинг саркардалик меҳорати билан биргаликда чуқур инсоний фазилатлари, атрофдагиларига, қўшинига бўлган меҳр-муҳаббати, элу юртига севгиси, деярли бутун умри от устида кечиб чеккан заҳматларининг боиси - миллатнинг, Ватаннинг дардларига малҳам бўлгани, ўз улусининг бахт-саодатини ўзининг ҳаловатидан устун қўя билгани, тарқоқ улусни бирлаштириб, адолат билан бошқара олгани тарихан ҳаққоний лавҳаларда очиб берилган.

Академик Бахтиёр Назаров таъкидлаганидек, Абдулла Орипов ўз асарига тарихий жанр талабларига изчил амал қилса-да, бадийят ва тахайюл тизгинини эркин қўяди. Амир Темур даҳоси, табиатидаги мураккаблик ва зиддиятлар ҳамда маънавий дунёдаги қудрат асосларини бадий қўрсатиш бу асар меҳварини ташкил этади. Абдулла Орипов Темур билан Хизр қиёфасидаги Яссавий баҳсида бу икки буюк зотнинг қалб ва қудратга доир ниҳоятда чуқур қарашларини бадий гавдалантиради ҳамда уларга муносабатдаги ўзининг залворли фалсафий

¹Орипов, Абдулла. Танланган асарлар: 4 жилдлик. 1-жилд: шеърлар ва достонлар. - Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000. Уша асар. - 379-482-бетлар.

«Амир Темур сиймоси - ўзбек адабиётида»

гояларини илгари суради. Драмада юксак тарихийлик билан баробар замонавийлик руҳи ҳам терандир¹.

Амир Темур сиймоси талқини шоирнинг мақола ва суҳбатларида ҳам чуқур талқин этилган. Бу жиҳатдан "Халқ сўзи" газетасининг 1996 йил 17 октябрь сонидagi Абдулла Ориповнинг "Улуг гоялар улуг инсонларни вояга етказди"² деб номланган суҳбати айниқса эътиборлидир.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, ўттизга яқин шеърый, насрий, публицистик ва таржима китоблар муаллифи Муҳаммад Али шу мавзуда қалам тебратаётган ижодкорлар орасида алоҳида ўрин ва мавқега эга. Муҳаммад Али ижодида Амир Темур тарихи салмоқли ўрин тутди. Адиб бу мавзуда шеърлар, публицистик мақола ва эсселар ёзди. "Гумбаздаги нур" (1967) достонини яратди, "Сарбадорлар" (1989) тарихий дилогиясида ўзбек прозасида илк марта Соҳибқирон образини чизиб берди.

Муҳаммад Алининг "Сарбадорлар" романи Мустақиллик арафасида, бошқа жуда кўплаб масалалар қатори Амир Темурга нисбатан ҳам адолатли қарашлар ниш урган даврда майдонга келди. Асарда Амир Темурнинг сарбадорларга муносабати масаласида эски тузумга хос нуқтаи назарга қарама-қарши фикрнинг бадиий ифодалаб берилгани диққатга моликдир. Б.Назаров асосли талқин қилганидек, М.Али тарихий маълумотларга суяниб Соҳибқироннинг сарбадорлар ҳаракатига ижобий муносабатини, Амир Темурнинг бу ҳаракатга ва айни вақтда, мазкур ҳаракат гояларининг Соҳибқирон қарашларига таъсирини ҳамда бу ўзаро таъсирдаги мураккабликлар, зиддиятларни биринчилардан бўлиб бадиий адабиётда гадалантирди³.

Адибнинг кейинги даврда ёзган тарихий романи, "Шоҳрух Мирзо"⁴ деб номлаганидан билиш мумкинки, бу асар ҳам Соҳибқирон ва ул зотнинг суронли даврига бағишланган. Янги асар Муҳаммад Али томонидан қатъият ва изчиллик, илҳом ва эҳтиром билан яратиб келинган. "Улуг салтанат" тетралогияси таркибига кирувчи тўртинчи китобдир. Адибнинг ушбу китоби ҳақида фикр айтишдан олдин аввалги романлари ҳақида қисқача тўхталиш лозим.

Даставвал, Муҳаммад Али томонидан Соҳибқирон ва унинг суронли даврига бағишлаб, 1999 йилда ёзилган "Жаҳонгир Мирзо"⁵ ва 2004 йилда битилган "Умаршайх Мирзо"⁶ романларини ўзида қамровчи тарихий дилогия яратилган эди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига мувофиқ, Муҳаммад Алининг "Улуг салтанат" деб номланган ана шу тарихий дилогияси 2007 йилда Давлат мукофоти билан тақдирланди.

Бундай юксак эътибор ва рағбатдан руҳланган адибимиз кейинчалик "Улуг

¹Назаров Б. Ҳозирги ўзбек адабиётида Амир Темур сиймоси / "Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни" мавзудаги халқаро конференция тезислари, 1996 йил 23-26 октябрь, Тошкент // Т.: "Ўзбекистон", 1996. - 61-бет.

²"Халқ сўзи" газетаси, 1996, 17 октябрь.

³Назаров Б. Ҳозирги ўзбек адабиётида Амир Темур сиймоси / "Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни" мавзудаги халқаро конференция тезислари, 1996 йил 23-26 октябрь, Тошкент // Т.: "Ўзбекистон", 1996. - 59-бет.

⁴Муҳаммад Али. Шоҳрух Мирзо. - Т.: "Шарқ", 2013. - 500 бет.

⁵Муҳаммад Али. Жаҳонгир Мирзо. - Т.: "Шарқ", 2003. - 336 бет.

⁶Муҳаммад Али. Умаршайх Мирзо. - Т.: "Шарқ", 2006. - 336 бет.

«Амир Темур сиймоси - ўзбек адабиётида»

салтанат" туркумига кирувчи учинчи романи - "Мироншоҳ Мирзо"¹ китобини ёзди. Милодий 1392-1399 йиллар воқеалари ҳақида сўз борган ушбу жўшқин асар ҳам мухлисларда катта таассурот қолдирганини айтиб ўтиш лозим. Шундан сўнг адиб "Улуғ салтанат" туркумига кирувчи тўртинчи романи - "Шоҳрух Мирзо" асарини ёзди. Шу тариқа буюк Соҳибқирон бобомизнинг тўрт нафар фарзанди аржуманди - Жаҳонгир Мирзо, Умаршайх Мирзо, Мироншоҳ Мирзо ва Шоҳрух Мирзо ҳаёти ҳамда фаолиятига бағишланган кенг қамровли тетралогия дунёга келди.

Бу ҳақда адибнинг ўзи "Шоҳрух Мирзо" асари хотимасида шундай қайд этади: "Соҳибқирон ҳақида асар ёзишга киришганимда, сўзни нимадан бошлашни билмай, бошим қотди. Бу улкан осмонупар тоғ эди, у чамага сизмас, ақлга бўй бермасди. Бунда табиатнинг ўзи ёрдамга келди: унда тўрт фасл бор эди, баҳор, ёз, куз, қиш. Дунёнинг ҳам тўрт томони бор, шарқ, ғарб, шимол жануб. Инсон умрининг ҳам тўрт фасли маълум - болалик, йигитлик, етуклик, кексалик. Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳам тўрт ўғли бор эди - Жаҳонгир Мирзо, Умаршайх Мирзо, Мироншоҳ Мирзо ва Шоҳрух Мирзо... Бас, Соҳибқирон ҳақидаги китоб тетралогия-эпопея бўлиши ва китобнинг ҳар бири бир ўғил исми билан аталиши лозим, номи "Улуғ салтанат" деб қўйилсин. Эпопеянинг бош қаҳрамони Амир Темурдир"².

Шундай қилиб, адибга узок йиллар давомида илҳом бағишлаб келган, айни вақтда, оромини ўғирлаган улугвор ижодини иш тарихий эпопея ниҳоясига етди. Магрибу Машриқда асрлар давомида Амир Темур ва темурийларга бағишланган минглаб китоблар битилган бўлса ҳам, лекин бундай улкан кўламли асар, яъни Соҳибқирон бобомиз ва фарзандлари ҳақида тўртта китобдан иборат тарихий эпопея ҳали яратилмаганини таъкидлаш зарур. Ва шу фактнинг ўзи ҳам бу асарларни, яхлит тетралогияни адиб ижодидаги жуда катта ютуқ, миллий адабиётимизда эса гоят муҳим янгилик, деб баҳолашга муносибдир.

Муҳаммад Али ўз тетралогиясида ҳаққимизнинг бундан қарийб етти аср олдинги ҳаёти, ўша давр ижтимоий жараёнларини ёрқин бадиий бўёқлар ва аниқ тарихий фактлар асосида маҳорат билан тасвирлайди. Энг муҳими, адиб Амир Темур образида тарихий ҳодисалар оқимида тадрижий ўсиб, юксак камолот даражасига эришган шавкатли зот, адолатпарвар ва ҳалол, мард ва ватанпарвар буюк сиймо тимсолини моҳирлик билан кўрсата олган.

Бу асарларда, шунингдек, марказлашган буюк давлат барпо этиш машаққатлари, кенг кўламдаги бунёдкорлик манзаралари тараннум этилган. Ҳақиқатан ҳам, Амир Темур жаҳон тарихида қудратли ва гуллаб-яшнаган давлат барпо этган буюк саркарда ва давлат арбоби сифатидагина мавқе тутмайди. Соҳибқирон ўз пойтахти бўлмиш Самарқандни ер юзининг чинакам маданий ва илмий марказларидан бирига айлантirdи. Бу улуг зот қурдирган меъморчилик ва халқ санъатининг жавоҳирлари янглиг бугунгача қад кўтариб турган осори атиқалар шаҳар ва қишлоқларимиз кўркига кўрк қўшиб келяпти.

Муҳаммад Али каламига мансуб тетралогияда шу каби буюк ҳақиқатлар

¹Муҳаммад Али. Мироншоҳ Мирзо. - Т.: "Шарқ", 2010. - 411 бет.

²Муҳаммад Али. Шоҳрух Мирзо. - Т.: "Шарқ", 2013. - 490-бет

«Амир Темур сиймоси - ўзбек адабиётида»

бадий бўёқлар ва тарихий фактлар омухталигида ўз тасдигини топгани эътиборга сазовордир. Жумладан, охириги асар - "Шоҳрух Мирзо" китобида милодий 1400-1409 йилларда рўй берган воқеалар ҳақида сўз боради. Асарнинг тили равон, ўқилиши енгил, бадий тасвирда Амир Темур даври руҳи яққол уфуриб туриши алоҳида эътиборга лойиқдир.

Мисол учун, романда "келбати Амир Темурга ўхшайдиган хоқони сайид Шоҳрух Мирзо" Ҳиротнинг Соҳибқирон бунёд эттирган "Боги шаҳр" мавзеида фарзандлари Бойсунгур Мирзо билан Муҳаммад Жўки Мирзонинг ҳумоюн тўйларини ўтказгани мароқ ва маҳорат билан шундай тасвирланган:

"Сунбуланинг эмин-эркин эсаётган танга ёқар шабадалари муаззам Боги шаҳрни буткул ўзиники қилиб олган, борлиқни безаган хусравона наволарни опичганча, узоқ-яқиндан келган меҳмонлар билан гавжум катта чодирларни оралаб, нафис дарпардаларни силаб-сийпаб ўтар, ўйнар, пушти сақарлот саропардалар атрофида парвона бўларди. Богнинг четидаги майдончада аввал қўчқор уриштириш бўлди, сўнг хўрозларга навбат етди... Бир ҳафта давом этган, хосу омга баробар совға-саломлар улашилган дабдабали тўй овозаси рубъи маскуннинг пучмоқ-пучмоқларига бўриб етди".

Адиб навбатдаги сатрларда: "тўйдаги икки кун кейин худди шу ернинг ўзида машварат чақиртирилди. Бунинг ноҳуш сабаби Турондаги нотинч ва танг вазиятга бориб тақаларди", деб қайд этар экан, тўй ва нотинчлик манзараларини бири-бирига қарши қўйиш йўли билан ўша даврнинг зиддиятли ҳаётини ҳаққоний акс эттиришга, бор бўйи билан очиб беришга муваффақ бўлган.

Муаллиф жаҳон пойтахтига айланган Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарларини меҳр билан тасвирлайди. Шунинг ҳам қайд этиш жоизки, адибнинг янги романи адабиётимизда Соҳибқирон Амир Темур ва темурий шаҳзодалар образини яратиш йўлида қўйилган яна бир қўлдан қадамдир. Асар қаҳрамонлари орасида Амир Темур, Сароймулкхоним, Шоҳрух Мирзо, Муҳаммад Султон, Халил Султон, Улуғбек Мирзо, Хонзода хоним, Туман оқа, Гавҳаршод бегим сингари тарихий шахслар образлари гоят ишонарли яратилган.

Қисқача айтганда, таниқли адиб Муҳаммад Алининг "Шоҳрух Мирзо" номли романини ва умуман, "Улуғ салтанат" тетралогиясини Президентимизнинг ёзувчиларимизга мурожаат қилиб: "жонкуяр ва фидойи адибларимиз ўзбек адабиётининг муқаддас анъаналарига садоқатли бўлиб, уларни муносиб давом эттирган ҳолда ижод қиладилар ва янги-янги гўзал асарлар билан халқимизни хушнуд этадилар, деб ишонаман", деган даъватига долзарб жавоб сифатида қабул қилиш айтиш мумкин.

Истиқлол Амир Темур ҳақида адабий жанри ва бадий савияси турлича бўлган кўплаб илмий ва адабий-бадий асарлар яратилишига кучли туртки берди. Бу асарлар қаторида, жумладан, Бўрибой Аҳмедовнинг "Амир Темур" тарихий-хроникал романи, Евгений Березиковнинг "Буюк Темур" романи, Хуршид Давроннинг "Бибихоним қиссаси ёки тугамаган достон" эссеси, Озод Мўминнинг "Буюк Амир Темурнинг ёқути" номли тарихий-фантастик қиссаси, Урфон

¹Муҳаммад Али. Шоҳрух Мирзо. - Т.: "Шарқ", 2013. - 500 бет.

«Амир Темур сиймоси - ўзбек адабиётида»

Отажоннинг "Хумоюн қабул" ҳикояси, Темур Убайдуллонинг достони, ўнлаб шеърларни санаб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Қозоқ адиби Саурбек Бакберженов қаламига мансуб "Темурнинг ўлими" қиссасида ҳам Соҳибқирон сиймосини адолатли ёритишга интилиш сезилади.

Ўтган давр Амир Темур сиймоси тараннум этилган драматик асарларга ҳам бой бўлди. Абдулла Ориповнинг "Соҳибқирон", Тўра Мирзонинг "Амир Темур", Маъруф Жалилнинг "Соҳибқирон", Асрор Самаднинг "Соҳибқирон Темур"¹ сингари асарлари шулар жумласидандир.

Юртимиз ижод аҳлининг Амир Темур ва темурийлар мавзудаги истиқлол даври асарлари ҳақида сўз борганда, Ўзбекистон халқ шоири Хуршид Давроннинг "Самарқанд ҳаёли"² номли тарихий ва маърифий бадиалардан иборат китобини алоҳида қайд этиш зарур. Ушбу китоб ибратли, ҳикматли ривоят ва афсоналарга бойлиги билан ўхувчига манзур бўлади. Шунингдек, адиб Амир Темур ва унинг садоқатли умр йўлдоши - малика Бибиҳоним ҳақида ҳикоя қилинадиган "Соҳибқирон набираси"³ асарини ҳам нашр эттирган. Китобдан муаллифнинг "Бибиҳоним қиссаси ёхуд тутаманг дoston", "Амир Темур ўглининг ўлими ҳақида ривоят", "Соҳибқирон набираси ёхуд митти юлдуз қиссаси" каби тарихий-маърифий бадиалари жой олган.

Ижодкорнинг бадиий деҳоси асар саҳифалари орқали Амир Темур ва Мирзо Улугбек замонига ҳаёлан юриш қилиш, таърифи жаҳонга машҳур жаҳонгир ҳаёти ва фаолиятининг шонли ҳаққаларига тавофуқ шоҳид бўлиш, Соҳибқирон набирасининг болалик ва ёшлик чоғлари билан танишиш имконини беради. Китобга "Амир Темур ва Мирзо Улугбек ҳаётининг солномаси" илова қилинган. Хуршид Даврон айти мавзудаги публицистик мақолалари билан матбуотда ҳам қатор чиқишлар қилган.

Нарзулла Аҳмедовнинг "Амир Темур: ривоят ва ҳақиқат"⁴ асарида Соҳибқироннинг болалиги, яққа ҳуқуқонлигининг ўрнатилиши, қудратли Темурийлар давлатининг вужудга келиши, ҳарбий юришлари, ташқи ва ички сиёсати, маънавият ва унинг ҳозирги кундаги аҳамияти ҳақида фикр юритилган.

Владимир Соснин ва Муҳаммад Очилнинг "Амир Темур гори ажойиботлари"⁵ китобига эса Амир Темур фаолиятининг бошланғич давларида халқ томонидан айтиб юрилган афсона ва тарихий лавҳалар, шунингдек, муаллифларнинг "Темур гори"га сафари билан боғлиқ кечинмалари киритилган.

Малик Муродовнинг "Соҳибқирон сабоқлари"⁶ китобида жамланган Амир Темур ҳақидаги ривоят ва афсоналар ҳам илмий-тарбиявий жиҳатдан қимматлидир.

¹ Асрор Самад. Соҳибқирон Темур. Драма ва ҳикоялар. - Т.: "Ёзувчи", 1993. - 103 бет.

² Хуршид Даврон. Самарқанд ҳаёли / Тарихий бадиалар. - Т.: 1991.

³ Даврон, Хуршид. Соҳибқирон набираси ёхуд митти юлдуз қиссаси. - Т.: "Шарқ", 1994. - 384 бет.

⁴ Қаранг: Даврон Х. Амир Темур боғлари // Ўзбекистон овози, 1994, 29 март; Даврон Х. Бухоронинг табаррук зотлари // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1994, 15 апрель.

⁵ Аҳмедов Н. Амир Темур: ривоят ва ҳақиқат. - Т.: Қомуслар Бош таҳририяти. 1996. - 96 бет.

⁶ Соснин, Владимир, Очил Муҳаммад. Амир Темур гори ажойиботлари (тарихий лавҳалар). - Т.: "Чулпон", 1992. - 32 бет.

⁷ Соҳибқирон сабоқлари / тузувчи-муаллиф М.Муродов. - Т.: "Ўқитувчи", 1996. - 168 бет.

«Амир Темур сиймоси - ўзбек адабиётида»

Таниқли публицист Ҳақим Сатторий мавзуга доир биринчи мақоласини 1990 йил октябрь ойида ўзи иштирок этган экспедиция якунлари бўйича ёзган¹ бўлиб, шу асосда кейинчалик Амир Темур салтанатига сафарлар рукнидаги 30 та мақоладан иборат "Хотира қарвони"² китоби юзага келган. Ижодкор, шунингдек, "Амир Темур севган юрт"³, "Олтин силсила"⁴, "Ҳазрат Соҳибқирон"⁵, "Соҳибқирон абадияти"⁶ каби ўнлаб китоблар ва юзга яқин мақолалар муаллифидир. Ушбу асарларда Соҳибқирон образи воқеалар марказига қўйилган ҳолда бу зотнинг лашкарбоши, давлат бошлиғи, ҳукмдорлиғи, айти пайтда меҳрибон ота, бобо, қариндош, дўст сифатидаги фазилат ва хислатлари ишонарли деталларда тарихан ҳаққоний тасвирлаб бериллади.

Хусусан, Ҳ.Сатторийнинг "Ҳазрат Соҳибқирон" асарида Темур яшаётган буюк империя, марказлашган қудратли салтанат тузиб, уни мустаҳкамлаб келганидан кейин ўтган 600 йил давомида дунё сиёсий харитасида юз берган ўзгаришлар, Соҳибқирон Ватанида рўй берган жаҳоншумул бунёдкорликлар, ҳосиятли анъаналар мисолида давом этаётгани ҳақида салмоқли фикрлар билдирилган. Дунёда глобаллашув тезлашаётгани ҳамда цивилизацияларнинг ўзаро яқинлашаётгани ва бирлашаётгани, марказлашган давлатлар ва иттифоқлар вужудга келаётгани Амир Темур яратган қудратли давлат тизими, бутунги ривожланган мамлакатлар учун ҳам тарихий ибрат намунаси бўлиб қолаётганини исботлайди.

Ёзувчи Нурали Қобул қаламига мансуб "Буюк Турон амири ёхуд ақл ва қилич"⁷ романи ҳам тарих саҳнасида қуёшдай қорлаган икки буюк давлат - Темурийлар ва Бобурийлар салтанатининг тамал тошини қўйган бетакрор шахс, Қашқардан Босфоргача, Ҳинд океанидан Урал тоғларигача бўлган жуғрофий кенгликларда яшовчи элу элатларнинг миллий қаҳрамонига айланган, улар кечмиши ва шон-шарафининг мангу тимсоли, жаҳонни ларзага келтирган буюк сиймо - Амир Темур ҳақидадир. Асарда улут аجدодимизнинг ўз халқи ва Ватанига бўлган чексиз меҳр-муҳаббати, садоқати уни қанчалик юксакликка кўтарганлиги бадий-тарихий бўёқларда жозибали тасвирланган.

Н.Қобулнинг "Етти иқлим ҳоқони ёхуд аҳд ва тахт" романи⁸ олдинги, "Буюк Турон амири ёхуд ақл ва қилич" асарининг тадрижий давомидир. Роман моҳият эътибори билан Амир Темур шахсини кўп қирраларда гавдалантириши билан бирга, тарихимизнинг бутунги нурли кунларини, ўзликни янада чуқурроқ англашга ундайди.

¹Амир Темур ўтган йўллар бўйлаб ёшлар юриши уюштирилса, сафар қийин бўладими? / "Ёш ленинчи" (ҳозирги "Туркистон") газетаси, 1991 йил 3 январь.

²Сатторий Ҳ. Хотира қарвони (Амир Темур салтанатига сафарлар). - Т.: "Фан", 1994. - 130 бет.

³Сатторий Ҳ. Амир Темур севган юрт. - Т.: "Ўзбекистон", 1996. - 126 бет.

⁴Сатторий Ҳ. Олтин силсила. (Насабнома, солнома, шажара). - Т.: "Шарқ", 2006. - 136 бет.

⁵Сатторий Ҳ. Ҳазрат Соҳибқирон. (Эссе-роман, сафарномалар). - Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2005. - 350 бет.

⁶Сатторий Ҳ. Соҳибқирон абадияти.(Темурий шахзода ва маликалар ҳақида). - Т.: "Тафаккур қаноти", 2011. - 300 бет.

⁷Қобул, Нурали. Буюк Турон амири ёхуд ақл ва қилич: Роман. - Т.: "Sharq", 2011. - 480 бет.

⁸Қобул, Нурали. Етти иқлим ҳоқони ёхуд аҳд ва тахт: Роман. - Т.: "Sharq", 2014. - 480 бет.

«Амир Темур сиймоси - ўзбек адабиётида»

Пирмат Шермухамедов таниқли адабиётшунос олим, ўзбек болалар адабиёти бўйича йирик мутахассис экани баробарида, тарихшунос публицист ва адиб ҳамдир. Унинг буюк аждодларимизга бағишланган "Хоразм маликаси ёхуд Амир Темур келини"¹, "Мирзо Улугбекнинг қизи ёхуд Робия Султонбегим қиссаси"² номли тарихий-маърифий асарлари китобхонлар томонидан қизгин кутиб олинди. "Хотираси бўлмаган, тарихи бўлмаган, кўҳна асотирлар, афсоналарда, мумтоз адабиётда акс этган маънавий биографияси бўлмаган одам руҳан қашшоқликка маҳкум ва бундай одам мураккаб замонамиз ҳаётини англашга ожиздир", деган эди атоқли адиб Чингиз Айтматов. П. Шермухамедов ҳам айти масалада буюк адиб билан ҳамфикр ҳолда шундай дейди: "Маънавий-тарихий биографиясига таянмаган адабиёт руҳан қашшоқликка маҳкумдир".

Шу билан бирга, ўтган даврда Амир Темур ва темурийлар мавзuida Мирмуҳсиннинг "Темур Малик"³, Е.Березиковнинг "Буюк Темур"⁴ ва В.Череванскийнинг "Амир Темур. Болалиги. Жанговар йўли. Вафоти"⁵ тарихий романлари, Ҳельда Ҳукҳемнинг "Етти иқлим ҳукмдори"⁶, Гулбаданбегим Заҳириддин Бобур қизининг "Ҳумоюннома"⁷ китоблари, Қ.Абдинабиевнинг "Амир Темур ва Йилдирим Бойазид"⁸ номли драмалар тўплами, О.Бўриевнинг "Амир Темур"⁹ шеърий романи, В.Чженнинг "Амир Темур"¹⁰ поэмаси чоп этилган.

Жойларда яшаб-ижод этаётган қаламкашларнинг ҳам ушбу мавзуга доимий қизиқиши эътиборлидир. Хусусан, Поён Равшановнинг "Амир Темур сулоласи"¹¹ романи Соҳибқирон ва унинг Марказий Осиё, Хуросон, Эрон ва Ҳиндистонда беш асрга яқин ҳукм сурган сулоласидек беназир катта хонадоннинг тавсифига бағишланган. Асарда шажаранинг бардавомлиги бевосита давлат аҳамиятига молик бўлган оилавий тарбияга боғлиқ бўлганлиги, ўзликни, шаъни, ор-номусни сақлаш ҳалқимизда узоқ асрлар давомида сайқал топган миллий менталитет, урф-одатлар, удулар бағрида этилганлиги, равнақ топганлиги, Амир Темур тамал тошини қўйган тожу тахт ворислари ҳаёт йўли мисолида кенг кўламда бадий-тарихий талқин этилган, П.Равшановнинг "Малика Кенагас ойим ёхуд

¹Пирмат Шермухамедов. Хоразм маликаси ёхуд Амир Темур келини. - Тошкент, 2006, 135 бет.

²Пирмат Шермухамедов. Мирзо Улугбекнинг қизи ёхуд Робия Султонбегим қиссаси. - Тошкент, 2007, 112 бет.

³Мирмуҳсин. Темур Малик. Тарихий роман. - Т.: "Шарқ", 1996. - 448 бет.

⁴Березиков Е. Буюк Темур. Роман. - Т.: "Шарқ", 1996. - 336 бет.

⁵Череванский В. Амир Темур. Болалиги. Жанговар йўли. Вафоти: тарихий роман / Владимир Череванский; Х.Дўстмуҳаммад ва А.Карим таржимаси. - Т.: "Ёзувчи", 1993. - 224 бет.

⁶Ҳукҳем Ҳ. Етти иқлим султони. Ҳужжатли-тарихий қисса / Ҳ.Тўрабеков ва Ш.Сокин таржимаси. - Т.: "Адолат", 1999. - 320 бет.

⁷Гулбаданбегим Заҳириддин Бобур қизи. Ҳумоюннома. - Т.: "Маънавият", 1998. - 104 бет.

⁸Абдинабиев Қ. Амир Темур ва Йилдирим Бойазид // Драмалар тўплами. - Қарши, "Насаф", 2006.

⁹Бўриев О. Амир Темур: шеърий роман. - Т.: "Ўзлпон", 1996. - 416 бет.

¹⁰Чжен В.А. Амир Темур: Поэзия. - Т.: "Ёзувчи", 1998. - 190 бет.

¹¹Равшанов, Поён. Амир Темур сулоласи: роман. - Т.: "Янги аср авлоди", 2014. - 652 бет.

«Амир Темур сиймоси - ўзбек адабиётида»

Амир Насруллонинг ўлими қиссаси¹ китоби ҳам шу мавзунинг муайян қиррасини очиб беришга қаратилгандир.

Шунингдек, яна бир қашқадарёлик қаламкаш Шарофат Ашурованинг "Илоҳий тун"² қиссасида Амир Темурнинг болалиги, шайх Шамсуддин Кулол қўлида таҳсил олган дамлари, озодлик ҳақидаги илк тасаввурлари қаламкаш олинган бўлса, "Насаф тажассуми"³ номли китобида Соҳибқирон ҳаётининг Қарши шаҳри билан боғлиқ даврига доир манбалар бадий талқин этилган "Сароймулкхоним", "Дуо", "Тегина бегим", "Турканога бегим" каби ҳикоялари тўпланган. Бундан ташқари, драматург Қилич Абдинабиевнинг "Амир Темур ва Йилдирим Боязид"⁴ тарихий драмасини, шунингдек, яна бир қашқадарёлик драматург (марҳум) Соли Пўлатовнинг Шаҳрисабз тумани халқ театрида 2001 йили режиссёр Эмуроод Боймуродов томонидан саҳналаштирилган "Оқсарой" драмасини санаб ўтиш мумкин.

Албатта, Ўзбекистонда мустақиллик шарофати билан сўз, илмий излавиш ва ижод қилиш эркинликлари конституциявий кафолатлаб қўйилгани, шунинг натижаси ўлароқ бугунги кунда 106 та нашриёт, мингга яқин даврий матбуот воситалари⁵ фаолият юритаётган шароитда бутун мамлакат миқёсида ҳар куни, ҳар ойда ва ҳар йили Амир Темур ва темурийлар мавзуида эълон қилинаётган китоблар, тўпламлар, рисола ва мақолаларни тўла қамраб олиш жуда мушкул. Шу сабабли, кейинги йилларда нашр этилган Амир Темур ва темурийлар тўғрисидаги барча мазмунли рисола ва мақолаларни қайд этишнинг имкони бўлмаганидан, фақат улардан айримларининг муаллифларини санаб ўтамиз.

Хусусан, Э.Воҳидов, Р.Ширинов, А.Рустамий, Қ.Маҳмудов, Р.Кадиров, Г.Некlessа, М.Қаршибоев, А.Милуруд, Т.Низаев, Б.Пардаев, И.Раҳим, Уммахони Бегим Соҳиба Лайло, Р.Фарходий, А.Уролов, И.Гафур, С.Бобоев, А.Абдуқодиров, Э.Қувватов, Р.Мукминова, А.Абдурахмонов, А.Юсупова, Т.Ходжайов, А.Абдунабиев, А.Раимқулов, Р.Қиличев, А.Уролов, С.Норов, Э.Иброҳимова, Н.Юлдашев, Т.Эргашев, Ф.Саломов, Ҳ.Кароматов, Ҳ.Нурмуҳаммад, М.Нуриддинов, Э.Муҳаммад, Мурод Мирзо, С.Йўлдошев, Т.Исломов, Ҳ.Бобоев, М.Бағирзода, О.Бўриев ва бошқалар шундай муаллифлар жумласидандир.

Шундай қилиб, ўзбек адабиётида асрлар давомида Амир Темур ва темурийларга бағишланган кўплаб асарлар яратилган. Бу тарихий ва бадий асарлар Ўзбекистоннинг бой ҳамда шонли тарихи ҳақида ҳозирги ва келажак авлодга қимматли маълумотлар беради, ўтмиш, ҳозирги кун ва келажакни боғловчи кўприк вазифасини бажаради.

¹Равшан П. Малика Кенагас оғим ёхуд Амир Насруллонинг ўлими қиссаси.-Т.: "Шарқ", 2000.-222 бет.

²Ашурова Ш. Илоҳий тун. - Т.: Гафур Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1996. - 176 бет.

³Ашурова Ш. Насаф тажассуми. - Т.: "Янги аср авлоди", 2006. - 400 бет.


⁴Абдинабиев Қ. Амир Темур ва Йилдирим Боязид. Драмалар тўплами. - Қарши, "Насаф", 2006.

⁵Ўзбекистонда, 2014 йил 1 январь ҳолатида, 1372 та оммавий ахборот воситаси, шу жумладан, 709 та газета, 289 та журнал, 95 та ТВ ва радио, 261 та журналистика соҳасида фаолият олиб борадиган веб-сайт рўйхатга олинган. Манба: Народное слово, 2015, декабрь.

Энг муҳими, ўзбек адiblари Амир Темур мавзуси қанчалик залворли экани, уни тадқиқ ва талқин этиш ҳар қандай ижодкор шахсдан катта масъулият, чуқур билим ва салоҳият талаб этишини теран ҳис этади.

Мустақиллик йилларида Амир Темур сиймосини яратиш йўлидаги изчил ижодий жаргон, айнақа, тубдан янги, кезик босқичга кўтарилди. Истиқлол йилларида ушбу мавзуда яратилган асарлар, бир томондан, Амир Темур ҳақидаги тарихий ҳақиқатни юзага чиқаришда беқиёс аҳамиятга эга бўлса, иккинчи томондан, улуғ Соҳибқирон ворислари - ўзбекистонлик ёшлар қалбида, онгу шуурда ўзликни англаш, шавкатли аждодлар билан фахру ифтихор этиш, Ватанга муҳаббат ва садоқат, Ўзбекистон халқига ҳурмат-эҳтиром, шонли тарих, саодатли бугунги кунлар ва ёруғ истиқболга ишонч ҳамда шукроналик туйғуларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Шу билан бирга, Амир Темур ва темурийларга доир янгидан-янги ноёб манбаларнинг кашф этилаётгани, умуман, Ўзбекистонда ва бугун дунёда Соҳибқирон даҳосига эътибор ва қизиқишнинг тобора ортиб бораётгани ўзбек адабиёти намояндалари зиммасига янада кўп ва сара асарлар яратиш масъулиятини юклайди. Бинобарин, "жаҳон тарихида ўчмас из қолдирган буюк шахслар ҳаётини ўрганиш, улар ҳақида асарлар, фильмлар яратиш авлодлар бўйнида турган катта бурчдир, ҳақиқий виждон ишидир. Бу ҳар қанақасига қўлаб-қувватланишга муносиб бир шижоатдир"¹.



¹Муҳаммад Али. Амир Темур чамани. - Т.: "Ўзбекистон", 2006. - 111-бет.



ОҚСАРОЙ ТАРИХИ

(Тадқиқнома)

Оқсарой қасри Соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари барпо эттирган улғувор, мухташам, тенгсиз меъморий обидадир. Қудратли давлатнинг заҳира маъмурий-бошқарув биноси тариқасида 1380-1396

йилларда қурилган кошона кечмиши ҳайратомуздир. Неча асрларга бош чекиб турган Оқсарой қандай вайроналикка юз тутган, сир-синоатлар, сабаблар, оқибатлар, мушоҳадалар кўп. Бу ҳақда қанча нақллар, афсоналар тўқилган, ҳақиқат уруғлари улар тагида кўкламай, қолиб кетган.

Ушбу тадқиқномада тарихий манбалар шаҳодати асосида мозий издиҳомлари, оғриқ нуқталари қатори, ечимга келиш имкониятлари ҳам қаламга олинади. Оқсаройнинг миллатимиз гурури сифатида қадр топиши мустақиллик руҳи билан узвий боғланганлиги ифода этилади.

Асар тарихимиз мухлисларига, тадқиқотчиларга, талаба ёшларга мўлжалланган.



МУАЛЛИФДАН

Юртимизда қадимий обидалар кўп. Ўзбекистонни қўргонлар, қалғалар, ҳисорлар, работлар, шаҳристонлар, қасрлар, кўшклар, саройлар хазинаси дейиш жоиз бўлади. Қадимшунос олимлар ёдгорликларни, осори атиқаларни излаб топиш, тадқиқ этишда тиним билмайдилар. Шунга қарамай, диёримизнинг талай минтақаларида қўл тегмаган мозий меъморатлари мавжуд, вақти келиб, улар тимсолида тарих тилга киришига тайин.

Кунда бўлмаса ҳам, куношани кўриб юрадиганимиз обидаларни, уларнинг пайдо бўлиш тарихини бизнинг давримизга қадар босиб ўтган кечмиш йўлини обдон ўйлаб кўрганмизми? Йўқ, бунга унчалик одатланмаганмиз. Аслида, шундай удум, малака бўлиши панд бермайди. "Шаҳрисабз тарихи"да Оқсаройни муҳташам меъморий обидалардан бири сифатида, тарихини умумий тарзда ёритганман. Агар, китоб нашр этилган 2011 йилда Оқсарой тадқиқига ҳозирги масъулият билан киришганимда, "Шаҳрисабз тарихи" аниқ икки жилди асар бўлар эди.

Оқсарой Соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари ҳаётлигида барпо этилган энг салобатли, энг ҳашаматли, осмонўпар маъмурий-бошқарув биноси сифатида қурилган эди. Шарқ меъморчилигининг энг яхши жиҳатлари билан бир вақтда, Мовароуннаҳр муҳандислари топқирлиги билан уйғунлашган са-

рой биноси, айтиш мумкинки, улугворлиги, ички-ташқи безатилиши, деворий ёзувлари - китобалари билан жаҳонда ягона эди.

Шаҳрисабзда, олд томони шимол сарига, Самарқандга қараб қурилган Оқсарой ҳақида кейинги асрларда ҳам гапирилган, ҳам жим ўтилган. Бунинг сабаблари ҳар хил, сиёсий ақидаларга кўпроқ тақалади. Оқсарой тарихини мукамал тиклаш мушкул. Амир Темур ҳазратлари Оқсаройда неча марта бўлган, унда бирон кун яшаганми, деган ҳақли саволлар бўлиши табиий. Бунинг жавоби тўғрисида эса, асло бош қотириб кўрмаганмиз.

Китобхонни жалб этадиган, ечим излайдиган яна бир муҳим қирра, фикримча, Оқсаройнинг қачон ва қандай вайрона ҳолига келганлиги муаммосидир. Мустабид тузум даврида нашр этилган манбаларда Оқсаройнинг қулаши 200 йил муқаддам (бу фикр 1974-1976 йилларда айтилган эди) содир бўлганлиги каромат қилинганди. Бу 1775 йил нари-бериси, деган гап. Унга ишониладиган бўлса, ўша даврдаёқ, XVIII асрнинг иккинчи ярмида Оқсарой нураб, хароба ҳолига келган ва ундан бори-йўғи пештоқнинг икки олд ён томони устунлари қолган бўлади. Манбаларни қараб чиқиш, бу хулосанинг ҳақиқий ҳолатни хаспўшлаши ва фикрларни чалғитишни кўзлаб айтилганлигига бориб тақалишини далолат этади.

«Оқсарой тарихи»

Мустабид тузум адабиётида Оқсаройнинг вайрон этилиши Абдуллахон II га (1533-1598) тақаб қўйилган, асосий вайронагар сифатида у айблаб келинганди. Тарихий манбаларни мутолаа қилишдан йироқ ўқувчилар, нафақат, улар, илмий ходимлар ҳам "авторитетлар" бир бора айтиб қўйган ҳукмнамо қарашлар асири бўлишдан, айтилганларни такрорлашдан ўзга имконга эга бўлолмасди. Эндиликда, масалага ойдинлик киритувчи қанча тарихий манбалар нашр этилди. Булар, айтиб вақтда, Оқсарой тарихига ҳам йўл очди.

Оқсарой ҳақидаги ҳақиқатни билишга интилиш халқимиз тарихининг изчил ўрганилаётганлиги самарасидир. Илм-фан олдида ўзбек халқи ўтмишида муҳим ўрин тутадиган қанча тамаддун манбалари мавжудки, уларни навбатма-навбат ўрганиш, ёритиш масъулияти

турганлигини унутиб бўлмайди. Ушбу тадқиқий қисса бу йўлдаги уринишлардан бири сифатида қабул этилишини истардим.

Мустақиллик шарофатидан ҳозирда Шаҳрисабзда, Оқсарой теграсида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда - 82 гектар ер обод қилинмоқда, сайроғоҳ, боғ-роғ, бўстон яратилмоқда. Оқсарой Соҳибқирон учун нақадар аҳамиятли, қимматли маъмурий-бошқарув иншооти бўлганлиги, унга давлат мавқеи нуқтаи назардан қаралганлигини қайд этиш ўринли. Оқсарой олдида, хушманзара хиёбонларда Амир Темур ҳазратларининг Оқсаройга бўлган меҳри ва муносабатини ифода этадиган тарихий далилларга асосланган лавҳалар қўйиш зарурати бор. Бу Оқсаройнинг бугунги ва келажак шуқуҳини янада оширишга хизмат қилади.

ОҚСАРОЙ МЕҲРИГИЁСИ

Мозий сари елиб бораётган Вақт нинг мангу толиқиш билмас тулпори борган сари бизни улуг аждодлардан, уларнинг хайрли ишларидан узоқлаштирмоқда. Миллат борки, замин у замонда мустаҳкам экан, ота-боболари асрлар давомида яратган қадриятларга содиқ қолади. Тарих — холис ва ҳалол, донишманд қиссагўй. Асорат, истибоднинг маҳзун ва уқубатли йиллари — у бошдан ўтказган оғир кечмиш. Озодлик насимидан бағ-

рига ҳаловат етган эл мустабидлар топтаган қадриятларни қадамба-қадам тиклаш тадорикини кўради. Тамонила тесқари тарзда, мафкуравий қатағонга чулғатилган ўтмишимиз, буюк сиймолар, улкан тамаддун мустақиллик йилларида теран ўрганилиб, яна ҳаётимизга қайтди. Вақтнинг тулпори тарихни, ўзбекнинг фахри, гурури бўлмиш, вақтида жаҳон сиёсатида, илм-фанида, маданиятида ҳайратомуз оби ҳаво қилган аждодлар шаънини

«Оқсарой тарихи»

қайтариб олиб келди, хайрли ишлари, меросларидан баҳраманда этди.

Мустабид тузум ҳукмронлиги даврида Туркистонни жаҳоннинг қудратли давлатлари даражасига кўтарган, ўзбекнинг бошини Осиё-ю Оврупода сарбаланд қилган Соҳибқирон Амир Темур шахси ва фаолиятига адоват, ҳасад коммунистик мафқуранинг тажовуз маслагига айлантирилган эди. Улуғ Соҳибқиронга нимаики даҳлдор бўлса, қизил жаҳолат уни қоралаш, лой чаплаш импонига айлантирилган эди. Бунда, ҳатто, унинг ва авлодлари даврида вужудга келган олийшаън иморатлар ҳам мустасно эмасди. Қизил салтанат ҳукм сурган 74 йил давомида, улар гўёки оламда йўқдек, эътиборсиз қолдирилди, ўтмишимизнинг ноёб обидалари сифатида таъмиру муҳофазадан йироқ тутиб келинди. Халқнинг закоси, Амир Темур ҳазратларининг иродаси билан қурилган, дунё меъморчилиги инжулари бўлган қасрлар, масжидлар, мадрасалар, саройлар, кўшклар умрлари фузун бўлиши мумкин эди. Кечган замонлар, зиддиятли давронлардан эсон-омон чиқиб келган Самарқанд, Шаҳрисабз, Бухоро ва бошқа шаҳарларимиздаги қалъалар, қасрлар аёвсиз равишда тўпга тутилди. Пролеткульт (йўқсиллар маданий-оқартув ташкилоти) оғзидан кўпик сочиб қутурган йилларда эса, минглаб масжидлар, мадрасалар, хона-

коҳлар ер билан яксон этилди. XX асрнинг 20-йилларига келиб, бу хуржлардан Оқсарой ҳам четда қолмади. Оқ ва қизил мустамлакачиларнинг тажовузи оқибатида йўқликка юз тутган ҳисорлар, қўрғонлар, муҳташам бинолар сонсаноксиздир. Оқсарой емиргувчи Вақтни доғда қолдириб, беш ярим асрга яқин қаддини ростлаб, XX асрга қадам қўйган эди. Унга тош отган истибдод замони бўлди.

Муаррих, "ер юзида биронта ҳашамат саройи бошини осмонга кўтармаганки, фано зилзиласидан бузилмаган бўлсин, қайси сарв бақо чаманида бош кўтарганки, уни ҳодисаларнинг тез юрар шамоли ҳалокат тупроғига йиқмаган бўлсин", деб бежиз айтмаган. Унда фонийлик ва воқеаларнинг таъсири эътиборга олинган. Атрофда мисол қанчалик кўп бўлмасин, узоққа бормайлик, ўзимизнинг Соҳибқирон куч устида эканлигидаёқ вайрон этилган Занжирсаройни, XVI асрдан бошлаб бирин-кетин қулатилган, яксон этилган Кўксарой, Бўстонсарой, Боғи Дилкушо ва ўнлаб сўлим гўшаларда барпо этилган кошоналарни эсга олиш кифоядир. Ҳафизада уларнинг бир вақтлар гуллаб-яшнаганлиги, юртнинг меъморий гултожи бўлганликлари тасаввури ва номларигина қолди, холос. "Фано зилзилалари" ва ҳодисаларнинг "тез юрар шамоли" бўлмаганда борми, бугунги авлодлар ҳам яшил водий – Шаҳрисабзнинг уммондек мовий кенгликларида

«Оқсарой тарихи»

лангар ташлаган улугвор оқ кема-ни - Оқсаройни бус-бутун ҳолда кўриш бахтига муяссар бўлардилар. Таассуфки, эндиликда унинг бир вақтлар кенгликлар оша уфқларга мағрур қад керган кўксидан икки узв қолди. Шу ҳолида ҳам Оқсарой хайрли масъулиятни зиммага олгандай туюлади менга. Авлодларни бефарқ бўлмасликка, аждодлар қолдирган меросни кўз қорачигидай сақлашга наъра тортаётгандек у. Бу наърада чуқур мантиқ ва маҳзун тарих мужассам.

XIX аср ўрталари - XX аср бошларига келиб, Туркистонда кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ҳодисалар рўй берди. Замину замонни истибод оташгоҳи ўз гирдобига тортди. Ўзбек халқи Россия империяси ва Советлар зўравонлигидан қанча азоб-уқубат тортган бўлса, мозийлардан келган мумтозликлар - мейморий мажмуалар, обидалар, зиёратгоҳлар, бадият ва санъат асарлари йўқликка маҳкум этилди. Миллат ифтихори бўлган Оқсаройнинг лоши қолди. Бу ҳолда табиийлик, "фано зилзиласи" қусурга йўл қўйганми ёхуд ёвуз қўл ҳамласи емирганми, қабалидаги сўроқ кўпдан жавобини кутади.

Аслида-ку, бундай саволга сиёсий найрангларга, хаспўшлаларга устамон Қизил салтанат йиларида, қирқ йилча олдин жавоб ҳозирланган эди. Унга ишонилдими, ёинки, шубҳалар пайдо бўлдим, бирор акс-садо эшитилмади. Бу борадаги сукунатда мантиқ бўлса-

да, яъни шубҳага асос кўринса-да, ёпиглик қозон ёпиглигича қолаверди. Ҳозирда ҳам шу даъво - Оқсарой 200 йил бурун (1976 йилда айтилган эди) вайрон бўлган эди, деган қараш жимгина, бир четда яшаб келаяпти. Кимдир унга тарафдор ҳам. Тагини суриштириб келсангиз, хулосанинг ҳеч бир исботу далилсиз, илмий жиҳатдан асоссиз айтилганлиги ошкор бўлиб қолади. Асоссиз илмий хулосаларга овуниш, тарихимизга юзакки ёндашиш, Қизил мафкура аршинига мослаб, маънавиятимизга тубдан зарар етказадиган фикрларга кўникиш, муттасил давом этгани. Бефарқлик, лоқайдлик ёқамиздан бўлиб олгани. Мустабид зўравоннинг метин қўлини ёқадан силтаб ташлаш осон кўчмади. Мустақиллик қарор топди.

Мустақилликнинг илк айёмидан ўтмишга, тарихга бемисл эътибор қаратилди. "Ўз тарихини билмайдиган" кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ" лиги теран англаб етилди. Халқ тақдири ва давлат аҳамиятига молик бу хил даъватлар мудроқ тафаккурларни уйғотиб юборди. Оқсарой ва унинг ўзбек давлатчилигида тутган ўрни, эришилган тамаддуннинг юксак нуқталаридан бири эканлиги, ҳасби ҳоли - тарихи, шу боис, қизиқишлар доирасини кенгайтириб юборди.

Оқсарой ва унинг кечмиши тўғрисида нималарни биламиз? Йирик олимлар томонидан йўл-

«Оқсарой тарихи»

йўлакай айтилган, қадимшунослар меъморий мажмуанинг маҳобатини таърифлашга интилган тавсифлар яхши маълум. Оқсаройни бутлигида ўз кўзи билан кўрганлар талқинлари ҳам эндиликда катта қизиқишларга сабаб бўлмоқда. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг, Руи Гонсалес де Клавихонинг Амир Темур ҳазратлари Шаҳрисабзда қурдирган муаззам маъмурий сарой ҳақидаги ёзиб қолдирган хотиралари хориж мамлакатларида XV аср бошларидан буюн ҳайрат сабаблари бўлиб келган.

Соҳибқирон Амир Темур тарихларида, ҳали Оқсаройнинг осмонупар гумбазу кунгираларида нуржилоланиб турган асрларда битилган асарларда Оқсарой тавсифлари берилади. Шаҳрисабз меъморий мўъжизаси ҳақида, афсуски, ҳамма китобларни кўздан кечириш имкони бўлмаган. Россия империяси, Мирзо Абдул Азим Сомийнинг "Тарихи салотини Мангития доруссалтана Бухорои шариф" (ҳ. 1324 - м. 1906) асарида қайд этилганидек, Шаҳрисабз ва Китобни эгаллаб, унинг идорасини Саййид Амир Музаффарга топширади. Муаррих мазкур босқинни ҳижрий 1290 (1873-74) йилда содир бўлган, деб ёзади. Тарихан олганда икки шаҳар истилоси ҳижрий 1288 (1870) йилда амалга оширилади. Муҳими шундаки, муаррих эътирофига кўра, "насронийлар қўшини дастлаб Китобга кириб, уч соат ичида уни эгалладилар. Сўнг эса, Шаҳри-

сабзга етиб, катта қаршиликка дуч келмай, уни босиб олдилар ва талладилар. Бобобекбий ва Жўрабекбий Қўқонга, Худоёрхондан бошпана излаб қочдилар".

1870 йилнинг 31 августида генерал-майор Абрамовнинг Туркистон ҳарбий округи қўмондонига ёзган маълумотномасида Шаҳрисабз ва Китобни истило қилиш кундалиги акс этган. Унда жангга сафарбар этилган ҳарбий кучлар, қўшимча равишда олиб келинган Оренбург ва Сибирь казаклар полклари, тўплар, ракета отув мосламалари сонма-сон санаб ўтилган. Куроллар орасида тоғдаги жангларда ишлатилган тўплар ҳам бўлган. Буни "Шаҳрисабз тарихи" (2011) китобимда манбалар асосида келтириб ўтганман.

Генерал Абрамов тиш-тирноғи билан қурёлланган Рус армиясининг катта талофатлар етказганини тан олгани ҳолда, қўпоровчилик ҳарфи-ҳаракатларини хаспўшлаб кетади. Узоқни ўйлаб ёзилган бу "ғалаба рапорти"да Оқсаройга қандай халал етказилганлигини тилга олиш у ёқда турсин, балки, "аҳолининг шаҳардан 3 чақиримча берид мени (яъни, Абрамовни - П.Р.) нон-туз билан қарши олган"лиги нописандлик билан айтилади.

Бу сўзларни нега келтираяпман? Вақтида Бухоро хонлигига бўлажак мустамлака сифатида катта қизиқиш билан қараган Н.А. Маев Шаҳрисабзга босқин излари совумай туриб келган эди. У, Оқсаройни

«Оқсарой тарихи»

кўздан кечиради ва кўрганларини "Бухоро хонлиги очерклари" (1875) китобига киритиб, шундай деб ёзади:

"Темурнинг муҳташам саройи. Ҳозир Оқсарой шу давр Бухоронинг барча бинолари синғари вайрона ҳолда кўзга ташланади. Шу харобалик ҳолида ҳам у ҳали ҳамон беназир гўзаллиги билан ақлни шоширади. Жанубий тарафдан бинони безаб турган гумбаз излари яққол билиниб туради. Бу гумбаз ҳозирда қулаб тушган, бинобарин, ундан кошлар ва ёзувлар билан нақшланган икки юксак девор қолган, холос".

Муҳаммад Ҳаким Тўра Шаҳрисабзда 1843 йилнинг ёзида "Муитаб ат-таворих" деган машҳур китобини тамомлайди. Асарда Оқсаройнинг фаолият устида бўлганлиги, Шаҳрисабз ҳокимлари қароргоҳи эканлиги, муҳим сиёсий воқеалар Оқсаройда нишонланганлиги, амалга оширилганлиги бир неча бор қайд этилади. Муҳаммад Ҳаким Тўра Шаҳрисабз ҳокимлигини қўлга киритмоқчи бўлган "бир кунлик ҳоким Абдулкарим мирохурнинг Оқсаройга кириб, ҳукумат ўриндигига ёнбошлаганини" таъкидлаб ёзади. Бу иқтибосда (воқеа ҳижрий 1258 йил зулқаъда ойининг йигирма олтисида, жумъа куни - 1842 йил 30 январидан рўй беради) диққатга лойиқ жиҳат Оқсарой ҳукумат (ҳокимлик) қароргоҳи бўлиб турганлиги тасдиғидадир. "Ҳукумат ўриндиги"нинг Оқсарой-

да қай тартибда режалаштирилганлиги эса Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва Руи Гонсалес де Клавихолар томонидан уқтириб ўтилган. Оқсарой қароргоҳи - шундай дангиллама девонхоналари, айвонлари, йиғин заллари, яшаш жойлари, хўжалик тизими ҳужралари ниҳоятда кўп бўлган бошқарув-маъмурий, сиёсий марказ ва ҳокимнинг истиқомат манзили бўлиб турган қаср бошдан-оёқ жиҳозланган бўлган. Н. А. Маев келганидан чорак аср муқаддам шу аллоҳдаги тароватга эга Оқсарой асрларга бардош берибди-ю, 25 - 30 йилга тоқат қила олмай, гумбази қулаб, вайрон ҳолига келибди-да. Аттанг, аттанг. Ёки рус корчалони ошириб юбордимикан?

Шундай деб ўйлайман. Гумбаз Н.А. Маев Оқсаройга келганида, 1870 йил августидан кейин генерал Абрамовнинг тоғ жанглари учун махсус келтирилган оғир тўпларида жароҳат олганлиги, ёинки, қалъа деворларига берилган зарбалардан - сунъий зилзилалардан дарз кетган 22,5 метрлик г у м б а з нинг баъзи қисмлари нураган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Шу сабабли ҳам Н.А. Маев "гумбаз излари яққол билиниб туради" ("гумбаздан из қолмаган" демайди) дея таъкидлайди.

Шаҳрисабзда 1914 йилга қадар ҳоким бўлган Мирзо Салимбек Оқсаройнинг XX аср бошларидаги ҳолати ва мавқеини "Салимий тарихи" асарида аниқ-тиниқ зикр этади.

«Оқсарой тарихи»

Унинг шаҳодат беришича, Бухоро-нинг сўнгги амири Саййид Муҳаммад Олимхон 1913 йилда Шаҳрисабзда бир неча кунни ўтказган. Бу ҳақда "Тарихи Салимий"да шундай дейилади:

"Жаноби олийлари Шаҳрисабзда олти кун, Китобда тўрт кун бўладилар. Зоти олийларини биринчи кун оқшом Шаҳрисабздан тўрт фарсанг нарида жойлашган Қорақўзи чорбоғида ўрнаштирдим. Эртаси куни у Шаҳрисабзга келди ва Оқсаройни - Бахтли Амир Темур Кўрагоннинг (Аллоҳ қабрини нурдан тўлдирсин, охиротини обод қилсин) қароргоҳини кўздан кечирди. Мен, Амир хизматкорлари орасида энг кичиги, одамлар тизилишиб турган қатордан то Оқсарой қасрининг улугвор дарвозасига қадр қадри балан ва эҳтиромли подшоҳнинг оёқлари остига беш минг Бухоро тангаларини сочиб бордим. Дарвозадан то Темур саройидаги тахтгоҳгача муборак қадамлари остига икки юз Бухоро тилосини сочдим. Барча табаа ва аҳоли пулларни териб олдилар, бағоят мамнун бўлишиб, олижаноб амирни тинмай дуо қилдилар".

Мирза Салимбек Шаҳрисабзга Саййид Амир Олимхон ташриф

буюрганда бу бекликда уч йил ҳоким вазифасида ишлаган, ҳокимликнинг маъмурий таркиби, ҳоким ва оиласининг истиқомат жойи Оқсарой мажмуасида жойлашган эди. Келтирилган иқтибосдан маълум бўладики, Заҳириддин Муҳаммад Бобур айтгани - Темурбекнинг "ўзига девон ўлтурур учун бир улут пештоқ", яъни шоҳона тахт хонаси барпо этганлиги ўз тасдиғини топади. Тасдиғигина эмас, 1913 йилда ҳам Соҳибқирон тахтгоҳидан беклик ҳокимияти, аниқроғи, ҳоким фойдаланишда бардавом эканлиги ҳам собит бўлади.

Одамзот ақли ва қўли билан яратиладиган жамики нарса борки, инсон тақдиридан илгу олади, ўз таржимаи ҳоли, босиб ўтган йўли бўлади. Оқсарой қасри бунинг ёрқин мисоли. Уни ҳар гал кўрганымда улут аждодлар билан юзмаюз келгандай бўламан. Улар билан суҳбат қургим, бор ҳақиқатни билиб олгим келади. Аждодлардан эса мерос бўлиб қолган обидалар улар умрини, тақдирини давом эттиргандек. Шу сабаб, уларни қалбимга жойлайман, соғинч ҳиссини туяман. Оқсарой меҳриғиёси мулоҳазалар ила йўлга бошлади, қўлга қалам тутқазди.

ҚАДИМ ВА ХАЙРЛИ НОМ

"Оқсарой" атамаси қадимийлиги ва катта ҳудудларга ёйилганлиги, кўпгина элу элатлар учун муштарақлиги билан эътиборни тортади. Туркийча "оқ" ва "сарой" сўзла-

ри бирикувидан, аниқ маъно касб этиб, уйғунлашуви узоқ асрлар давомида истилоҳнинг яшавчанлигига сабаб бўлди. Неча асрлар муқаддам поклик, улугворлик ташиши

«Оқсарой тарихи»

ният қилинган ашёларга, дарёларга, ерларга, биноларга, ҳатто, бутун бошли шаҳарларга, олийгоҳларга, маҳалларга, қавмларга "Оқсарой" номи берилган. Бу удум бизнинг давримизда ҳам амалда.

Ранглар камалагида оқнинг ўрни бўлакча. Кундуз ва кеча, ойдинлик ва қоронгулик фарқланган замонлардан буён, оқ ва қоранинг тафовутига илоҳий тус бериш ҳоллари онга сингиб кетган. Оқликда бегуборлик, улуглик, буюклик, барокат, осудалик, донишмандлик сингари эзгу тушунчалар жамланган, деб қаралган. Рангларнинг ҳаммасида ҳам рамзлар бўлган ва эътиқоднинг мантиги шундан келиб чиққан. Ислом оламида яшиллик мангу барҳаётлик ишорати бўлса, қизил ранг жанговарликни ифодалаган. Қизил нурлар таратган Миррих сайёрасини айрим халқлар ўруш худосига менгзаганлар. Динидан, тилидан қатъий назар, Шарқ мамлакатларида, мўгул ва туркий халқларда оврополикларда сиёсий, ижтимоий, диний, дунёвий мақсадларда ном беришда, энг аввало, сифатловчи "оқ" сўзига мурожаат қилинган. "Оқ" сўзи "суяк"ка қўшилса - оқсуяк, оддий фуқаролардан, "қорачалардан имтиёзли тоифа - саййидлар тушуниланган. Сафарга отланаётган яқинларга "оқ йўл" тиланган. Жамоада обрўли киши "оқсоқол" деб аталган. Гўштнинг сара жойи оқ (думба), сут маҳсулотларининг жами "оқ" дейилган. Ноҳақ тухматга чалиниб, озод бўлган кишини эли-

миз "оқланди", деб суянган. Энди, ана шу "оқланди" сўзи уй деворларига оҳак суртиб чиқилганда ишлатилса, "уй оқланди" - янги тус олди маъносини англатади. Тилимизда "оқ" сўзи сифатловчи, аниқловчи бўлиб келган, ижобий маънони кучайтирадиган истилоҳлар сони юздан ошса ошадики, кам эмас. Шу билан бирга, "оқарди" (тери касаллиги), "оқ қиёди" (ота қарғиши), "оқёл" (қариб жуйилмаган), "оқ ем" (қўлнинг қавариши) сингари салбий маъно берадиган бирикма сўзлар ҳам шеваларда учраб туради.

"Оқ" сўзи этимологиясини ҳали бирон-бир олим меъёрига етказиб тушунтириб бера олган эмас. Туркий тилларда кенг истеъмолда булган бу лўнда, ихчам сўз сув билан боғлиқ ҳолда оммавийлашган бўлиши мумкин. Ерларга сув оқса ҳосил бўлади, ёмғир ёғиб, экин-тикинларга оқса - ризқу рўз кўпаяди. Дарё суви ҳам, ёмғир ҳам оқ. Кундуз ёруғлиги, сувнинг оқлиги "оқ" сўзига берилган нисбатнинг ижобий хилма-хиллигига замин ҳозирлаган бўлса не ажаб?!

Элу халқ "оқ" сўзига ихлос боғлаб, уни арзитганида, беклар, амирлар, подшоҳлар ҳам бу сўзнинг илоҳийлигига (туркийлар бежизга сувга сизинмаганлар-да) тан бериб, иморатларига, саройларига, кўшқу қасрларига уни жалб этадилар. Оқсаройлар, Кўксаройлар пайдо бўла бошлайди.

"Сарой" сўзининг мансублиги

«Оқсарой тарихи»

ҳақида тилшуносларда икки хил қараш бор. Жумладан, "сарой - кўпгина туркий халқларга хос этноним. Туркий ва мўғул тилларига хос товуш ва морфем тузилишда. Этимологияси аниқланмаган", фикр - мулоҳазаси мушоҳадага даъват этади. "Ўзбек тилининг изоҳли лугати" (2-жилд, 1981) китобида бу сўз форс тилига алоқадор эканлиги кўрсатилади. "Сарой" сўзининг кўпдан-кўп маънолари қаторида, унинг 92 туркий уруғлардан бирининг номи эканлиги, қолаверса, туркийларда кенг истеъмолда эканлиги ҳам биринчи қарашнинг инобатлилик даражасини кўрсатади. Нафсиламрини айтганда, жаҳон тилларида бир-биридан ўзлаштирилган, "ўзиники" бўлиб кетган сўзлар ҳисобсиз. Гап бу ҳақда эмас. Лугат ва қомусларда "сарой" сўзига қамравли изоҳлар берилди. Сўзнинг маъно ташиш доираси кенглиги эътиборга лойиқ. Сарой хон, амир, подшоҳларнинг доимий истиқоматгоҳи ва қароргоҳи бўлиб хизмат қилган ҳашаматли катта бино, кошона, деб таърифланади. Айни вақтда, муҳташам иморат ва унинг ҳовлиси, карвонлар ва савдогарлар қўнадиган меҳмонхоналар, ҳовли ва отхонали жой, карвонсаройлар, кейинги даврларда омборхона, трактор ва автомашиналар сақланадиган жойлар ҳам атала бошланган.

Милодгача бўлган III минг йилликда Мисрда подшоҳлар ўз хонадонлари учун сароймонанд бино-

лар, серҳашам ибодатхона саройлари қуришга интиланганлар. Эрон, Хитой (император саройи), араб мамлакатлари, Оврупода, Японияда ҳам ҳайбатли кошоналар - қасрий мажмуалар қадимдан таомилда бўлган. Давлат бошқаруви амалга ошириладиган саройларнинг катта жойни эгаллаган ички ҳовлилари, кутубхоналари, хўжалик хизмати, мудофаа тизими хоналари, мол-ашё сақланадиган омборлари, анжуман, қабул заллари қасрнинг бир-бутунлигини таъминлаган.

Юртимизда қалъалар, қўрғонлар ва хонлар қасрини барпо этишда қадимдан катта тажриба тўпланган. Ўзбек қадимшунослари бу ҳақда талайгина асарлар яратганлар. Тупроққалъадаги қаср - саройнинг мажобатини унинг вақтида 300 га яқин хоналари, улкан заллари, қабулхоналари ва ҳазинахоналари бўлганлигидан ҳам тасаввур қилса бўлади. Саройлар кўп иморат ва хоналарнигина эмас, қўрғондаги асосий жойни ҳам банд этган. Шаҳар ичида қурилган сарой мажмуаси ҳам шундай, катта ҳудудни эгаллаб турган.


"Сарой (саро)" сўзи кўчма маънода, маъжозий моҳият касб этган ҳолда бадиий ижодиётда ҳам кўп ишлатилади. Масалан, "адаб саройи" дейилганда мактаб, "вужуд саройи" ҳақида гап кетганда, инсон жисми ифода этилган. "Умид саройи", "фано саройи" ташбеҳларда (бундай ўхшатишли "сарой"лар яна анча) дунё кўзда тутилган. "Оқ" ва

«Оқсарой тарихи»

"сарой" сўзлари иттифоқи қанчалик маъно ва ифодалаш имкониятига эга эканлигини келтирилган шу мисоллар ҳам далолат этади.

Меъморий талқиндаги "сарой" истилоҳи ва унинг мустаҳкам ўрнашган кўриниши сиёсий-ижтимоий, мафкуравий йўналишда устувор аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан саройлар икки хил эҳтиёжга мўлжалланган ҳолда қурилган.

Биринчи хил саройлар давлатни бошқариш марказий идора жойи бўлиб, маъмурий-сиёсий, мафкуравий вазифаларни амалга оширишга мўлжаллаб қурилган. Шу сабабли ҳам, бу хил саройлар қалъа, қўрғон (шаҳар) ичида жойлашган. Сарой - қасрларнинг иккинчи тоифаси



ҳисордан ташқарида, шаҳар четларидаги сўлим гўшаларда солинган қароргоҳлар бўлиб, ён-атрофи боғу-роғлар билан ўраб олинган. Подшоҳларнинг ҳордиқ ва ҳаловат макони бўлган ташқи саройларда ҳам қабул маросимлари, базмлар ўтказилишига мослаб қурилган катта хоналар бўлган.

Тарихий асарларда "Оқсарой" номли жойлар учраши тарихи анчайин қадимий. Ибн ал-Асирнинг "Ал-комил фи-т-тарих"ида (XIII аср)

дастлаб шу атамага дуч келамиз. Амир Темур тарихларида Фиёсиддин Яздий, Низомиддин Шомий, Шарафиддин Али Яздий, Абдураззоқ Самарқандий Соҳибқирон Оқсаройи ҳақида қизиқарли маълумотлар келтирилган. Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Мирзо Муҳаммад Ҳайдар, Муҳаммадёр ибн Араб Қатаган, Ҳофиз Таниш

ибн Мир Муҳаммад Бухорий, Муҳаммад Солиҳ, Абдул Азим Сомий, Малехо Самарқандий, Мунис ва Огаҳий асарларида ҳам Оқсарой номи билан аталган дарёлар, мавзеълар, ўланлар, қасрлар, биринчи галда, Соҳибқирон Амир Темур бунёд этган муаззам қаср таърифу тавсифи келтирилади. Испан элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг Шаҳрисабз Оқсаройи хусусидаги битиклари қиммати алоҳида.

XVIII-XIX асрларда "Мунтахаб

«Оқсарой тарихи»

ат-таворих" (Ҳакимхон Тўра), Мир Муҳаммад Амин Бухорийнинг "Убайдуллонома", Абдурахмон Толёнинг "Абулфайзхон тарихи" сингари асарларида ҳам юртимиз тарихининг безаги бўлмиш Оқсарой ҳақида, унинг мазкур асрларида ҳам барҳаёт бўлиб турганлиги дараги берилади. XIX аср охири ва XX аср бошида Б.Н. Засипкин, В.В.Бартольд, И.А. Маев, А.А. Кун, А.П. Хорошхин, кейинги даврларида Г. А.Пугаченкова, М.Е. Массон, С.К.Кабанов, А.Ю. Манъковская, З.И. Усмонова, А.С. Сағдуллаев, С.Б. Лунина, Н.И. Крашенинникова, Г.Я. Дресвянская, Х.С. Султонов каби қадимшунослар Оқсарой обидаси ҳақида диққатга лойиқ тадқиқотларни бажардилар.

В.В. Бартольд "Эроннинг тарихий-жугрофий баёни" асарида Оқсарой дарёси водийсида Боғлан шаҳри борлигини, дарё "Оби Қундуз" деб ҳам юритилишини ёзади. Амир Темур ҳазратлари Ҳиндистон юришида, 1398 йилнинг март-апрель ойларида Хулим, Саманган, Боғландоғи Ҳавоқ қалъасини қайта тиклатган эди. Шубҳа йўқки, Оби Қундуз дарёсининг Оқсарой деб аталиши ҳам шу фатҳона сафар билан боғлиқ бўлган. В.В. Бартольд 1278 йил воқеалари, мўғуллар ва Кичик Осиёдаги вазият ҳақида ёзганида, бу ердаги Оқсарой қасри ва унинг талон этилганлиги ҳақида тўхталади.

Ҳиротда, Абу Саъид ҳукм сур-

ган (1459-1469) йилларда Ироқ дарвозаси ташқарисида Оқсарой қасри қурилган. Самарқандда узоқ муддат бўлган Абу Саъид Шаҳрисабз-ни, бобоси Амир Темур қурдирган Оқсаройни яхши эслаб қолган ва Ҳиротдаги қасрига безаклар беришда, ёзувлар нақшини солишда ундан ибрат олишни маъқул кўрган. Ҳиротдаги Оқсарой қасри ҳақида В.В. Бартольд "Мир Алишер ва сиёсий ҳаёт" номли асарида сўз юритади.

"Туркистон сафари ҳисоботи"да (1920) В.В. Бартольд Самарқандда ҳам Оқсарой мавжудлиги тўғрисида бир фикр айтиб ўтади:

"Гўри Амир ёнида, бундан ташқари, матбуотда бу бинонинг дастлаб нимага мўлжалланганлиги ҳақидаги баҳсларга аниқлик киритиш мақсадида, бу бино ва унинг ёнида жойлашган Оқсарой даҳмасида қазувлар ўтказиш кўзда тутилганди". Самарқанддаги Оқсарой даҳмаси (Гўри Амир ёнида) хусусида бошқа манбаларда маълумотлар учрамайди.

Заҳрирдин Муҳаммад Бобур 1503-1504 йил воқеаларини ҳикоя қилар экан, "Бобурнома"да Озарбайжонда, Қорабоғ ёнида Оқсарой ўланги борлигини, шу ерда бир муддат бўлганлигини ёзади.

Хоразм воҳасида ҳам Оқсарой манзили ва қасри бўлган. Урганч ёнидаги бу жой ҳақида XVI аср шоири Муҳаммад Солиҳ "Шайбонийнома" достонида (1510 йил) шундай сатрлар тизади:

«Оқсарой тарихи»

*Келди шаҳзода Убайдий ҳушрой,
Айлади манзилини Оқсарой.*

Шайбонийзода Убайдуллахоннинг Хоразмга юриши, Оқсарой манзилида ҳужумга ҳозирлик кўриши дostonда ёритиб берилади. Оқсаройнинг мавқеи Хоразмда сезиларли бўлганлиги Мунис ва Огаҳийнинг "Фирдавс ул-иқбол"ида шундай сатрларда берилади: "Оқсарой ва Мўзкўмган ҳудудидаким, дорас-салтана Ҳивақга тахминан уч фарсахлиқ йўлду", "Оқсарой устига (туркманлар) юруш қилди". Мунис ва Огаҳий Ҳивага 3 фарсах жойда бўлган Оқсаройнинг катта ҳудуд, қасри (қалъаси), кули, тепаси (Оқсарой номида) борлигини ҳам қайд этганлар. Маълум бўладики, "оқсарой" номи фақат қасрларга берилиб қолмай, юқорида кўрганимиз жой номларининг, ҳатто, бутун бошли шаҳарларнинг шу сўз билан аталиши ҳам мумкин экан. Шарафиддин Али Яздийнинг "Зафарнома"сида Туркияда, Бойзиднинг Моҳашаҳр ва Оқсарой шаҳарларини қўлга киритиш тафсилотлари берилади. Бу хилдаги қиёсий мисоллар шу билан хотима топмайди. "Оқсарой" номининг жуғрофияси, тарқалиш доираси қатор мам-

лакатларни қамраши мазкур атаманинг аҳамиятини тасаввур этишга кифоядир.

Меъморчилик бобида аждодларимиз, айниқса, XIV- XV асрларда Амир Темур ва Темурийлар даврида эришилган булок ютуқлар, бу соҳада асрлар давомида шаклланган анъаналар Мустақил Ўзбекистонда муваффақият билан юксалтирилмоқда, улутвор бинолар, қасрлар, саройлар, кошоналар қуриш жадал давом эттирилмоқда. Тошкентда, 1999 йилда олти ойда қурилиб, фойдаланишга топширилган Оқсарой қароргоҳи муҳташам замонавий меъморий иншоот ҳисобланади. Президент қароргоҳи 5460 квадрат метр майдонда бунёд этилган. Оқсаройда шинам мажлислар зали, дам олиш хоналари, хуллас, маъмурий, сиёсий, мафкуравий мезон асосида барпо этилган кўркем бинолар мажмуи саройларнинг шу хили учун хос бўлган барча қудайликларга эгадир. Муҳими, бино оппоқ бўлиб товланиб туради. Амир Темур даврида бўлганидек, Оқсарой атрофи фавворалар, манзарали дов-дарахтлар ва гулзорлар уйғунлигида янада муҳташамлик касб этиб турибди.

ОҚСАРОЙГАЧА БЎЛГАН ҲН ЙИЛ

XIV асрнинг 60-йиллари Амир Темур учун синовли кечган, юртни яхлит ва озод кўриш ягона мақсади бўлган эди. Бу йўлдаги курашлар уни ватанпарварларнинг олдинги сафига олиб чиқди. Амир Ҳусайн

Мовароуннаҳр бошқарувида калтабин ҳукмдор сифатида мамлакат тақдирини эмас, ўз нафсини ўйлаб иш тутиши оқибатида, ҳамжиҳатлик кундан-кунга чок-чокдан сўкила борди. Туркистон мулкларида

«Оқсарой тарихи»

мўтулларга қарши узоқ йиллардан буён давом этаётган кураш, омонат озодликнинг қўлга киритилиши, ўзаро ички низоларнинг авж олиши хайрихоҳ ислом ўлкаларида кузатиб борилаётган эди. Хусусан, Маккада бегуноҳ мўмин-мусулмонларнинг асрлар давомида гайридин Чингизхон авлодлари тасарруфида қолганлиги, истибодга маҳкум этилганлиги Сафарқ эмасди. Шу боисдан, ёвуз ва қабиҳ душманга қарши кўтарилган озодлик кураши, бунда, айниқса, Амир Темур шахсининг ажралиб, тарих саҳнасиغا чиқаётганлиги Каъбада ҳам мақбул кўрилади.

Туркистон диёрининг озодлигига энди Амир Хусайн асосий тўсиқ бўлиб қолганди. Уни орадан кўтариб ташлаш вақти-соати етган эди. Туркий амирлар, руҳонийлар яқдиллик билан Амир Темурни қўллаб-қувватлаб, Амир Хусайн макон тутган Балхга қўшин тортишга ундайдилар. Амир Темур лаҳқари Термизга уч ёгочлик йўлдаги Бева деган манзилга тушганларида, Макканинг шарифларидан бўлган муртозаи аъзам Саййид Барака ҳазратлари келиб, Амир Темурга салтанат аломатлари - рамзлари бўлган нагора ва аламни (байроқ) топширади. Унинг юришига оқ фотиҳа беради. Саййид Барака Макка шарифларининг туҳфасини тантанавор вазиятда топширади. Таниқли муаррих бу воқеага ёзган шарҳида, "Макка шарифларининг Саййид Барака орқали Амир Темурга

ҳокимият белгилари бўлмиш туҳфани юборишлари унинг раҳнамо эканлигини ҳали мусулмон олами истилолар бошланишидан анча олдин кўра олганликларидан гувоҳлик беради", дея бежизга айтмаган эди.

Амир Темур ҳазратлари сиёсий фаолияти, шу тариқа, ватанида ва хориждаги диёнатли уламолар томонидан маъқулланган ҳолда, юксак поғонага кўтарилиш даврига қадам қўйган эди. Бу пайтда Соҳибқироннинг ёши 34 да эди. Тарих 771 ҳижрий йилнинг рамазон ойи ўн иккисида, чаҳоршанба кунида (1370 йил, 9 апрель) Туркистон ҳокимиятини қўлга киритиш бахти муяссар бўлади. Амир Темур, "давлат билан салтанат тахтида ўлтурганда адлу дод қилиб, халойиқ барча хушраму шод бўлуб, даҳр ичра гамоти йўқ бўлди".

Амир Темур ҳазратларига тахт ноил бўлганда, биринчи қилган иши, давлат аъёнларини ёнига олиб, Балхдан Кеш томонга от суради. Бутун аркони давлат - бўлажак вазирлар, олий мансаб соҳиблари, вилоят ҳокимлари, девон беклари, қўшин амирлари, ҳировуллар баҳор айни етилган кунларда Кешнинг Хушмиш ўтлоқзорида (дарё жилгаси бўйида, Тўда Майдон хушманзара жойлари) қўш ташлайди. Ҳаманинг жойи белгиланган, гулу чечакка бурканган дала чодирларга, ўтовларга тўлиб кетади.

Темурбек давлатининг вақтинчалик пойтахти Кешнинг ўт-ўланлар

«Оксарой тарихи»

кўзни қамаштирадиган, бутун ён-атрофи боғу роғлар билан, виқор солиб турган мовий тоғлар билан ўралган Хушмиш ўланги бўлиб, чодирли пойтахтда Давлатнинг маъмурий-бошқарув тизими икки ойдан буён қизгин иш олиб боради. Биринчи галда узоқ-яқин вилоятларда издан чиққан идора тизими йўлга қўйилади. Хизмати, садоқати, ақлидрокига қараб, сафдошлар ўз мавқеларини эгаллайди. Маъмурий-бошқарув тизими пухта ўйланган, кўп бора муҳокама этилган, кейинчалик тузукларга асос бўлган йўриқлар айнан Кешда, Хушмиш даласида ишлаб чиқилган ва худлик билан ҳаётга татбиқ этилган эди.

Пойтахтнинг қаерда қарор топиши мунозараларга сабаб бўлади. Бир қисм уламолар, беклар Кешни мақбул кўрадилар. Озчилик Самарқандни ёқлайди, Бухоро ва Қарши ҳам тилга олинади. Ҳамманинг фикрини тинглаб ўтирган Амир Темур, ниҳоят, ўз қарорини ётиги билан тушунтиришга киришади: "Муаззам давлат пойтахти бўлурга Кеш шаҳри муносибдур, оқар сувлари мўл, оби ҳавоси мўътадил, мулойимдур. Қадимдан бу гўшани улуг саййидлар сарафроз айлаб, макон қилиб келганлар, улуг шаҳар бўлурга тагин сифатлари кўп. Беклар баъзилари ижтиноб ила Самарқандни демишлар. Бу мойилликда ҳикмат бордур, дея билурман. Самарқанд ва Кеш ота-бола шаҳардурлар. Унинг пойтахт бўлурга ҳақи кўпроқдур. Ўғил етилиб, ота ўрнини босиши

тайин. Искандар Моқидунийни кўрган шаҳар, мўгуллар жабрини ҳаммадан кўра узоқ тортган Самарқанд бундан буён Мулки Турон безаги бўлгусидур".

Заҳириддин Муҳаммад Бобур шу тарихий қарордан бир ярим аср ўтгач, бу ҳақда, "баҳорлар саҳроси ва шаҳри ва боми ва томи хўб сабз бўлур учун Шаҳрисабз ҳам дерлар. Темурбекнинг зоду буди Кешдин учун, шаҳр ва пойтахт қилурига кўп саъй ва эҳтимомлар қилди", деган эди. Давлат жилови кўлга текканда, мамлакатининг узоқ-яқин вилоятлари учун ўрталик ва қулай бўлган Самарқандни эмас, Шаҳрисабзни марказий шаҳарга айлантириш ҳеч гап эмасди. Чунки, ўша вақтда, давлат манфаатидан келиб чиқиб, бир тўхтамга келиш фақатгина Амир Темурнинг қўлидан келарди. Ҳамма жиҳатлар тарози паллаларига қўйилганда, Самарқанднинг мавқеи босимроқ эканлиги аниқ бўларди. Самарқандни Шарқда ҳам, Фарбда ҳам танирдилар. Темурбекдек узоқни кўзлаган халоскор ҳукмдор учун у ҳар жиҳатдан муносиб эди. Давлат ойинини яхши билган Заҳириддин Муҳаммад Бобур, 1370 йилда буюк бобокалони Амир Темур қабул қилган ечимни маъқуллайди ва бу ҳақда, "чун Кешнинг қобилияти шаҳр бўлмоққа (пойтахт - П.Р.) Самарқандча эмас эди, охир пойтахт учун Темурбек Самарқандни - ўқ ихтиёр қилди", дея қониқиш билан ёзади.

Шаҳрисабз ҳам ўн йил давом

«Оқсарой тарихи»

этган ички курашлар, босқинлар даврида талофотлар кўрган. Самарқанднинг эса, Темурбек давлатининг пойтахти сифатида танланган йилларида кўп бинолари, мавзелари хароб ҳолига келиб қолган эди. Муаррих Шарафиддин Али Яздий ҳақ гапни айтганидек, "мундин бурун ул шаҳарга кўб жафо тегиб эрди ва хароб бўлуб эрди. Ҳазрат Соҳиб-қироннинг давлатидин андох бўлдиким, ер юзидаги шаҳарларнинг рашки бўлди ва оламда анинг сөзаси тўлди".

Самарқандга 1370 йил жавзо ойи ўрталарида кўчиб ўрнашган Амир Темур аркони давлати ишни бу ерда ҳам, кўрамизки, қодирлардан бошлаган.

Салтанат бошқаруви Самарқандда ўрнашган куннинг эртасигаёқ, бу қадимий шаҳарда қурилиш кулами ни шу вақтгача кўрилмаган бир алфозда кенгайтириб юборди. Муаррихнинг қавлига кўра, Темурбек "ҳисору қалъа бино қилдурди ва кўшқлару қасрлар солдурди. Ва ҳар бир бекни бир саркор устида муҳассил қўйди". Саркорлар - қурувчилар бошлиқлари. Уларнинг топшириқни уддалашини эса, назоратга қўйилган беклар ҳисоб - китоб қилиб борган.

Амир Темур ҳазратлари Самарқандда давлат бошқарув маъмурий биноларини вужудга келтиради. Улар орасида Кўксарой алоҳида ўрин тутди. Пойтахтда жадал қурилган, бунга қадар Самарқанд кечмишида бўлмаган, ҳам ҳайбат-

ли, ҳам муҳташам сарой тўрт қаватдан иборат салобати билан ҳайрат манбаи бўлади. Бу даврда, "Темурбек солгон олий иморатлардан бири Кўксаройдурким, Самарқанд аркида воқеъ бўлубтур. Ажаб хосиятлик иморатдур". Кўксарой ҳақида Заҳириддин Муҳаммад Бобур беҳад тўлқинланиб сўзлайди. Бобоси доруссалтанасида ёшлигида ҳам, кейинчалик, XVI аср бошида ҳам бир неча бор бўлган Заҳириддин Муҳаммад Бобур дангилама саройлардан, кўшқлардан, қасрлардан, боғроғлардан, иморатлардан ҳавасланди, улар тўғрисида ифтихор билан сўз юритади. "Самарқанд аркида Темурбек бир улуг кўшқ солибтур, тўрт ошёнлик, Кўксаройга мавсум ва машҳур ва бисёр олий имораттур", дейди олдинги фикрларини янада тўлдириб. Муаррих Муиниддин Натанзий эса, Соҳибқироннинг яшаш уйларига эътиборни қаратади. "Унинг (Амир Темурнинг - П.Р.) шариф зоти истиқомат қилмоғи учун бу ерда бир қатор уйлар бино қилишди. Самарқанд қисқа фурсатда шунчалик гуллаб-яшнадики, олий жаннатга таъна қилиб, ер юзининг беҳиштига айланди. Шаҳарнинг теварак-атрофида ҳам кўркем боғлар ва дилкаш иморатлар бунёд этилди", деб ёзади у.

Давлатнинг эртанги кунига ишончи мустаҳкам бўлган, унинг сарҳадларини ҳар қандай ёғийлардан, кутилмаган босқинлардан муҳофаза қила оладиган раҳнамогина қурилишларга катта аҳамият қаратади.

«Оқсарой тарихи»

Хароба ҳолида қолиб келган Самарқандни, кимсан, Амир Темур пойтахти даражасида обод қилиш ҳазилкам иш эмасди. Моддий таъминот масаласи бир сира бўлса, мамлакат ичидаги сиёсий вазиятнинг тўлғамалари бир сира эди. Яқин хориж ҳам тинч эмас, пойлаш, имкон топди дегунча талаш, босқин қилиш талвасаси ҳукм суриб ётарди.

Амир Темур ҳазратлари Самарқандда - пойтахтида биринчи қилган иши қурултой ўтказиш бўлган эди. Бу, ҳозирги истеъмолдаги истилоҳлар билан айтиладиган бўлса, мамлакат ички ва ташқи вазиятидан келиб чиқиб, амалга оширилдиган, ўта зарурий, давлат аҳамиятига молик ишларни муҳожама этишга бағишланган сиёсий анжуман эди. Анжуман Самарқандга келиб жойлашилгандан кейин, шу йили кузида чақирилган эди. Купи билан орада уч ой вақт ўтгандан кейин бўлиб ўтган қурултой аксар кўпчилик (99,9 фоиз) Амир Темурни, унинг сиёсатини, давлат бошқарувига лаёқатини қўллаб-қувватлашини тасдиқлайди. Фақат бир киши - Шибиргон ишониб топширилган Зиндаҳашамнинг тўнни тескари кийиб олганлиги мустасно, холос. Зиндаҳашам атрофида маълум кучлар бўлиб, уларга Амир Темурнинг давлат тепасига келиши ёқмаган эди.

Амир Темур ҳокимиятининг иккинчи йили (1371) Мўғулистондан нохуш хабарлар кела бошлади. У жойда ҳокимиятни қўлга олган Ке-

бек Темур тарқоқ лашкарларни куч билан бирлаштириб, ўзини мисли Чингизхон ҳис қила бошлагани, энди Амир Темурнинг қадами Мўғулистонга етмайди, балки, Кебек Темур жаҳонга машҳур бўлади, қабилидаги гап-сўзлар атайдан тарқатилади. Бу хилдаги иғволарга лоқайд қараб бўлмасди. Амир Темур масалага ойдинлик киритиш учун Мўғулистонга лашкар жўнатади.

Мўғулистонга, босқин халфини кучайтира бораётган Кебек Темурга қарши қилинган биринчи юриш сулҳ билан якун топади. Амир Темур юборган лашкар бошлиқлари орасида ички ихтилофлар содир бўлиб, Кебек Темурни дафъ этиш режаси амалга ошмай қолади. Бу Соҳибқиронни қониқтирмайди, муаррих айтганидек, "бекларга сулҳ қилгон учун ачиқланди". Чунки, эрга-индин мўғул хуружи муқаррар бўлиб, хавф бар-тарофи этилмаган эди.

Амир Темур тарихини битган муаррихлар яқдил бўлиб, бир жиҳатни таъкидлайдиларки, "Ҳазрат Соҳибқироннинг ҳиммати ҳар ишга ким юз қўйса эрди, ул ишни тамом қилмагунча, кўнгли тинмас эрди". Шу сабабли ҳам, беклари тузиб келган омонат сулҳдан (бу ён бериш деб қаралар эди - П.Р.) қониқмаган Амир Темур Мўғулистонга - Жета устига иккинчи қатла лашкар тортади. Оламга сигмай, мақтанишга устаси фаранг бўлган Кебек Темур Мовароуннаҳр сипоҳилари қорасини кўрибоқ, тум-тарақай қочишга тушади. Бу юришда, Муи-

«Оқсарой тарихи»

ниддин Натанзий айтганидек, "жуда кўп ўлжалар ва саноқсиз бойликларни қўлга киритиб, орқага қайтишди. Душман тарафдан кўнги тўла хотиржам бўлди".

Самарқандга қайтишда Амир Темурга суиқасд уюштирилади. Амир Ҳусайннинг 1370 йилга қадар Темурбекни йўқ қилиш учун қилган ҳийлаю чораларни, Ҳизр Ясурийнинг бу йўлдаги уриниши вақтида чип-пакка чиққанлигини яхши биламиз. 1371-1372 йиллар оралигида юз берган бу суиқасд яна ўша - кечирилган Мусобек, Зиндаҳашам, Ҳизр Ясурийнинг ўғли Исҳоқ, Термиз хонзодаси, Шайх Абулайслар томонидан режалаштирилади. Қаро Соҳиб мон мавзесида, ов чоғида Амир Темурни бир ёқли қилишга аҳду паймон қилинади. Фитна фойда бўлади. Мусобек Соҳибқирон билан қудалашган эди. Термиз хонзодаси саййидлардан эди. Шайх Абулайс тахтага яқин эди. Исҳоқнинг отаси Ҳизр Ясурий эса, Амир Темурнинг болалик дўсти амир Сайфуддиннинг хотини укаси бўларди. Зиндаҳашам ҳам бегона эмас, Соҳибқироннинг курашдаги сафдошларидан бири, ҳузурлик Ўлжайту Апардиннинг жияни бўларди. Амир Темур жонига қасдланганларни афу этади, биргина Зиндаҳашамга шафқат қилинмайди, у олдинги сафар берган онтига риоя қилмаган, душманликни, адоватни кучайтирган эди.

Ҳокимият юритиш силлиқ кечиши амри маҳол эди. Узоқдан ва оёқ остидан чиқиб турган ваҳмнок

тазйиқлар, фитналар янги тизимни сиёсий ва шахсий сабабларга кўра, тор манфаатлардан келиб чиқиб, ўз ҳаддига баҳо бера олмаслик оқибатида, дастлабки пайтларда тез-тез нишлаб туради. Бундай қалтис шароитда Амир Темур ҳазратларига қанчалик қийин бўлганлигини бир тасаввур қилиб кўрайлик-а. Аввало, Мулки Туронни асрлар мобайнида танда қўйиб, қонини сўрган мўгул галаларини, мўгулпараст айирмачиларни, бошбошдоқ бекларни, амирларни ҳайдаб чиқариш, маҳаллийларининг бошини қовуштириш учун қанча йиллар кураш олиб боришга тўғри келади. Бу бобда, ҳатто, соғлиқдан ажралади. Тахтага чиққанидан бир йил ўтар-ўтмас, бу шўрангизлар мамлакат раванкига жиддий халал етказганлигини инкор қилиб бўлмасди. Амир Темурга суиқасд сабаб, бирор корхөл бўлгудек бўлса, яна орқага қайтилар, Турон юрти парчаланиб кетар, майда ҳокимликлар, ўзаро талашлар, қирпичоқ бўлишлар авжига минарди. Мўғулистонда, Дашти Қипчоқда пойлаб ётган адувлар кунни кеч қилмай, Мовароуннаҳрга қўшин тортган бўларди... Шукронаки, Туроннинг, аждодларимизнинг бахтига Аллоҳ таоло ўша кунларни кўрсатмаган. Соҳибқиронни ўз паноҳида асраган.

Амир Темур иродасига қойил қолмай бўлмайди. У, чинакамига шуурга қомусийликни жо қилган инсон ва ҳукмдор эди. Ички ва ташқи давлат муаммоларига бағрикентлик

«Оқсарой тарихи»

билан ёндашиш, тинч йўлни биринчи мақомга қўйиш, энг кескин масалаларни ҳам оқилона ҳал этиш, ўч, араз, адоват сақлаш сингари майдаликлардан устун туриш Соҳибқирон обрўсини, бошқарув усули мавқеини кўтариб юборади ва мақбул қила боради. Амир Темур Мўғулистон хавфини бир ёқлик қилганидан сўнг, ободонлик ишлари кўламини кенгайтириш ҳақида ўйлайди. Хазинанинг асосий заҳираси қўшин таъминотига сарфланарди. Бу, теварак-атрофда ҳали азалий ёвнинг оёқда турганлиги далилини эътиборга оладиган бўлсак, тушунарли. Амир Темур ҳокимиятга келганида, унинг давлат чегаралари Чигатой улуси доирасида эди. Фақат Хоразмнинг шимолий қисми Дашти Қипчоқ - Ботухон авлоди таъсирида бўлиб, олиқ-солиқ ишларида Мовароуннаҳр ҳукуматига - Амир Темур салтанатига бўйсунмай қўйган, ўзича мустақил тожу тахт юритар эди. Мовароуннаҳрда 1346 йилдан то 1370 йилга қадар бўлган озодлик курашлари, ички низолар, бўлиниб кетишлар оқибатида, Хоразмда Ҳусайн Сўфий, ҳатто, закот тушумларини ҳам топширишдан ҳам бош тортиб келарди. Давлатнинг молиявий аҳволини тафтиш қилиб, бу ҳақда бир хулосага келган Амир Темур Ҳусайн Сўфий билан аввалги молиявий мувозанатни тиклаш кераклигига амин бўлади.

Мавлоно Шарафиддин Али Яздий бу хусусда фикр билдириб, шундай дейди: "беш-олти йил эрди-

ки, Кот ва Хевақ вилоятининг закотини Ҳусайн Сўфийким, Тўнгдай ўғли эрди ва ўмоғи қўнғирот эрди ва Хоразм вилоятида ҳоким эрди, закотдин ҳосил бўлгон йармоқни олур эрди. Ҳазратнинг (Амир Темурнинг - П.Р.) олий ҳиммати ул ҳолдин воқиф бўлуб, Алфа Тавочини бир жамоат киши билан элчиликка Ҳусайн Сўфийга йибарди ва дедиким "Хевақ ва Кот закоти Чигатой улусига тааллуқ турур ва эъаси (эғаси) йўқ жиҳатидин сен олур эрдинг. Даҳл қилмағайсен ва бизга тааллуқ кишига тобшургайсенким, дўстлуқ аромизда бўлғай".

Хоразм элининг закот молидан мазахурак бўлган Ҳусайн Сўфий шу вақтгача амалда бўлиб келган давлат ойинига риоя қилишни истамайди ва орада қарор топиши мумкин бўлган дўстликни ўйлаб ҳам кўрмай, "мен бу вилоятни қилич билан олибмен, яна қилич билан менидин олғайлар", дея дағдағали жавобни беради.

Ҳусайн Сўфий Туркистон мамлакатининг янги А м и р и н и баҳолашда калтабинликка йўл қўйиб, ортида турган кучга - Олтин Ўрдага (Жўжи улуси) орқа қилиб, оламга сигмайди. Вақтида (1220) Хоразм воҳасининг Урганч маркази бўлган (ҳозирда Туркменистон ҳудудидаги Кўҳна Урганч) шимоли гарбий қисми Чингизхоннинг тўнғич ўғли Жўжигга, жануби шарқий қисми - Хива ва Кот манзиллари билан Чигатойга сулоргол мулк қилиб берилган эди. Чингизхон ўғиллари тўрт

«Оқсарой тарихи»

улус идорасида унинг Ясоғига амал қилиб келганлар. Лекин, Мовароуннаҳрда озодлик курашининг мунтазам давом этиши, ўзаро ички ихтилофлар тийиқсизлиги натижасида қўнғиротлар кучайиб, Жўжи авлоди билан қариндошлаша бошлади. Уларнинг ҳомийлиги остида аста-секин Хоразмнинг жануби шарқий (Чигатой мулклари) қисми ҳам эгаллаб, бутун воҳани қўл остида тутди.

Амир Темур ҳазратлари ёшлигида Амир Қазагоннинг сиёсат юритиш услубини яхши ўрганган, унга шогирдлик қилган эди. 1370 йилда, ҳали Туркистон тахтини олмасдан туриб, Балхга, Амир Хусайнга қарши ҳал қилувчи жангга отлайганида, Чигатой авлодидан бўлган Суюрғатмишни мамлакат хони деб эълон қилган эди. Суюрғатмишнинг, гарчи, сохта хон бўлса-да, Амир Темур давлатининг биринчи йилларида ҳуқуқий-меросий ишларни тиклаш ва йўлга қўйишда жуда кераги бўлган. Хусайн Сўфийдан Хоразмнинг Чигатой улусига тааллуқли бўлган ҳудудларидан йигиладиган закотни тўлашни талаб қилиш ҳуқуқи ҳам айна шу Суюрғатмишда эди. Амир Қазагон асос солган сохта хон муассасаси Хоразм бобида жуда қўл келади, бунинг чуқур кетган сиёсий сабаблари бор.

Амир Темур давлат молиявий ишларини тартибга солар экан, Хоразмнинг жануби шарқий ҳудудларидан, Хива ва Кот шаҳарлари аҳолисидан йилда бир маротаба

эҳсон тариқасида йигиладиган закот моли бир неча йиллардан буён тўхтаб қолганига, энг ёмони - Хусайн Сўфийнинг бундан кейин ҳам ўз чегарасига - шимоли гарбий Хоразмга қайтишни асло хаёлига келтирмаслигига амин бўлади. Олиқ-солиқларни инкор қилиб бўлмасди. Амир Темурнинг ўз мулкига даҳлдор закотга "даҳл қилмаслик" талаби, тушунишимча, айнан шундай - Хусайн Сўфийнинг Чингизхон даврида ўрнатилган маррага қайтишини тақозо этарди. Амир Темур "закотни тўла", демаган, қачонки, Чигатой улусига киритилган ҳудудга "даҳл қилма", аралашма, деган ультиматумни дипломатик йўсунда, фақат давлат раҳбарлари тушунадиган тилда лўнда баён этган. Бундан кўзланган мақсад ҳали охиригача ошкор этилмаган эди.

Хоразм Амир Темур давлатининг ажралмас бир қисми эди. Суюрғатмишхон унга шу учун керак эди. Хоразмсиз шимолга йўл берк бўларди. Соҳибқирон кўнглида туркийлар давлатини якжилов қилиш, унинг сарҳадларини мислсиз равишда кенгайтириш, марказлашган, ягона давлатни қарор топдириш истаги чўгланиб турарди. Муддаони тинчлик, мулоқот йўли билан ҳал этиш имкондан бўлмайди - Хусайн Сўфий сира ён бермайди. 1372 йилнинг баҳорида Хоразм сарига қўшин тортилади. Хусайн Сўфийнинг ўлими, ўрнига укаси Юсуф Сўфийнинг тахтга чиқиши рўй

«Оқсарой тарихи»

беради. Юсуф Сўфи ярашув шева-сини орага солади, укаси Оқ Сўфийнинг қизи Севинбекани (Хонзода) Амир Темурнинг ўгли Жаҳонгир мирзога унаштирилиши ярашда восита бўлади.

Хоразм йўлида Соҳибқирон қанча вақт, қанча куч йўқотмаган. Давлат ва туркийларнинг жаҳонда ўз ўрни бўлиши манфаати нуқтаи назаридан ишни охирга етказиш керак эди. Юсуф Сўфий аҳдни инкор этади, уни ҳали ҳам давлат бузгунчилигидан қайтмаган Кайхусрав Хутталоний, Хизр Ясурийнинг кечириб, суиқасдчи ўгли Исҳоқ ва Маҳмудшоҳ Бухорийлар йўлдан уриб, Темурбекка зид ишларга унатдилар. У, Котни босиб, талаб, хароб қилиб, Соҳибқиронга майл билдирган кишиларни қиличдан утказди. Бу хиёнат 1373 йил баҳорда Хоразмга иккинчи марта отланишга сабаб бўлади. Хоразмга қилинган юриш икки томон учун ҳам хайрли хотима топади. Жаҳонгир Мирзо билан Хонзода бегим тўйи бўлиб ўтади.

Хоразм билан боғлиқ давлат режасининг самара бериши - мумкин бўлган жангу жадални истисно этадиган йўлга эришилган эди. Бу никоҳ Олтин Ўрдага яқин Темурий шаҳзодаларнинг, куёв тариқда бўлган Жаҳонгир Мирзонинг истиқбол уфқларини кенгайтириши ва қонунийлаштириши кутилаётган доно тадбир бўлган эди. Шу тўғрисида ҳам Амир Темур ҳазратлари икки йилга яқин пойтахтида осой-

ишта ҳаёт кечириб, давлат ички ишлари билан мукаммал банд бўлади. Қурилиш, ободонлаштириш, фуқаролар ҳаётини енгилаштириш масалалари билан шуғулланиди.

Соҳибқирон Амир Темур давлат бошида бешинчи йил мустаҳкам тураётган эди. Ички Мўғулистонда ҳамон ўзаро тожу тахт талашишлар давом этар, Қамариддин зўравонлик билан ҳокимиятни эгаллаганди. У кундан-кунга кучайиб бераётган, шарқий чегаралар таҳдид остига тушган эди. Бунга хотиржам қараб туриб бўлмасди. 1375 йилнинг 20 мартада ўзидан кета бошлаган Қамариддинга қарши черик тортилади. Юриш муваффақиятли якунига етади. Бироқ бу йилда ҳам суиқасд фитнаси барҳам топмайди. Хужанда турганида Амир Темурни захарлаш Баҳром Жалойирнинг ўгли Одилшоҳга тиним бермайди. Бундан воқиф бўлган Соҳибқирон бошқа ерга кўчади. Шу юришда Шайх Муҳаммад Сулдуз, Туркон Арлот ва Одилшоҳ Жалойир гапни бир қилиб, имкони бўлиши биланок, Амир Темурни йўқ қилишга келишадилар. Хужандни Соҳибқиронни дафъ этишда қулай имкон, деб биладилар.

Амир Темур суиқасд хавфидан фориг бўлгач, юртига қайтади. Қишни Занжирсаройда (Қаршидан икки манзил) ўтказди. Ёз келиши билан Амир Темур Хоразмга боришга қарор қилади. Соҳибқироннинг ҳарбий қуввати йилдан-йилга ошиб борарди. Ўзи Хоразм-

«Оқсарой тарихи»

ни ихтиёр қилганида, яна кечирилган Одилшоҳ Жалойир билан Хитойи Баҳодур ва Элчи Баҳодурни ўттиз минг кишилиқ лашкар билан Мўғулистонга юборади. Мўғулистонда Қамариддин яна жонланиб қолган эди.

"Букрини қабр ростлайди", деган нақл қанчалиқ тўғри, билмадим, лекин, фитнагар Одилшоҳ Жалойирни на молу мулк, на амалу мартаба ва на жиноятлари учун икки сафар олий кечиримлар зарра инсофга кирита олмаган эди.

Амир Темур ҳазратлари учинчи бор Хоразмга кетганида, ихтиёрига катта қўшин берилганидан эҳсушини йўқотган Одилшоҳ Жалойир Соҳибқирон яхшиликларини унутиб, бир-икки кишилар билан сўз бириктириб, Самарқандни босиб олишга қасдланади. Самарқанд камал қилинади. Пойтахт аҳолиси рахнагарларни қаттиқ қаршилик билан Самарқанд яқинига ҳам йўлатмайдилар. Хоразмда бу хоинона хабарни эшитган Амир Темур шаҳзода Жаҳонгир Мирзони унга қарши жўнатади. Одилшоҳ ва Сори Бўгонинг жалойир ва қипчоқлардан иборат қўшини тўқнашувда енгилиб, Дашти Қипчоққа, Урусхон пинжига қочишга мажбур бўлади. Одилшоҳ ва Сори Бўго бу ерга ҳам сифмай, Мўғулистонга, Қамариддин ҳузурига бош эгиб борадилар.

1376 йил Соҳибқирон давлати учун огир бўлган, ички ва ташқи душманлар Одилшоҳ, Сори Бўго ва

Қамариддин мисолида бош кўтарган, ҳокимият хомталашига жиддий киришган эдилар. Мўғулистонда ўз билганича ҳукм сураётган Қамариддин сотқин Одилшоҳ тезлавида Амир Темур вилоятларига чопқун ясайди. Андижон вилояти талон-тарож этилади, Умаршайх Мирзо тобеълигидаги қозоқлар минглиги қочиб, Қамариддин томонга ўтади. Танг вазиятда Соҳибқирон қўшин билан йўлга чиқади. Отбоши мавзеида Соҳибқирон барча сипоҳийларни душман тарафга юбориб, ўзи икки юз киши билан шу ерни қўнолга қилиб туради. Шу жойда тўрт минг лашкар билан пўстирмада турган Қамариддин, Одилшоҳлар Амир Темур ва унинг оз сонли кишиларига қарши жанг бошлаб юборади. Соҳибқирон жанглари тарихида бу энг қаттиқ, энг мардонавор кураш дея қайд этилади.

Душманларнинг қарама-қаршилиги, кўрамизки, бу йилларда босилиш ўрнига, янада кучайган Ҳатто, Самарқандга ҳужум уюштирилган. Хоразм билан тикланаётган сиёсий муносабатларга ҳам Мўғулистоннинг Амир Темур давлати кўз тикиб турган ҳукмдорлари мўғулпараст кучлар халал етказиш пайида бўлганлар. Шу сабабли ҳам Мўғулистонга қилинган тўртинчи юриш ҳали ҳамма иддаоларга нуқта қўя олмаган эди. Бунинг устига давлат таянчларидан бўлган шаҳзода Жаҳонгир Мирзонинг йигирм ёшида вафот этиши Амир Тему

учун ўнглаб бўлмайдиган тақдир зарбаларидан бўлган эди.

Соҳибқирон ёнида яқинлари, давлатхоҳ амирлар, садоқатли беклар бўлмаганда борми, ихтилофлар, маънавий, жисмоний зарбалар уни эсанкиратиб қўйган, иродасини букиб ташлаган бўларди. Амир Темурда метин ирода, пўлат матонат бор эди. Давлат бузгунчиси Одилшоҳ жазога мустаҳиқ этилади. Икки йилдан кейин, бош эгиб келган Сори Бўго кечирилади. Қамариддин хавфи эса, у тирик экан, ҳар қадамда соя ташламаслиги мумкин эмасди. Унга қарши тўнғия ўғил Умаршайх бошчилигида яерик жўнатилиб, тутишга фармон берилади. 1376 йилда, черик изидан Амир Темур ҳазратларининг ўзи бешинчи марта Мутулистонга, Қамариддинни тамомила мағлуб этишга отланади.

Амир Темур давлатининг олтинчи йилида муаммоларга яна бир муаммо қўшилади. Тўхтамиш ўғлон Оқ Ўрдадан, амакиси Ўрусхон билан ҳокимият талашиб, Самарқандга паноҳ истаб, қочиб келади. Амир Темур уни сафарда, Чу дарёсига яқин жойда қабул қилади. Муаррихлар, Тўхтамишнинг келувини Амир Темур жуда арзитганлигини таъкидлайди. Унинг шарафига тўй берилади, турар жой, шоҳона рамзлар, отлар, туялар, хуллас,

бир подшоҳга нимаики лозим бўлса, ҳаммаси муҳайё қилинади. Бу илтифот бугунги кунда, ортиқчадек туюлади. Масалага Амир Темур қандай қараган? Гап мана шунда. Унинг келажак умидларига бу ташриф жуда ҳамоҳанг эди. Оқ Ўрда билан боғланадиган муносабатларда Тўхтамиш икки улусни туташтирувчи ҳалқа бўлиши эҳтимолдан холи эмасди. Соҳибқирон давлати уфқи Сирдарё қирғоқлари, Ясси яланглари билан чекланиб қолмаслиги керак эди.

1377 йил бошида Амир Темур ҳазратлари буюк орзусининг амалга ошишига - Дашти Қипчоқ тарафларга юриш имкони вужудга келганидан фойдаланиб, Тўхтамишни ўз одами сифатида Жўжи авлоди тахтида кўриш учун қўшин тортади. Ўрусхон бу орада оламдан утади, ўрнига ўғли Тўхта Қиё тахтга чиқади. Амир Темур Дашти Қипчоқ ҳокимиятини Тўхтамишга беради. Икки ой нари-берисида хотималанган бу юришдан Амир Темур ҳазратлари Самарқандга 1377 йилнинг мартада қайтиб келади. Амир Темур пойтахтига кириб келаверсин, Ўрусхоннинг ўғли Темур Малик Ўғлон Тўхтамишни енгиб, тахтни эгаллаб олсин. Тўхтамиш минг машаққатда, хароб ҳолда Самарқандга етиб келади.

(Давоми келгуси сонда)

АМИР ТЕМУР КУТУБХОНАСИНИНГ СИРИ

- * Амир Темур кутубхонаси йўқолиб кетганми?
- * Шабистарой ким эди?
- * Улугбекнинг шогирди Али Қушчи Ҳазрати Башир билан учрашганми?
- * Низомиддин Шомийнинг асари.
- * Амир Темурнинг кутубхонаси топиладими?



Ишонсангиз, ўша кутубхона тушларимга кириб чиқади. Улкан бино. Ниҳоятда улкан. Чиройли жавонлар тула китоблар. Олтин, мовий, жигар, тўқ ва кўк, яшилрангдаги китоблар. Сон-саноқсиз... Алақандай ҳид димогимга урилади ва сесканиб уйғониб кетаман. Ё кечаси соат учлар, ё тонг отган бўлади. Бу нимага ишора? Нега мени кутубхона безовта қилади?! Ҳеч тушунолмаيمان.

Бувимда бир катта китоб бўларди. Усти мовийранг. Мовий ипак билан тўқилган. Қогозлари шалди роқ, оппоқ. Оқ, қора, қизгиш, сарикранглари қуёш нурида кўзни қамаштирарди. Антиқа ҳиди ҳам бор эди. У қанақа ҳид эди? Ниманинг ҳидига ўхшарди? Бу ҳидни ҳам ҳанузгача тополмайман.

Хорижда бўлсам, ўтмишдаги ҳукмдорлар кутубхоналарини кўришга ошиқаман ва яна ўша таниш ҳидлар димогимга урилиб, беихтиёр хаёлимда ўзим тасаввур этган Кўксаройдаги улкан ва ноёб кутубхона томон учади.

Амир Темур Кўксаройда жуда улкан кутубхона бунёд этган эди. У ерда дунёнинг турли бурчакларидан ноёб битиклар, бебаҳо қўлёзмалар, нодир китоблар тўпланган ва, турган гапки, ўша аср ислом динига ривож берувчи ҳисобланган Ҳазрат Соҳибқироннинг кутубхонасида машҳур Усмон Мусҳафининг келтирилганлигига шубҳа

«Амир Темур кутубхонасининг сири»

йўқ эди. Ҳозир бу китоб Ўзбекистонда, Тошкентдаги Мусулмонлар идорасининг музейида кўз қорачигидек сақланмоқда.

Кўксарой кутубхонаси шунчалик китоб омбори эмасди. Бу ерда китоблардан фойдаланиш устидан жиддий тартиб ўрнатилган бўлиб, олиму фозиллар, мударрислар, толиблар, салтанат амалдорлари, уларнинг фарзандлари улардан истаганча фойдаланишар эди. Шунингдек, кутубхонада муншийлик, хаттотлик, безак солиш ишлари намунали йўлга қўйилган бўлиб, бир сўз билан айтганда, бу манзил Турон давлатининг йирик академияси эди, десак ҳам муболаға бўлмасди.

Амир Темурнинг худо берган илми бор эди. Навоий таърифи билан айтганда, у нафақат буюк бунёдкор, буюк ҳукмдор, балки илм-фан ҳомийси, дунё тарихи ва адабиётини мукамал билган улус зот эди: шунчалик кўп шеър ва дostonларни билар эдики, унингдек, ҳеч ким кўп ва узоқ шеър ё дoston айтолмасди. Шундай инсон халқ ва Ватан тақдирини ўйлаб, жангу жадалларда юриб, дунё гурбатларидан тўйиб кетганида, адабиёт чаманидан ором излаши тайин эди. Яна бир ҳақ гапни тан олиш керакки, унинг ўзи йўл-бермаганида Улугбек-Мирзо шу қадар йирик олим бўлолмасди. Амир Темурнинг неваралари орасидан олиму фузалолар чиқишини орзу қилгани аниқ. Мана, бир неча мисоллар.

Соҳибқирон тунлари унга юлдузларни таништирарди: "Мирзом, кўрингиз, Магрибда зумрад нур сойиб турган ана у юлдуз Зухродир, униси Фурқадон, буниси, тарик селиб қўйгандай юлдузлар гужуми - Хулкардур". Улугбек-Мирзо аввалги кеча кўрган юлдузининг ўрнида йўқлигини кўриб, ҳайрон бўлганида, бобо унга ёрдамга келарди: "Сиз йўқотган юлдузни Алгул дейдилар. Уч кун ёниб, сўнади ва яна пайдо бўлади. Бунинг сири ёлғиз ёратганга аёйдур". У бироз ўйланиб қолар ва бироздан сўнг: "Тақдирда баҳодирлик толен бўлмаганда, балки мен ҳам юлдузлар илми билан машгул бўлармидим!", - дер ва яна бир фурсат ўтиб, хомуш чеҳраси чароғон ёришиб: "Мен Сизнинг илмга ташналигингизни сезиб турибмен. Сиз бу йўлдаги машаққатлардан чўчимайсиз!", - дея унга далда берарди. У невараси Улугбекнинг чуқур билим олиши учун Ҳиротдан Қозизода Румийдек йирик фалакшунос олимни Самарқандга олиб келганлиги тарихдан яхши маълум. Хуллас, Кўксарой кутубхонасида, унинг томида, дераза равоқлари ёнида бобо ва неваранинг тун чоқларида дилдан суҳбат қурганлари афсоналарга айланиб кетган.

Кўксарой, Кўксарой! Эҳ, Кўксарой! Сени тўпга тутмаганларида, дунёда сендаги кутубхонага тенг келадигани бўлмасди. Сенинг шунча нодир китобларинг қаёққа гойиб бўлди? Наҳотки, улар йўқ бўлиб кетган бўлса?

«Амир Темур кутубхонасининг сири»

Китоблар - ёш Темурбекнинг хаёл оламини нурафшон этган дунё.
Гапимиз қуруқ бўлмаслиги учун яна бир мисол.


Оқсоқол ёзувчимиз Пиримқул Қодиров "Амир Темур сиймоси" янги бадиа романларида шундай ибратли ҳикояни келтирадилар.

Маълумки, Темурбек Кеш мадрасасида таҳсил олган йилларида озарбайжон шоири Маҳмуд Шабистарийнинг "Гулшани роз" ("Сирлар гулшани") китобидан ўзига маъқул бўлган шеърларни ёд олган.

Орадан йиллар ўтиб, Озарбайжонни ҳимоя этиш учун қўшин тортиб борганида, Шабистар қишлоғидан ўтаётиб, беихтиёр шоирни эслаб қолади ва сўраб-сўришга кириб, унинг қabri шу ерда, хароб ҳолида эканлигини билиб, зиёратга отланади. Шоир мангу ором топган манзилда мусулмончилик расм-русумларини бажо келтиргач, қишлоқ аҳлига 5 мисқолдан олтига улашади ҳамда Маҳмуд Шабистарийнинг қabri узра мўъжаз мақбара кўтаришга, атрофдаги ерларни вақф сифтида бериб, улардан тушадиган даромадлар ҳисобига боғ барпо этиб, бу ерни зиёратгоҳга айлантиришга фармон беради.

Мантиқан ўйлаб қарайдиган бўлсак, минг битта ташвиши бор ҳукмдорнинг оддий шоирнинг мангу қўним топган манзилига эътибор бериши, оддий айтганда, катта гап. Давроқе, унинг шундан бошқа ташвиши, дарди йўқми? Аммо Буюк Соҳибқироннинг бағри каби тафаккури ҳам кенг эди. Шундай зот ёшлиқдан меҳр қўйган шоирига ҳиммат кўрсатмасдан ўтолмасди.

Шулар ҳақида ёза туриб, дунёда "йўқдан бор бўлмайди, бордан йўқ бўлмайди" деган гаплар хаёлингиздан ўтади ва беихтиёр яна Амир Темурнинг кутубхонаси бутунлай йўқолиб кетмаган, деган хаёлга борасиз. Кўз ўнгингизда: "Асосий хазинам кутубхонам эди. Билсангиз, мен ундаги ҳар бир дурдона асарни не-не машаққатлар билан жам этган эдим", - дея ҳорғин қараб турган Ҳазрат Соҳибқироннинг ёрқин чеҳраси намоён



бўлади ва Сиз, албатта, бу кутубхона дурдоналари қаердадир яширин турибди, дея ишонасиз. Тарихда ҳам бунга ишоралар бор.

Амир Темур дунёнинг ўткинчи эканлигини, ўзининг ҳаётин кўзи очиқлик пайтида рўйи-рости билан китоб қилишни ҳам унутмади. Яхши биласизки, мавлоно Низомиддин Шомийнинг гувоҳлик беришича, 804 ҳижрий йили (милодий 1401 йил 11 август ва 1402 йил 1 август оралиги) Амир Темур уни ҳузурига чорлаб, ўз юришлари ҳақида йирик асар яратишга ундаган. Ҳазрат Соҳибқирон мунший ва котиблар томонидан тузилган битиклар ўзини қониқтирмаслигини, ёзилажак асар эса халқ учун тушунарли содда, равон, айна пайтда маърифатли вашилар эътиборига лойиқ тилда битилишини сўраган. Низомиддин Шомий асарни кўнгилдагидек битишга сўз берган. Давроқе, асар ҳаққоний битилган. Унда мақтов ва бўрттиришлар, ҳамду санолар камроқ. Шу боисдан ҳам, дунё тарихчи олимлари бу ноёб асарни ишончли манба сифатида тан оладилар ва уни қадрлайдилар.

"Темур тузуқлари"-чи?!

Бу бебаҳо асар ҳақида ҳам соатлаб гапириш мумкин. Лекин бу ўринда яна Улуг Амирнинг дундайд китобни битиб, биз авлодларга қолдиргани ҳар жиҳатдан муҳимдир. Бу асарлар фақат унинг ўзининг эмас, бизнинг кимлигимизни ҳам белгилайди.

Амир Темурдан сўнг кутубхона тақдири қандай кечди, деган саволнинг кўндаланг бўлиши табиий.

Мирзо Улугбекнинг қарийб қирқ йиллик ҳукмронлик даврида Туронда осойишталик ҳукм суриб, фан, маданият, меъморчилик юксак тараққий этди. Унлаб, балки юзлаб мадрасалар барпо этилди. Бу даврда Кўксарой кутубхонасининг фаолият кўрсатганлиги аниқ. Бу ўринда бизни 1449 йилдан кейинги воқеалар қизиқтиради. Хўш, Али Қушчи ўз қарвони билан нега Ҳазрати Баширнинг ҳузурига борди ва, тахминан, у ерда етти-саккиз йил қолиб кетди? Мирзо Улугбекнинг васияти билан у кутубхонадаги нодир китобларни ўзи билан олиб кетмадимикан?! Олдин айтганларидек, унинг 1449 йилда Мовароуннаҳрдан чиқиб кетгани ҳақидаги гаплар ёлгон бўлиб чиқди. Хусусан, астроном Ғ.Жалолов ва шарқшунос олим А.Ўринбоев Али Қушчининг 1471 йилгача мамлакатда яшаганлигини таъкидлаб ўтганлар.

Қисқасини айтганда, Амир Темур кутубхонасининг сири узоқларга бориб тақалади. Кутубхона ҳақида афсона ва гап-сўзлар шунчалик кўпки, уларни ўқиб, "Шамол бўлмаса, дарахтнинг шохи қимирламас" деган мақол эса тушади. Дарвоқе, нимадир борки, у онгимизни ҳамиша жунбушга келтириб туради. Бу сирни очиш келажакда кимгадир насиб бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

ОҚСАРОЙ

Драма

Қатнашувчилар:

Амир Темур - XIV асрда Марказий Осиёда етишиб, Мўғул империясига барҳам берган ва туркийларнинг Буюк империясини тузган ҳукмдор

Қутлуғ Туркон Бего - Амир Темурнинг опаси

Довудбек - Амир Довудбек Дўғлот, Қутлуғ Туркон Оғонинг эри

Сарой Мулк Хоним - Амир Темурнинг Бибихоним номи билан машҳур хотини

Султонбахтбегим - Амир Темурнинг қизи

Муҳаммад Мирак - Султонбахтбегимнинг биринчи эри

Сулаймоншоҳ - Амир Довудбек ва Қутлуғ Туркон Оғоларнинг ўгли

Султон Муҳаммад Мирзо - Темурнинг набираси.

Ҳайдарқул - аввал Амир Темурга дўст амирлардан, кейин мухалиф, айти пайтда Оқсарой қурилишига ёноч отказиб бериш бўйича мутасадди

Феруза - Ҳайдарқул томонидан канизак қилиб олиб келинган Балх ҳокимининг қизи

Исматулло - Оқсарой қурилишида темирчилик бўйича мутасадди

Инатулло - новвойлик бўйича мутасадди, Исматуллонинг дўсти

Абулмаолий - Амир Темурга мухалиф диндор шайхлардан

Муҳаммад Юсуф Табризий - бош меъмор

Меъморлар:

Муҳаммад Юсуф

Усто Фахр Али

Муҳаммад Ибн Маҳмуд Исфаҳоний

Шайх Муҳаммад ибн Хожа Бандгир

Табризий

Хожа Ҳасан Шерозий

Қамариддин Хоразмий

Али Насафий


Муҳаммад Жоку

Навкарлар

Ажнабий меҳмонлар

Хизматчилар

Муганнийлар



«Оқсарой»

МУҚАДДИМА

Темур, Амир Довудбек, Қутлуғ Туркон Ога ва Сарой Мулк Хоним кирадилар. Самарқанд қалъаси қуриб битказилгани муносабати билан Қутлуғ Туркон Ога уни қутлагани ва Шаҳрисабзда ҳам қалъа қуриш маслаҳатини қилгани келган.

Туркон Ога: Кўп саломлар бўлсин Улуғ Амиримизга!

Салтанати боқий бўлсин,
Мулки абадий!

Темур: Меҳр осмонининг мунаввар шамси -

Эгачимиз омонмилар?
Хуш келдингиз, кўнглимиздек ёритгайсиз
Энди албатта,

Самарқанднинг қалъасини меҳрингиз ила.

Туркон Ога: Карамингиз беҳад кўпдур, Улуғ Амирим.

Самарқанднинг улуғ доруссалтанасини
Узингиздек салобатли, пуриқор қилиб
Замин сайқалига айлантирибсиз.

Темур: Бу лутфингиз бизга тагин бир илтифотдир.

Довудбек: Изн беринг, Улуғ Амир, менга ҳам бир дам,
Эгачингиз сўзламайди илтифот учун,
Кўксаройни бугун яқин-ёвуқда ҳамма,
Менгзамоқда Тангри боқий кўли нақш этган
Само мовий гумбазига, рост.

Темур: Бунисини ҳаддан ошмоқ десак муносиб,

Пок, зилол сув кўпирмайди

Бекордан бекор.

Кўпирса ҳам, турмас узоқ.

Гар кўпириб турса, билинг, унда илат бор.

Туркон Ога: Улуғ Амир, юрак қони жўшмаса агар,

Балогат ҳам, фасоҳат ҳам тилга бегона.

Сизни севиб сўзласалар, биз фахр этамиз.

Темур: Фахр этсангиз, жуда яхши, эътирозим йўқ.

Лекин, билиб қўйингки, биз ўзимиз билан
Фахр этмоққа ҳақли эмасмиз.

Бунга Буюк Тангри берган кўп неъматлар бор,

Улар билан фахр айласак, гуноҳ бўлмагай.

Мисол учун, жаннатий юрт,

Ризқ конидир, тупроғи малҳам,

Қудратли ҳам дониш эл бор -

Фахрга арзир.

Боз устига, жасур лашкар

Ҳам кўк тоқига

«Оқсарой»

Нарвон қўйиб, иморат қурган,
Гоҳо эса юлдузларни териб тушган,
Пойимизга сочиб қўйган моҳирлар бор -
Улар билан фахр этсак, бу бизга муносиб.

Туркон Оға: Минг шукрким, лашкарингиз қудрати тенгсиз -
Ишончлидир, мустақамдир юрт ҳимояси.
Сизнинг ҳарбий санъатингиз тенгсизлигини
Бугун бугун дунё аҳли қилар эътироф.

Темур: Бу отамиз санъатидан бир шингил холос.

Туркон Оға: Отамиз ҳам жангчи эди, бироқ у фақат
Ўзгаларнинг фармонига эди мунтазир.
Сиз билсангиз, ўзгаларга фармонбардорсиз.
Жанг майдони хоҳишингиз биноси гўё,
Сиз уни бош муҳандиси бўлиб қурасиз.

Темур: Йўқ, йўқ, мутлақ хато бу ташбиҳ!
Жанггоҳ нафрат бўрони турган
Оч саҳронинг худди ўзидир!
У ўшамас бунёдкорликнинг
Ишқ вобаста гулшанларига.

Бирида қон тўкилади
Ҳар томчиси хун сураб турур!
Бирида тер тўкилади -
Маржон-маржон дур.

Туркон Оға: Ҳа, эрк учун жангоҳларда урурсиз жавлон,
Буни агар англай олса, англайди миллат.
Лекин буюк обидалар бунёдкорини!
Шарафлайди бутун олам, барча эл, элат.

Темур: Қани энди, озод бўлса буюк Туркистон,
Ўйламасам унда маълум элнинг аҳволин,
Мен қаҳқашон бунёд қилсам обидалардан!

Туркон Оға: Сиздаги бу истак ота қонидан ўтган,
Биласизми, балоғатга етгач онамиз,
Маҳри учун бир обида қилганмиш эълوم.


Темур: Ҳа, биламан.

Туркон Оға: Билсангиз, Сиздан битта ўтинчим бор,
Бажо айлайсиз.

Темур: Қандай ўтинч?

Туркон Оға: Она Кешни ўраб қалъа девори билан,
Бир зўр сарой бунёд этинг.
Токи жаҳон аҳли уни кўриб лол қолсин,
Токи кўрсин барча Темур қудратин унда.
Токи билсин жаҳон Темур бунёдкорлигин!

Темур: Бунёдкорлик орзусига таъзим, офарин!..
Кўпдан буён мен ҳам она Кешни ўйлайман.



«Оқсарой»

Уни обод қилмоқ учун фармон ҳам бердим.
 Кўчалари хиёбонга айлантирилди,
 Мақбаралар бунёд қилдик мухташам унда,
 Утган азизлар
 Руҳларини шод қилмоқ учун.
 Бироқ она юртга фарзанд бўлиб,
 Муносиб
 Бирор хизмат қила олмай дил хижил эди.
 Ахир, унинг тупроғига қўшилди менинг
 Энг азиз ҳам энг муътабар улуг зотларим.
 Бу муборак хок учун мен нима қилдим?
 Бас,
 Қуражакмиз Кешда юртнинг Оқ саройини.
 Биласизми нега Оқ сарой?

Сарой Мулк

Хоним: Мен бир нима англагандек бўлдим,
 Эҳтимол,
 Худди шудир муддаоси Улут Амирнинг
 Гар ижозат бўлса сўздай.

Темур: Қани? Ижозат.

Сарой Мулк

Хоним: Агар туркий фикр қилса, англа:
 Сарой ташбеҳ эрур қунгил қошонасира,
 Оқлик эса унинг поклик, бегуборлиги.
 Араб ёхуд узга эллар ундан англар енгилмаслик,
 Бўйсунмасликни,
 Шунингдек, у англатади
 Иллатлардан холиликни ҳам.

Довудбек: Минг офарин маликамизга!

Туркон Оға: Минг офарин!

Сарой Мулк

Хоним: Лекин бу ном Улуг Амир
 Ижодидан нишона эрур!

Темур: Демак, сизга маъқул,
 Қурсак шундай иморатни албатта арзир.

Туркон Оға: Дейдиларки, "Каломи подшоҳ - подшоҳи калом аст",
 Яъни "Шоҳнинг сўзи - сўзларнинг шоҳи",
 Фармон беринг, барча унга мунтазир, илҳақ.


Темур: Бизким, малики Турон,
 Амири Туркистон,
 Амир Темур, Фармон бердук:
 Шаҳри Кешда мамлакатнинг Оқ саройи
 Бунёд этилсин!..

Биринчи парда

БИРИНЧИ КҮРИНИШ.

Шаҳрисабз шаҳрининг марказий майдонида
Оқсарой учун лойиҳалар кўргазмаси ташкил этилган.
Амир Темур, унинг яқинлари ва меъморлар кирадилар.

- Табризий:** Қўз саломлар бўлсин Улуғ Амиримизга!
Салтанати боқий бўлсин,
Мулки абадий!
Хўш келдингиз, Улуғ Амир,
Амрингиз билан
Шарқу Фарбада машҳур бўлган
Меъморларнинг барчаси жам бўлдилар бунда.
Намойишга ҳозир барча лойиҳалари.
Улар сони мингдан ортиқ эди,
Биз уларнинг юзтасини
Маъқул кўрдик назарингизга.
- Темур:** Сизнинг доно ақлингизга таҳсин айтамиз.
Хоҳ давлат қуриш бўлсин,
Хоҳ иморат,
Хоҳ жанггоҳда лашкарни тузмоқ,
Энг аввало лойиҳани лухта қилмоқ шарт.
Қани, боилаб кўрсатинг бизга
Лойиҳанинг мақбуларини.
Биз улардан энг афзалин танлаб оламиз.
- Табризий:** Марҳамат, амирим.
Улар лойиҳаларни қура бошлайдилар.
Сулаймоншоҳ кўйнидан дафтар олиб
Темурнинг сўзларини ёзиб қўя бошлайди. Унга
Султонбахтбегим яқинлашади.
- Султонбахтбегим:** Нима қилмоқдасиз?
Сиз ҳам Оқсаройнинг лойиҳасин чизяпсизми?
- Сулаймоншоҳ:** Ҳа... мен...
Улуғ Амир сўзларига бир сўз қўшяпман.
- Султонбахтбегим:** Қандай сўз экан?
- Сулаймоншоҳ:** Хоҳ давлат қуриш бўлсин,
Хоҳ оила,
Хоҳ иморат,
Хоҳ жанггоҳда лашкарни тузмоқ,
Энг аввало, лойиҳани пухта қилмоқ шарт.
Мен ўз Оқсаройим лойиҳасини
Мамнуният билан чизаман.
- Султонбахтбегим:** Сизга мен бу ишда омад тилайман.
Уларга Муҳаммад Мирақ ва Абулмаолий яқин келадилар.



Муҳаммад

Мирак: Нима ҳақда шивирлашяпсиз?

Султонбахтбегим: Бу бизнинг иш.
Тааллуқи йўқдир сизга ҳеч.

Муҳаммад

Мирак: Йўқ, бу ерда қандай гап бўлса,
Менга тааллуқи бордир, албатта.
Аввало, унутманг, мен сизга эрман,
Яъни хожангизман, сизга масъулман.
Қолаверса, мени Улуғ Амир ўзига
Ўғил каби қабул қилган,
Билсангиз керак?!

Сулаймоншоҳ: Ҳа, биламиз, отангизни Амир Ҳусайн
Қатл қилгач, падарингиз ҳурмати учун
Улуғ Амир кўрсатгандир сизга мурувват.

Султонбахтбегим: Аммо бу иш сизга ҳеч қачон
Аммавачам билан сиёсат
Бобида гоҳ сўзлашмоқдан
Манъ қилмоққа ҳужук бермайди.
Сулаймоншоҳ ва Султонбахтбегим Амир Темур
томон юрадилар.

Муҳаммад

Мирак: Буни ҳали вақт кўрсатади.
Бу салтанат, бу саройлар менга бўйсунар.

Абулмаолий: Бунинг учун куёв бўлиш етарли эмас,
Сиёсатда шерик бўлмоқ керак Амирга.
Унутманг ҳеч, у ҳам куёв бўлиб, топди шуҳрату шонин.
Курагон деб унга инъом этдилар тахтни,
Бильякс хонлар қаршисида Темур ким эди?

Муҳаммад

Мирак: Бунда менга кўмагингиз керак, шубҳасиз.
Абулмаолий: Темур билан Ҳусайннинг ораларида
Азиятни сиздан кўпроқ чеккан киши йўқ.
Ҳусайн-ку, бошингиздан буткул ариди,
Темур эса жавлон қилур, кўриб турибсиз.
Буниси ҳам дафъ қилинса, йўлингиз очиқ.

Муҳаммад

Мирак: Иншооллоҳ, у кунларга етармиз бир кун.
Лекин сизнинг садоқатга қандай ишонай?

Абулмаолий: Темур учун улуғ фақат саййидзодалар,
Беш-ўн дарвеш, сўфийларга ихлоси баланд,
Лекин биздек динни турли бидъат, хурофот
Иллатлардан тозаламоқ йўлин тутганлар
Хор қилинур.

«Оқсарой»

Бунга тоқат қилмоқ огирдир.
Ким Темурга қарши турса,
Биз у биланмиз.

Муҳаммад

Мирак:

Секин! Биз ҳам сиз билан,
Фақат
Бу мақсадни сир тутмоқ керак.

Абулмаолий:

Ҳақ гап.
Сиз жангларда мардик кўрсатинг,
Шижоатли кўрининг мудом.
Катта қўшин сўраб олинг,
Сўнгра уни солинг мутлақ ўз измингизга,
Биз ҳам керак дамда сиз билан
Ҳаракатда бирга бўламиз.
Бас, келмоқда биз томон Темур.

Темур шариклари билан уларга яқинлашади.

Темур:

Лойиҳалар жуда ажойиб.
Бизга маъқул уларнинг бари.
Лекин Оқсаройга муносиби бир
Уша теппасида ҳовузи бори.
Қувур билан унга тоғдан сув келтирамиз,
Кичик қувурларда ундан сув олиб,
Оқсаройнинг тоғрасида, бир неча жойда,
Жонбахш, гўзал фавворалар бунёд этилур.

Табризий:

Хоразмдан кўп усталар олиб келдингиз,
Улардан кўп маҳоратни кутиб турибмиз.

Темур:

Донги кетган хоразмлик меъморларнинг кўп,
Лекин Оқсаройга улар етмайди.

Жалб қиламиз Эрон ва Бағдод
Усталарин энг моҳирларин.

Бағдоднинг тарихчи меъморларидан
Бир гуруҳи Румга бориб

Арк, гумбаз қуриб

Абадият тош китобин бунёд этмишлар.

Улар энди шаҳри Кешда таърих битсинлар.

Табризий:

Албатта сиз айтгандек бўлур.

Темур:

Лекин аввал пойдеворини

Тоғнинг иддизидек мустаҳкам қилинг.

Кейин худди ернинг белидек


Равоқларни кесиштиринг,

Қуввати ортсин.

Ундан кейин


Қалқонсимон кифтларига диққат қаратинг,

Фазовий қобиқлар чархи гардундек




«Оқсарой»

- Табризий:** Ҳам салобат, ҳам қудратни этсин намоиш.
Деворларни безаш ишида
Исфаҳонлик усталарнинг тенги йўқ эмиш.
- Темур:** Бу гапинг маъқул.
Безак ишин исфаҳонлик усталар қилур.
Унутманг,
Зотан, буюклигимиз
Иморатин бунёд қилурмиз!
- Табризий:** Ашёларга ишлов бериб,
Зийнат учун тайёрламоқ ҳам
Ҳозирданоқ бошланса гар яхши бўларди.
- Темур:** Оқсаройни тому пойгоҳин,
Деворларин худди келин безагандек
Безамоқлик шарт.
Бунинг учун тошустунлар, тошбелбоғлар,
Тоштахталар, тошқоғозлар, тошқоплама изоралар,
Ложувардли сиркор гиштлар, сиркор сополлар,
Гулбезаклар керак булур,
Буларнинг бари
Бизнинг сахий юртимизда бисёр,
Улар билан ишлагувчи усталар ҳам кўп.
Чўққили гумбазми,
Морпеч устунлар,
Буржмиюраларми,
Ё шоҳустунлар,
Кунгира, шинак ё дандана барин
Кўзни қамаштирар зийнатлар ила
Музайян ҳолига келтирингмошмай.
Китобалар, муқарнаслар,
Парчин мармарлар
Фубор ҳуснихатлар,
Куфий, сулс, насху таълиқ,
Девоний ҳам райҳоний
Хатлар билан бизнинг эътиқодимиз,
Қудратимиз, шон-шуҳратимиз
Қилинг тараннум.
- Туркон Оға:** Бундай бино учун, албатта,
Ноёб ашёлар ҳам керак бўлади.
- Темур:** Буни кўлдан ўйлаб юраман,
Бадахшонда ноёб тошлар бор,
Келтирамиз уларни ҳам.
Сарой ҳамда девон остига
Форсдан мармар олиб келамиз,
Бошқа баъзи безакларни



- Етказади бизга Хуросон.
Оқсаройга қанча гишт кетса,
Ҳар бирини пиширамиз обдон олтиндек,
Олтин каби қиймат топар улар албатта.
- Туркон Ога:** Бунда жуда муҳим қалъа девори.
Темур: Ҳукмдорга завол етмас, агар амирлар
Сафин қилса қудратда комил.
Қўргоннинг мустаҳкам бўлмоғи учун
Қалъа деворлари керак мустаҳкам.
Жуда тез қурамиз қалъа деворин,
Унга Кеш бағридан оламиз тупроқ.
Бунда бордир бир маъно рамзий -
Бизнинг қудрат шу тупроқдандир.
Она тупроқ бизга қудрат,
Ҳам йўргак - бешик,
Ҳам ризқ эрур, ҳам мангулик уй.
- Туркон Ога:** Қалъа ичи буткул обод бўлмоғи керак.
Темур: Ҳа, албатта обод қиламиз,
Қалъа ичин йўллари Шероздагидек
Хиёбонга айлангирсак, тулзорлар аро,
Жаннат билан тенг бўлади шунда она Кеш!
- Абулмаолий:** Бу сўз ширкка тортар, Амирим!
Од қавми ҳам Эрам боғин ясаб ораста
Деган эди яратдик биз жайнагу ризвон.
Ҳалоқатта сабаб бўлди охир бу даъво...
- Муҳаммад**
Мирак: Бас қилинг, Шайх,
Унутдингиз ўз ҳаддингизни,
Гарчи шайхсиз, ходимисиз, Соҳибқироннинг.
Улуғ Амир, изн беринг,
Бу осийнинг жазосини ўзим берайин?
- Темур:** Ширк нимадир, осийлик нима? -
Биз уларни яхши биламиз.
Ширк дегани иймонсиз қалб нишонасидир,
Ёки бизнинг мўъминликка шубҳангиз борми?
- Муҳаммад**
Мирак: Улуғ Амир, изн беринг.
Темур: Сабр қилинг!
Бу зот ҳали бизга узоқ керак бўлади.
Нима учун? - Биласизларми?
Бир куни мана шу одамнинг ўзи,
Салласини қийшиқ ўраб турган шу одам,
Бизнинг ютуқларни сўзлай бошлайди,
Мен ана шу кунни кутаман,



«Оқсарой»

- Уша кун, албатта, келади.
 Унгача бунга ҳам сабр берсин Ҳақ.
 Бундай зотлар ҳали битта Оқсаройнинг ҳам
 Қандай бино бўлишини тасаввур қилмас.
- Довудбек:** Менга қолса унинг бошини,
 Оқсаройнинг гиштларига қўшиб терардим.
- Сарой Мулк Хоним:** Шунинг учун Соҳибқирон Соҳибқирон-да.
Сулаймоншоҳ: Бунда Соҳибқирон ўз лойиҳасин
 Ўзгаларга қилур намоён.
- Туркон Ога:** Ўғлим, яша, англабсанки,
 Соҳибқирон бизга қўшилиб,
 Оқсаройнинг тарҳи узра қотираркан бош,
 Дунёда ҳеч мисли бўлмас буюк обида...
- Темур:** Тўхтанг, маъзур тутинг бизни, эгачи.
 Сиз айтмоқчи бўлган ўша тенгсиз обида,
 Аввал пайдо бўлмас экан ҳар битта қалба,
 У ҳақида сўзлаш ножоиз.
 Токи ҳазрат шайхимиз эмас,
 Оддий фуқаро ҳам буни тушунсин.
 Шу мақсадда Оқсаройни бунёд этамиз,
 У рамз эрур:
 Биз ўйлаган оли қасрга.
Туркон Ога: Офарин, (Амирим!)
Ҳамма: Офарин, Амир!

ИККИНЧИ КЎРИНИШ.

- Оқсарой пойдевори қуриб бўлинган.
 Уни муҳокама қилмоқдалар.
- Юсуф Табризий:** Мана, дўстлар Соҳибқирон Оқсаройнинг
 Пойдевори қўйиб бўлинди.
 Энди биз бу гурур қўргонин
 Гиштларини тера бошлаймиз.
 Ҳар қатор гишт терилганда
 Эл кўзига бизнинг меҳнат кўрина бошлар.
Фахр Али: Чиндан олтин бўларми гиштлар?
Юсуф Табризий: Қийматда олтиндан кам бўлмас улар.
Фахр Али: Бу саройнинг гумбазлари кўкка етармиш,
 Бўлмас эмиш бундай бино рубъи маскунда.
 Бизнинг умр етармикан уни қурмоққа?
- Ҳасан Шерозий:** Мен Шероздан Самарқандгача
 Боришга бир умр керак дер эдим,
 Соҳибқирон олдида вақт ҳам
 Бўйсунаркан, мана, беш йилки,
 Унинг давлатида хизмат қиламан.

Қуриб битказамиз, худо хоҳласа.

Муҳаммад

Исфаҳоний: Самарқандда бунёд бўлган иморатларни
Кўрган киши ҳайратидан ёқа ушлайди.
Улар ҳали давом этар шубҳасиз узоқ.
Ана, Бўстонсарой бағрида пойдор
Тўрт ошёнлиқ Арки олий – Кўксарой турар.
Уни қандай тез қурган эдик.

Олим Насафий:

Самарқанднинг шаҳар қалъаси
Қурилиши бизни лол қилган.
Эндигина меъмор бўлиб сонга киргандим.
Шундай катта қалъа девори
Бир жаҳд ила қурилган эди.
Унда ҳар дарвоза остида тузоқ –
Кичикроқ бир шаҳарча келар.

Муҳаммад Юсуф: Сиз Шоҳи зиндада шуҳрат топдингиз.

Олим Насафий: Мендан кўра Соҳибқирон айтиб ёздирган
Бир калимамашхур бўлди эл орасида:
"Лоғамна илла фир-ризо,
Ло хулқа илла фи-л-ифо,
Ло қурба илла фи-л-ҳаққи,
Ло анса илла фи-л-вафо"

Яъни:

"Розиликсиз тинчлик, кечиримсиз ҳусни хулқ йўқ,
Ҳақиқатсиз кўнгил бирлиги, вафосиз дўстлик йўқ."

Муҳаммад Жоку: Соҳибқирон келса керак ишни кўргани?

Юсуф Табризий: Аввал Оқсаройни тирак бўйидек
Кўтаринглар, сўйгра қутсак арзир Амирни.
Инатулло киради ва уларни кузатиб туради.

Ҳайдарқул:

Амир Темур ҳозир Эронда,
Ҳарбий юришда.
Қайтиб келгунича анча вақт ўтар.

Олим Насафий:

Энди Соҳибқирон юртларни жангсиз
Фатҳ этаётган эмиш,
Эҳтимол,
Тез орада қайтиб қолади.

Қамариддин:

Навбат уларга денг...

Муҳаммад Бандгир: Усто, нега норозидексиз?


Қамариддин: Устолар кўпаяр экан-да, дейман...

Ҳайдарқул:

Йўқ, бу гапда бошқа маъно бор,
Бу гапингиз оқмай ҳам томмай
Амир Темур қулогига етиб боради.

Қамариддин: Мен нима дедим?

Ҳайдарқул: Демак... сизни...



«Оқсарой»

- Шаҳри Кешга ихтиёрсиз
Олиб келишган.
Бу турмушга рози эмассиз?
- Қамариддин:** Йўқ... мен...
- Ҳайдарқул:** Бас, мен сизни ҳар дақиқада
Назорат қиламан.
Кейин кўрамиз.
- Инатулло:** Қўлидаги катта тугунни еча бошлайди.
- Инатулло:** Шаҳри Кешнинг новот сувига
Қаймоқли сут қўшиб сиз учун
Бир патир пиширдим,
Бундай таъми онангизни
Эмганда ҳам татимагансиз.
- (Патир тарқата туриб)
Қани, татиб кўринг...
- Фахр Али:** Кўрганмисиз шундай хуш таъми?
Оҳ, оҳ... Қандай лаззатли таом!..
Ҳақиқатан, мен бундай таъми
Ҳеч кўрмаганман.
- Юсуф Табризий:** Тандирда пишганми бу ҳам биродар?
- Инатулло:** Йўқ, қозонда пиширдим уни.
- Фахр Али:** Қозонда ҳам нон пишадими?
- Инатулло:** Қозонда фақат калла пишмайди,
Бошқа ҳамма нарса пишайди.
- Олим Насафий:** Лекин икки калла пишмайди,
Агар битта бўлса пишайди.
- Инатулло:** Э, бундай маъноли гапларга биздек
Нодонларнинг ақли етмайди.
- Ҳайдарқул:** Ақлинг етмай шунча гапни сўзлаб юрасан,
Етса нима бўлар экан?
- Инатулло:** Сиз менинг сўзимга, ақлимга эмас,
Пиширган нонимга баҳо берингиз.
Ақлим бошқа нарсага етса,
Бек бўлардим,
Сарбоз бўлардим.
Қачон қараманг, шу қўлларим хамир.
Уни ҳеч тозалай олмайман.
- Ҳайдарқул:** Тозаласанг, нима қилардинг?
- Инатулло:** Яқинлашармидим жиддий ишларга...
Ҳозир бўлса нуқул менга жиддий ишларга
"Аралашма қўлларингнинг хамири билан",
Деб чеккага суриб қўярлар.
Хайр, мен борай.
- Ҳайдарқул:** Яна тагдан оласан-а.

«Оқсарой»

Инатулло кула-кула чиқади.

Юсуф Табризий: Иккита зўр гап айтиб кетди.

Ҳайдарқул: Балки кўпроқ?

Фахр Али: Биз ҳам шу иморат ишидан бошқа
Бирор ишга бош ишлатмаймиз.
Шунинг учун тушунмадим,
У нима деди?

Юсуф Табризий: Тарбиялаб бўлмас нокасни, деди,
Ҳужмдор бир бўлади, деди,
Унинг бўлмас шериги, деди.
Тақинг-тугинг, аслингга қара,
Ҳар жойга бурнингни суқмагин, деди.

Фахр Али: Ҳ-ҳ...

Ҳайдарқул: Тури, қандай тушунсак ҳам,
Шундай фикрлар.

Фахр Али: Бунда ундай гапга не ҳожат?
Кимга айтди бу гапларини?

Юсуф Табризий: Ҳойнаҳой, кимнидир нишонга олди.

Қамариддин: Қаердан билар у бундай сўзлашни,
Кимдан ўрганган?

Юсуф Табризий: Кеш азалдан куббатулим,
Кўп доно одамлар бунда яшаган,
Бир новвойи шунчалар сўзлай билади.

Қамариддин: Балки у шунчаки сўзлаб кетгандир?

Ҳайдарқул: Ҳа, шунчаки айтди, куйди-да...

Юсуф Табризий: Мен буни шунчаки сўз деб билмадим.

Фахр Али: Унда нишон ким?
Талотуп бошланиб, бир гуруҳ ниқобли кишилар киради.

Ниқобли киши: Муҳтарам меъморлар, хафта бўлмайсиз,
Сизни бошқа жойга кўчирамиз биз.

Юсуф Табризий: Нега? Бу ерда иш қизгин паллада?

Ниқобли киши: Бу ерда Оқсарой қурилмас зинҳор,
Бир куни биз бунда "қизил сарой" қурамиз.

Юсуф Табризий: Соҳибқирон амри-ку бу...

Ниқобли киши: Кўп гапирманг! (Навкарларга)
Қўлларин боглаб,
Сақланг мен кўрсатган жойда уларни!
Олиб боринг!


Мен эртага сиздан хабар оламан.

Ҳайдарқул: Тушунмадим, нима гап, саркор?

Ниқобли киши: Бу бизнинг иш,
Сиз аралашманг.

Бошингиз кетади, унингиз чиқса.

Ҳайдарқул: Йўқ, йўқ. Бизда нима гап бўлсин...



Ниқобли киши: Кетинг!
Чиқадилар.

УЧИНЧИ КҮРИНИШ.

Муҳаммад Мирак ва Султонбахтбегимнинг
Оқсарой қурилиш майдонидаги қароргоҳи.
Иккаласи кирадилар.

- Муҳаммад Мирак: Менинг бошим оғритади шу бир масала:
Қанча гишт кетади афсонавий бундай саройга,
Яъни қанча олтин кетади?
- Султонбахтбегим: Бек, бу Соҳибқирон сиридир,
Иш уники, бошингизни сиз оғритманг,
Илтимос сиздан.
- Муҳаммад Мирак: Нега, ахир?
Исроф бўлур бизнинг ҳаққимиз.
Нега бундай йўл-тутар Амир?
- Султонбахтбегим: Дуруст бўлур ҳаммаси, қўйинг.
- Муҳаммад Мирак: У ўз шуҳратини уйлайди фақат,
Қизиқтирмас бизнинг тақдир ҳеч қачон уни.
- Султонбахтбегим: Аминманки, ундай эмас!
Қўйинг эяди, бек.
- Муҳаммад Мирак: Аврақинг отанга ўхшайди худди,
Умуман, бизда ҳеч қандай ҳақ йўқдир.
Иккимизнинг мақомимиз ҳамон ноаниқ,
Мени ким деб қабул қилгансан?
- Султонбахтбегим: Бек, буни сиз яхши биласиз,
Гарчи муҳаббатдан асар ҳам йўқдир,
Лекин сиз эр, мен эса хотин.
- Муҳаммад Мирак: Бу нима деганинг?
Муҳаббатсиз?..
Муҳаббатсиз вафо ҳам йўқ,
Садоқат ҳам йўқ!
Бу қандайин эр-хотинлик?
- Султонбахтбегим: Менинг ўз маҳрамин,
Турмушимнинг соҳибига
Қўйган ихлосим,
Тизгинимни буткул берганим
Ришта бўлиб иккимизни ажралишдан
Сақлаб турибди.
- Муҳаммад Мирак: Йўқ!.. Муҳаббатсиз ихлос нимаси?..
Сен мени гуломингдек асир тутасан,
Сийласанг, гуломинг каби сийлайсан.
- Султонбахтбегим: Сиз ҳам мени душманингиз каби хўрламай,
Чўрингиздек сийлаб кўринг,

«Оқсарой»

Муҳаммад Мирак:
Султонбахтбегим:

Кўзимга суртаман хоки пойингиз.
Нега йўқдир муҳаббатинг?
Буни ўзингиздан сўраганмисиз?
Ўзингиздан излаганмисиз?

Муҳаммад Мирак:

Мен ҳам сенинг отанг каби эрман,
Балки ундан кўнгли бўшроқман,
Меҳрибонроқман.
Қалби тошдек қаттиқ,
Шафқатсиз,
Меҳр нима билмаган қаллоб,
Мунофиқ зотни
Қанча улуглайсиз,
Қанча севасиз!

Султонбахтбегим:

Бирозгина андеша қилинг,
Унинг буюк қалби бордир,
Мақсади эзгу,
Аъмолин барчаси даҳоларга хос.
Бир ўзин ўйламас, эл дарди дарди.
Шу қалб сиз ҳам инингизни.

Муҳаммад Мирак:

Жоҳил, бадкирдор
Амир Ҳусайндан озод қилган-ку.
Шу қалб сизни жону жаҳони,
Қизи билан тақдирлаган-ку...
Йўқ, у билар эди
Менинг ким бўлишимий.
Бир кун рақиб бўлмасин деб мени ўзига
Қизи билан тузоқ қуйди йўлим устига.
Лекин мен бу тузоғига илиниб,
Умримни хор қилмагайман.

Султонбахтбегим:

Нима учун унга бунчалар
Нафратингиз қайнаб тошади?
Озор бермаган-ку у ахир сизга.

Муҳаммад Мирак:

Менинг отам унинг касрига
Қурбон бўлди.
У нега менга
Тўламайди эваз бу учун?

Султонбахтбегим:


Отангизни қатл этган Амир Ҳусайн...

Муҳаммад Мирак:

Темур ёнин олган эди шўрлик бечора.

Султонбахтбегим:

Шер Баҳром неча бор хоинлик қилди,
Шундай бўлса ҳам,
Соҳибқирон уни дўст тутди
Охирда ҳам Амир Ҳусайн
Хизматида эди отангиз,
Ўлдирган-ку ўз хизматкорин...



«Оқсарой»

- Муҳаммад Мирак: Агар шундай бўлса, айт-чи, Темур не учун
Бизни ундан олиб келди ўз саройига?
- Султонбахтбегим: Бир замонлар дўст бўлишган оталаримиз...
- Муҳаммад Мирак: О, ҳимматни қаранг!..
Эски дўстлик ҳурмати...
- Султонбахтбегим: Бек, отамни мазах қилманг,
Бу яхши эмас.
У ўглидек сизни севар...
- Муҳаммад Мирак: Ёлгон, ҳийла бу.
- Султонбахтбегим: Севмаганда ишонмас эди.
Ишонмаса, каттагина лашкарга сизни
Бош қилмас эди,
Ер юзида Темур юртин кўкраги бўлиб
Кўтарилар олий қаср - Оқсаройга ҳам
Сизни қўйиб, ўзи жангга жўнамас эди...
- Муҳаммад Мирак: Оқсарой?
Темур юртин кўкрагими?..
Ҳали кўрамыз.
- Султонбахтбегим: Нимани кўрамыз?
- Муҳаммад Мирак: Йўл қўймайман бу кўкракнинг
Кўтарилишига зинҳор базинҳор.
- Султонбахтбегим: Нима? Наҳотки сиз Соҳибқироннинг
Меҳр билан бошлаган ишин
Вайрон қилиб,
Чўп суқасиз унинг кўзига?
- Муҳаммад Мирак: Чўп суқмайман.
Иложин топсам,
Мил тортаман уша кўзларга!
- Султонбахтбегим: Нега унга душман бўлиб қолдингиз, ахир?
- Муҳаммад Мирак: Аслида, ҳеч қачон унга дўст бўлмаганман.
- Султонбахтбегим: Нима?
- Султонбахтбегим шиддатли ҳаракат билан қўлига
қилич олиб эрининг бўйнига қўяди.
Оқсарой нафақат Соҳибқироннинг,
Балки бу мамлакат, элу улуснинг
Шавкати, гурури, номуси, ори!
Отам кўзин қорачуғи бу иморатлар.
Гар чўзилса ғаламис қўл, етмай кесилгай!
Ўз эрингга тиг кўтардингми?
- Муҳаммад Мирак: Ҳа, эрингга тиг кўтардингми?
- Султонбахтбегим: Тиг кўтардим Соҳибқирон тузини еб,
Тузлуғига тупурган касга.
- Муҳаммад Мирак: Тўхта, тўхта...
Мен ҳали жиноят қилганим йўқ-ку,
Мени бу аҳволда ўлдирсанг агар,

«Оқсарой»


- Султонбахтбегим: Адолатли отанг сени зинҳор кечирмас...
 Биламан, у кечирмайди ҳатто мени ҳам,
 Кесиб қўйсам бошингни шу кез.
 Қани, сўзла,
 Мақсадинг нима?
- Муҳаммад Мирак: Шунчаки... бир зум
 Берилибман ўз нафсимнинг тажовузига.
 Англадимки, бу йўл хатодир...
 Ҳа... ҳа... хато...
- Султонбахтбегим: Йўқ, англадинг сен ўз қурум босган қалбингни
 Энди шарт шу сенга:
 Улуг амир келган кун,
 Талогимни берасан-у,
 Бор-йўгинг ташлаб,
 Қандай келган бўлсанг
 Қутлуг бу хонадонга,
 Шундай чиқиб кетасан юрт сарҳадларидан!
 Келишдикми?
- Муҳаммад Мирак: Ҳа, келишдик, маликам, ҳа... ҳа...
- Султонбахтбегим: Библиб туики, улуг Амирнинг
 Давлатида сен бир заиф мўр,
 Оқсаройга хиёнат қилсанг,
 Нороҳ тушган бир гишт остида
 Бўлажаксан чилпарчин, тамом,
 Тушундингми?
- Муҳаммад Мирак: Ҳа, ҳа... тушундим...
- Султонбахтбегим: Эр-хотинлик бутундан тамом,
 Чик, йўқол, бас,
 Чиқадиҳар.

ТЎРТИНЧИ КЎРИНИШ

Оқсарой пойдеворида хизматчилар қатор бўлиб
 ишсиз ўтирадилар. Сарбозлар безовта юрадилар.

Инатулло ва Исматулло кирадилар.


- Исматулло: Раис, янгиликни эшитдингизми?
 Инатулло: Эшитдим, раис, ёмон бўлибди,
 Оқсаройнинг меъморлари ўтирланибди.
- Исматулло: Буни қайси нодон қилди экан-а?
 Инатулло: Буни билмадим-у,
 Лекин билганим,
 Оқсаройда жиноят қилган
 Жазосиз қолмайди Соҳибқирондан.
- Исматулло: Жиноят қилган одам жазоланса-ку,
 Ҳеч ким ризо бўлмай қолмайди.




«Оқсарой»

- Инатулло: Лекин жазоланиб қолса бошқалар...
Соҳибқирон адолати ҳаммага маълум,
Жазоланмас ҳеч ким токи
Жиноятни қилган киши топилмагунча.
Муҳаммад Мирак киради.
- Муҳаммад Мирак: Новвой,
Кеча тунда бу ерларга нега келгандинг?
- Инатулло: Патир пиширгандим меъморлар учун,
Уларга бердим-у, қайтдим, бек ога.
- Муҳаммад Мирак: Қайтингми? Яхши.
Билмадингми, бу ерларда нима гап бўлди?
- Инатулло: Келганимда меъморлар билан
Ҳайдарқул бек шу ерда эди.
Кетдим... яна улар қолдилар.
- Муҳаммад Мирак: Билмадингми, меъморларни ким ўғирлаган?
- Инатулло: Йўқ, хабарим йўқ.
- Муҳаммад Мирак: Меъморлар-ку қочиб кетган бўлсалар керак,
Лекин Оқсаройнинг тарҳ-лойиҳаси
Нега йўқолганин билолмаяпман.
- Инатулло: Тарҳ-лойиҳа меъморларда бўлса керак-да.
- Муҳаммад Мирак: Йўқ, у бошқа жойда сақланар эди,
Уни кимдир ўғирлабди.
Ҳеч кимга айтмай.
Кўмак беринг менга ўша малъун ўтрини
Топмоқ ишида.
- Инатулло: Соҳибқирон давлатига жонимиз фидо,
Қўлдан келган ҳамма ишга
Биз ҳозирмиз, бек.
- Муҳаммад Мирак: Эшитдингми сен ҳам, Исмаат?
- Исмаатулло: Бош устига, эшитдим, бек.
- Муҳаммад Мирак: Яшанглар. (Чиқади)
- Исмаатулло: Ана, яна битта муаммо?
Шундай қилиб Соҳибқирон таъбин бузарлар,
Ёғ қуярлар газаб ўтига.
Кейин яна унинг газабин
Ҳадди йўқ деб койинадилар.
- Исмаатулло: Раис, энди нима бўлади?
- Инатулло: Соҳибқирон бунга эшитса,
Тамом-да, Облоху Акбар!
- Исмаатулло: Хаёлимда бу ўтриликни
Биз қилгандек қўрқиб кетяпман.
- Инатулло: Бе, нимага қўрқасиз, раис?
Ўзингизга тўғри бўлинг,
Ҳеч гап бўлмайди.
Соҳибқирон нодон эмас,
У жуда билгир -

- Исматулло: Бизга керак эмас меъмор-сеъмори.
 Инатулло: Биз бировга қарам бечора бўлсак,
 Исматулло: Шу, шу.
 Инатулло: Бировнинг ишига бурун суқмасак,
 Исматулло: Шу, шу.
 Инатулло: Биров зулм қилмаса деб, эҳтиёт бўлсак,
 Исматулло: Шу, шу.
 Исматулло: Тинчлик бўлса, яримта нонга
 Ишқор қилсак,
 Инатулло: Шу, шу.
 Исматулло: Бизда кимнинг нима иши бор?
 Инатулло: Шу, шу, тўғри. Тўғри.
 Исматулло: Лекин бизнинг Ҳайдарқул бек хавфли одам-да...
 Инатулло: Биламан.
 Исматулло: Нуқул "Темур менга инсоф қилмади,
 Давлатимга шериксан", деб мени алдади,
 "Ҳеч ишида менга сўмас маслаҳат", дея
 Такрор-такрор сўзлаб юради.
 Инатулло: Буни мен ҳам эшитганман ундан неча бор,
 Парво қилманг, раис. Бир кун яхши бўлади.
 Исматулло: Билмадим-да яхши бўлишин. ||
 Узига бир бало сотиб олмаса эди.
 Инатулло: Қўлидан бир иш келмаганининг
 Сўзи хоҳи мақтов, хоҳи суқиш бўлсин,
 Ҳеч эъдибор топмас, уйламанг.
 Исматулло: Қўлидан яхши иш келмаслиги рост,
 Лекин бузгунчилик келади, раис.
 Инатулло: Уйламанг, яхши бўлса оштини,
 Ёмон бўлса боштини еб кетаверади.
 Исматулло: Барибир, уйламан-да.
 Феруза киради.
- Феруза
 (Исматуллога): Сизни сўраб қишлоқдан келди опангиз,
 Топиб бер, деганди излаб юрибмиз.
- Исматулло: Опам қани?
 Феруза: Ана, кўчада.
 Исматулло чикади.
- Инатулло: Канизак, сен борма.
 Феруза: Нега?
 Инатулло: Улар холи сўзлашсин.
 Феруза: Бу ерда мен нима қиламан?
 Борақолай ўз хизматимга.
- Инатулло: Бу ерда ҳам бир оз хизмат қил.
 Феруза: Ҳамма ишсиз турганида
 Менга не хизмат?
 Инатулло: Соҳибқирон қайтаётир -



- Хабари келмиш.
Иш албатта давом этади.
- Феруза:** Менга не хизмат?
Инатулло: Бизга ҳам баъзида кўмак бериб тур,
Биз ҳам баҳра топайлик-да
Сенинг меҳрингдан.
- Феруза:** Ахир мен бир асираман,
Қафасдаги қуш,
Ё бир дарахт -
Бог девори метин панжара,
Ундан чиқиб ёзолмайман қанотларимни,
Ёки чўзолмайман қўлларим узоқ.
- Инатулло:** Асли қаерликсан?
Феруза: Балхдан келтиришган.
Инатулло: Ота-онанг бор эдиларми?
Феруза: Бор эдилар...
Эрка қизи эдим мен ҳам Балх ҳокимининг...
Лекин энди йўқ...
- Инатулло:** Исматулло билан қандай яқинлигинг бор?
Феруза: У киши билди асли кимлигим,
Шунинг учун бир кун у менга:
"Сени озод қиламан", деди.
- Исматулло киради.**
- Исматулло (Ферузага):** Сен боравер.
Инатулло: Тинчликми, раис?
Исматулло: Меъморларни олиб бориб
Қамаб турган жойларини
Поччам кўрибди,
Туз конида тутиб турмишлар.
Узи кела олмай билдирмай
Жўнатибди опамни тезда.
- Инатулло:** Ана! Ҳақнинг йўли доим очиқ,
Дейман-ку, раис.
- Исматулло:** Лекин бу хабарни кимга айтиб бўлади?
Инатулло: Буни ўйлаб кўриш керак.
Юр, бир жойга борамиз шу он.
Чиқадилар.
- (Давоми кейинги сонда).





АТИРГУЛЛАР - АСРИЙ КАМСУҚУМЛАРИМ...

(Шеърлар)

(Рус тилидан Фулом Мирзо таржималари)



ТАРЖИМОНДАН

Хорхе Луис Борхес ўзининг мафтунжер ва ранг-баранг, кенг қамровли ва чуқур моҳиятга эга серқирра ижодий фаолиятини аслида шеър ёзишдан башлаган. Буни ўсмирлиги Европада ўтган, шу ерда таълим олган ва 1920-йилларда ўз юртига қайтган адибнинг даставвал шопр-оифатида машҳур бўлгани ҳам тасдиқлайди.

Х.Л.Борхеснинг илк шеърый тўплами 1923 йили "Буэнос-Айрес жазирамаси" деган ном билан дунё юзини кўрган. Борхес кейинги тўпламларини тайёрлашда ўз ижодий услубини ўзгартиришга аҳд қилар экан, шеърыйтнинг сонет турига мафтун бўлган. Бунинг натижасида бугун Борхес XX асрнинг сонет устаси, дея эътироф этилади. Шунингдек, адиб бошқа шеър турлари, хусусан, японларнинг танка² шеърый услубида ҳам ижод қилган.

Энг муҳими, шеърыйат илҳом³ нарисиз забардаст шоирни умрининг охиригача тарк этмаган. Х.Л.Борхеснинг турли йилларда ёзилган шеърлари "Яратгувчи" (1960), "Бошқа, худди ўзи" (1964), "Йўлбарслар олтини" (1972), "Боқий атиргул" (1975), "Темир таша" (1976), "Тун эртаги" (1977), "Сирли хат" (1981) каби китобларида нашр этилган.

Атоқли адибнинг эътиборингизга тақдим этилаётган шеърларини ўзбек тилига ўгиришда асосан русча таржима матиларига таяндик. Борхес шеърларини Борис Дубин, Вадим Алексеев, Андрей Шетников, Павел Грушко, Константин Бр каби таржимонлар рус тилига таржима қилган. Борхес шеърларининг русча таржималари 2005 йили Санкт-Петербургда (Россия) чоп этилган адибнинг тўрт томлик асарлар тўпламидан⁴ жой олган. Шунингдек, турли китоб ва тўпламларда⁴ ҳамда "Иностранная литература" журнали⁵ саҳифаларида эълон қилинган.

Хорхе Луис Борхес шеърларига берилган изоҳларни тайёрлашда муаллиф ва унинг рус таржимонлари шарҳларидан ҳам фойдаланилди.



"ТАНКА" ОҲАНГЛАРИДА

1

Адир узра бог -
Мевалари ойдинда
Товланади олтиндай.
Аммо, сенинг лабларинг
Қоронгуда ҳам тотли.

2

Салқин бог ичра
Сайрашдан тўхтади қуш.
Ғамгин кезганинг-кезган.
Ахир, юрагим сезгай:
Сенга недир бунда кам.

3

Бегона қадаҳ.
Ёт қўлларда тутилган
Узгаларнинг шамшири,
Ойнадан қарайди ой -
Бу ҳам сенга камми, ҳой?

4

Ойдинда йўлбарс
Зар ҳалли панжасига
Мароқ-ла боқар, аммо
Одам ўлдирганини
эслаб қўймайди ҳатто.

5

Ёмғир ғам ичра
Ювмоқда қабртошни.
Қандай ғам бу - тош бўлмоқ.
Лек инсонга на умр,
На-да туш бўлмаслик.

6

Жанглар қилмадим
Аждодлардек мардона.
Ярим тунда ухламай,
Шеърлар ёзаман, мана,
Бутинма-бугин санаб.

АТИРГУЛ ВА МИЛЬТОН

Атиргуллар - асрий камсукумларим,
Даврингиз кетмоқда абадиятга.
Сиздан ниманидир бу шеърятга
Мангута муҳраб қолдиролсайдим.

Кўзи ожиз шоир охирги бора
Қўлларида тутган гулнинг, эҳ тақдир,
Сарин баргидаги шабнамни, ахир,
Елар қурутолмай ҳануз оввора!

Мильтоннинг гуллари очилган чаман -
Балки ер юзида бугун қолмаган,
Лекин, сақлаб қолдим ягона гулни.
Бир гулки, гулларнинг ичида жонон!
Асрлар қаъридан келтирдим омон,
Боқий ва нафис шу фасона гулни.

ЭДИП ЖУМБОФИ

Тонгда тўрт кундузи қуш оёқли ул,
Уч оёқда юрар умр шомиди,
Сфинкс⁹ ўртанмас жавоб ғамида,
Ягона ва сонсиз қандай махлуқ бул?

Эдип нинг мантиги биз учун ҳақдир,
Зотан, ким кўзгута боққани замон
Ўз акси ўрнида кўрса бир ҳайвон -
Билсинки, бу очиқ ва аччиқ тақдир.

Эдип¹⁰ жумбогида, ёмон тушдайин,
Зотсиз бу махлуқлар урчир бетайин,
Бетиним, бетизгин, ҳар лаҳза, ҳар дам.

Уч хил юз, кўп оёқ, бешакларга
Кўнсин дея, берди сабр дилларга
Уларни дунёга келтирган Эгам.

ТАЗАРРУ

Ҳаётимда огир бир хато қилдим,
Бахтли бўлолмадинг, етар, оқламанг.
Ғамбода йилларни хоҳлай-хоҳламай,
Ёзмаган шеърларим деб адо қилдим.

Мени туққан эди падар-волидам
Ер ва сув, ел ва ўт ичра бўл, дея,
Суйиб-эркалатиб, эркалаб суя...
Хоинлик қилдим-а мен уларга ҳам.

Лаънат бўлсин менга, ахир мен ўша -
Юракни меҳрдан айлаб мосуво,
Санъатнинг жинлари чалганда, аммо
Умрини қўшқўлаб тутган зумраша.

Майли, лаънатиён тугилганданоқ,
Юр энди, лаънатим, оқ йўл, йўл опшоқ!

ЛАБИРИНТ¹¹

Дунё - асли боши берк кўча, На кириш, на чиқиш йўли бор,
Бу ваҳмали деворбанд юртнинг кўшки ҳам йўқ қилсанг томоша.
Дайдиганинг-дайдиган бунда, тор ва биқик долонлар оша,
Қоронгида сирмаланганча, лек манзилга етмоқлик душвор.

Илинжларинг беҳуда, бу йўл ҳеч томонга бормас ҳеч қачон,
Аксинча, у алдайди сени: борса келар йўлни танла, дер,
Яна-яна аврайди сени: борса келар йўлни танла, дер.
Танладингми, тамом. Қисматнинг қарғишига дучорсан шу он.

Сўнгра сангзор манзараларнинг адоги йўқ йўлакларини
Ва беҳисоб чорраҳаларни сендек кезиб, бўлгач норози
Бир қўшоёқ ваҳший буқа¹²нинг даҳшат тўла хунук овози
Ҳатто тошни титратар, қара, оғзи тўла кўпикларини.

Бу боши берк кўчалар аро кезган сари умидим абас,
Қўрқаманки, учрамас йўлда на бир махлуқ ва на бирон кас.

"И ЦЗИН"¹³НИ УЌИБ

Асрлар давомида неларга бўлдиқ гувоҳ,
Бу бошимиздан кечди гоҳ шодлик, гоҳ хавотир,
Аслида, булар бари махфий битиқда бордир,
Битиқки, бошдан-охир сеҳр-жоду ва жумбоқ.

Бу китоб - замон, демак. Эшиқдан чиқилган дам,
Қайтиб кирилган лаҳза. Ҳаёт шундай кечмиш-да,
Қолгани - келажакда, келажак-чи ўтмишда.
Дунёда топилдиқ йўқ. Йўқдир йўқотиқлар ҳам.

Бироқ таслим бўлмагин. Гарчи зиндон - зимистон.
Пўлат панжаралари ўргимчактўрдек тигиз.
Бу қоронги ўрадан чиқишга йўл бор ёлғиз -
Биров билиб-билмаган хирагина нур омон.

Ёй ўқидек йўл расо, қани шайлангин, аммо
Бу махфий йўл бошида огоҳ этмоқда Худо.

ШАНБА

Кўзлари ожиз ва ўзи ёлғиз чол
Чекланган борлиқда кезинар беҳол.
Пайпаслар йўл бермас қаттол деворни,
Эшиқларнинг ўлчин ойналарин ҳам,
Аждодлардан мерос китоб залвори,
Варақлар шитири дилга солар ҳам.
Нуқра буюмларни оҳиста тутар,
Жўмрак, танга, калит силанар тақдор.
Қабариқ нақшларни сийпалаб ўтар,
На уйда одам бор, на кўзгуда - бор.
Боради-келади. Қўларин чўзиб
Энг яқин тоқчани излаб кўради.
Анча толиқади уй ичра кезиб
Ва тақир тўшаги томон юради.
Уйлашича, ушбу зулмат дунёда
Қилган, қилаётган ҳаракатлари -
Фалакнинг хуфёна синови бари.
Демак, савоби ҳам келар Худодан.
Туйқус хотирида тикланар аста
Буюкларнинг мумтоз, ноёб байтлари.
Алқисса, қуйилиб келар бир пасда,
Қоғозга тўкилар ушбу қайдлари.

ТУШ

Фаройиб асроридан сабоқ бера бошлар тун,
 Замин узра ёпамиз Олам кўрпасини биз.
 Беҳисоб оқибатлар чалкашиб ётар бутун
 Ва уларнинг сабаби - худди шундай - ҳисобсиз,
 Вақтнинг чексиз қаърида.
 Туннинг таманноси шу - унутмоқ керак тунда
 Наслинг, зотинг, аждоду авлодингни бутунлай.
 Эсдан чиқаргин сўзни ва инсон қайгуларин,
 Ҳушда неники билдинг, фаромуш айла барин.
 Ҳандаса дунёсини ёд этмасайдинг кошки:
 Нуқта, чизик, айлана, тўртбурчак - бари ёлгон.
 Сатҳ, уммон, тўлқинлар, ҳатто ёстиқда бошинг
 Алдамчидир чойшабнинг нафис оҳорисимон.
 Боғлар, тоғлар, саройлар, шоҳлар ҳамда Шекспир...
 Хуллас, сенга энг манзур нима бор, унут бир-бир.
 Вожабки, тутмадек арзимагаи ҳабдори -
 Бутун дунёнинг касри ва хаос сабабкори.

ЙЎЛБАРСЛАР ОЛТИНИ

Кўп бор кузатганман
 Заррин шом пайти,
 Қудратли йўлбарснинг бамайхотир
 Тақдир сўқмоғида юрганни дайдиб,
 Гарчад, кезар жойи бир қафас эди -
 У тутқун эканин англамас эди.
 Бошқа йўлбарслар ҳам бор эди бунда:
 Вилям Блейкники¹⁴ - қизғиш ёлқиндай,
 Зевснинг олтини¹⁵ ва тилла узук -
 Ҳар тўққиз кечада тугар тўққизта.
 Янги тўққиз узук, тўққиз тун ўтиб,
 Ҳар бири кўпаяр яна тўққизга,
 Шу тахлит, бу сирнинг ниҳояси йўқ¹⁶...
 Йиллар ўтар экан, не ажиб ранглар
 Мени тарк этганда чекдим аттанглар.
 Фақатгина бир ранг ёнимда қолди,
 Ёнимда, ёдимда, жонимда қолди -
 Бу ўша - азадан қадрдон, асл,
 Мен ҳамиша суйган бебаҳо олтин.¹⁷
 Эҳ, тилла шафақлар,
 Олтин йўлбарслар,
 Эҳ, миф ва дostonнинг зар ёлқинлари,
 Аслида, сиз - менинг соф олтинларим.
 Заролуд ёлингиз силаш ҳар қачон
 Менга бахш этади ҳузур, ҳаяжон.

УМР РИШТАСИ

Ҳаётимнинг риштаси узилар қай гўшада?
 Женевададир, балки? Фақат Калвин¹⁸ни эмас,
 Вергилий¹⁹, Тацит²⁰ни ҳам кашф этган қутлуг жойим.

Монтевидеодамикан? Луис Мелиан Лафинур²¹
 Уругвай тарихига холис китоб битай деб,
 Ҳужжатлар чанги аро кўзларидан кетиб нур,
 Ҳатто жон берган шаҳар.
 Афсуски, ўша тарих битилмай қолди бадар.

Нара шаҳрида ўлсам - бу ердаги японча
 Меҳмон қўналгасида тунаганман бир кеча,
 Уша тунда тушимга кирган гаройиб Будда,
 У сиймони ҳаётда кўрмадим ҳалигача?

Буэнос-Айресми ё булар менга машғум жой?
 Бу шаҳарга мен деярли бегонаман, билмасам.
 Ушанда ҳам, кекса ёшим рўжач қилиб, ҳойнаҳой,
 Яна кўп бор мул дастхатлар тарқатганим, демасам.

Техасдаги Остинми ё?
 Эсимда, 1961 йили
 Куз ойида онам билан бирга шу ерга келиб,
 Ушбу кентда Американи кашф этгандик илк даъфа...
 Узгаларга қизиқми бу: эшитар ва унутар.

Қай тилда виро айтгум? Бу ўзимга ҳам қизиқ.
 Балки испанчада сўзлаб, этгайдирман жон таслим?
 Ахир, бу тил аждодлардан менга мерос-да ўзи.
 Жангларда ҳам, қартада ҳам шу тилда енган наслим.

Ёки инглизчасига жарангларми видойим -
 Библиянинг шу савтида дуо қиларди ойим,
 Болалик йилларимда доим саҳрога қараб?
 Узгаларга қизиқми бу: эшитар ва унутар.

Қайси пайтда чиқар жоним?
 Кабутар субҳидами -
 Ҳали ранглар дунёси яралмаган паллада?
 Ё қарга шомидами -

Ўшанда тун ҳаммасини яширгай ва алдагай?
 Балки қоқ туш пайтидадир, дейлик, соат иккида²²?
 Ўзгаларга қизиқми бу: эшитар ва унутар.

Бундай савол қўрқувданмас, эътиқоддан келади.
 Яъники, бу - қисматдаги сабаб ҳамда оқибат
 Тирик одам учун тилсим эканига ишорат,
 Яна Худо билади.

ИСТИЛО

Мен ўшаман, эрта тонгда ўз қавмим ичра эдим,
 Қоронгу гор бурчларида гужанак бўлиб олган,
 Тушларимнинг кўз тинитар тубидан қочай девдим,
 Қанчалик пусинмайин, ортимдан келиб қолган
 Жондорларнинг арвоқлари синган найзамни чайнаб
 Ваҳма солар. Ва недандир, - балки дуо сирими,
 Балки ганимнинг шафқатсиз таъқиблари боисдан,
 Балки севги ё жоду-тош кўрсатган таъсирими, -
 Фасоҳатли эди у тун. Ҳозир қолмаган эсда,
 Юз йилликлар ўтган сари эскирган хотирамда
 Фақат ўша кеча ҳамда саҳар сақланган, ҳолос,
 Ҳансираб ва дилдирардим, тўсатдан нақ тепамда
 Тонгни кесиб ўтаётган поданинг гурос-гурос
 Шовқинига тўлди борлик, - ана куч, мана қудрат!
 Қамиш ёй ва садоқ тўла ўқларимни ташладим,
 Сўнг горнинг энг тўридаги тор ва яқари қават -
 Бошпанамга кириб олиб пинҳон кута бешладим.
 Мана, улар - кўз ўнгимда: дамидан сачрар оташ,
 Шохлари керма камону сикдек тикка жунлари,
 Кўзлари - чўғ ва қоп-қора ёллари - қуюнлари.
 Қанчалигин санамадим, кўп - билганим шу яккаш.
 "Қўтослар", деб шивирладим. Талаффуз қилган сўзим
 Ҳали лабларим оралаб чиқмасдан ташқарига,
 Мен ҳис этдим: жаранглаган бир исм қўйган эдим
 Тушларимда мени енгган ваҳима лашқарига.
 Кўз ўнгимда худди бирдан қайта тугилди дунё,
 Мен тўсатдан гунг-кар бўлдим ва жон ҳам бердим гўё.
 Қўтосларнинг ўтрусиди мисли қотган шам эдим,
 Субҳидамда келди улар - улар субҳидам эди.
 Сиздан шуни ўтинаман: шаккоклик қилманг асло,
 Шу муқаддас, бағрикенг ва буюк руҳ бизга паноҳ,
 Ана қаранг, сайёралар кезгандек коинотда,
 Вазмин бориб, янчиб кетди йўлдаги итни ҳатто.

Зотан, менинг бошимда ҳам бор эди шундай қисмат,
Аммо омон қолдим, демак бу - илоҳий марҳамат.
Шунда охра²³ ва кармин²⁴ни шавқ билан қўлга олиб
Қўтосларнинг тасвирини чиздим гор деворига.
Бу суратлар - қурбонлик ва паноҳ илоҳалари.
Лек умримда "Альтамира" ²⁵ номин айтмадим минбаъд -
Чунки менга тақдирдошлар мозийда бисёр, албат.

ТОЛЕ

Аёлни қучаётган ҳар бир эркак - Одам.
Оғушдаги аёл, бу - Ҳавво.
Ҳаммаси илк марта юз берар бу дам.
Самода оқ кўрдим. Ой дерлар, танҳо -
Бу биргина калом, бекорчи эртак
Менга не керак?
Шажарлардан ҳайиқгум бироз. Улар - хурлиқо.
Юввош жониворлар келади - да боз, меңдан ном сурар.
Кутубхона тўла китоблар, ҳарфларсиз аммо.
Варақлашим ҳамон уларда сатрлар кукарар.
Харитага боқсам бир қатра - кашф булар Суматра²⁶.
Зулумотда гутурт чаққан - илоҳ, келтирар олов.
Кўзгуда бордек биров, куланка тира - шира.
Денгизга боққан одам аслида Англияни кўрар.
Лилиенкрон²⁷ шеърларини ёд айтган зот дарров.
Отланар жангга.
Туш кўрдим Карфаген²⁸ ва уни босган не-не сарбозни.
Туш кўрдим шамшир ва тарозуни.
Эгасиз ва қулсиз севги бор бўлсин
Ва чин севганлар бир-бирига ёр бўлсин.
Бор бўлсин, тақдирни яратгувчи биз,
Дея алдагувчи гўр тушларимиз.
Дарёга тушган зот Ганга²⁹да чўмилгандек тозадир.
Қумсоатта қараганнинг, ҳайҳот,
Сочилган салтанат савдосидан эси озадир.
Қиличини ўйнатган кас ўлдирмоғи мумкин Қайсари Румни³⁰.
Уйқу гафлатида ётганлар эса - умумни.
Саҳрода ёш сфинкс³¹ни кўриб қолдим,
Бу дунёга эндигина келган, бир нафас олдин.
Қуёшнинг остида ҳеч қандай кўҳна нарса йўқ.
Барчаси янги, лекин ўша-ўша биз билган андозадир.
Мухлисларим ўйлаб топар уларни ва тарихин ёзадир.

КЎЗГУ³²

Болалик давримда бегона турқни
 Ёки ифодасиз ниқобни асло
 Кўзгуда кўрмай деб босарди кўркув,
 Уйлардим, бундай афт - даҳшатли бало.
 Яна кўрқардимки, кўзгудаги вақт
 Бир куни одатий маромин бузиб,
 Одамий чехрага айлаб хиёнат,
 Бу ланж огушига сўнгра тумонат -
 Янги ранг, тур ҳамда тусни киргизур.
 (Боладек бу ҳақда ҳалиям жимман).
 Энди-чи, кўзгунинг домидамасми
 Ниқобли қалбим, деб эзади ғамлар.
 Воҳ, қандай бадбон ва гуноҳкор касмен,
 Наҳот кўриб турар Худо, одамлар.

ВИДО

Китобдорнинг ўғли - тақдири туссиз,
 Умри поёнида кимсасиз, тажанг,
 Ёлғизликка қарши очмоқчидек жанг.
 (Кеча икков эди, ҳамон иккиси:
 У ва ёрнинг ёди). Ва яна фироқ
 Юкини елкалаб дунёни кезар
 Жонон висолини излаб. Мўъжиза -
 Ишонар - ўлимдан минг бор сахийроқ.
 Фожий қисматининг ҳаваслари гоҳ
 Онгига тўсатдан чиқади қалқиб,
 Улар қадам етмас қитъадир, балки -
 Тавофи армонга айланган даргоҳ.
 Нима бўлса ҳамки, Сендан - Худойим,
 Шафқатмас, ёр васлин сўрайман доим.

ЙУҚОТМИШИМ

Ҳали яшамаган ҳаётим қани,
 Балки шарҳисорлик домига ташлар?
 Ва ёки шон-шараф йўлига бошлар,
 На қилич ва на да қалқоним мағим
 Бўлмаган қисматим қани? Мозийда
 Норвеглар ва форслар утган замонлар³³,
 Қани, кўзларимда ёнган афшонлар³⁴?
 Қайда довул, лағгар? Мен - ким? Мен - қайда
 Энди? Ва қайларда фарахбахш у тун -
 Кун бўйи меҳнатдан эзилган авом
 Ҳалол ишдан кейин ҳордиқ олсин-чун
 Каломдан ҳам айвал яралган айём?
 Сен қайда, зормисан менга, азизам,
 Рўёбга чиқмаган висолдан сўнг ҳам?

Ҳ.О.ГА³⁵

Қўнгироқ тутмачаси, рақамлавҳа ортида
 Тақа-тақ беркилгану қорайиб турган эшик
 Бамисли мен қачондир йўқотиб қўйган беҳишт,
 Сирларини очмагай, келишларим беҳуда
 Ҳар оқшом. Куни бўйи чарчатган ишдан қайтсам
 Бир пайтлар бу гушада кўнглимга азиз овоз
 Менга илҳом берганча чиқиб келарди пешвоз,
 Мангу шундай бўлади, деб ўйлардим ўшал дам.
 Лек бари ортда қолди. Йўлимиз айро бутун,
 Кечмишдан хижил ҳамда согинчдан афтодаман.
 Амалсиз изҳорларим эсга тушса задаман,
 Мавҳум ишқ қисматидан юракда қолган тутун.
 Мармартош, сағана ва индамаслар олами -
 Бу чеки йўқ ҳасратга нуқта қўйса, не ғамим.

ФРАНЦИЯГА

Дарвозада битик, мазмуни бундай:
 "Сен бу ён кирмасдан, шу ерда эдинг.
 Кетсанг ҳам, қолгайсан абадий шунда".
 Бу - Дидро³⁶ ҳикмати. Умримнинг бутун
 Чувалган тарихи унда мужассам.
 Қайларда дайдимай излаб ишқ ва бахт,
 Франция, сенда қолурман ҳар вақт;
 Бузнос-Айресда ўлганимда ҳам,
 Бағрингда милтирар мен учун бир шам.
 Қара, "Ой ёгдуси"³⁷ демайман асло,
 Ўрнига "Верлен"³⁸ деб қўя қоламан.
 "Денгиз ва дунё"³⁹ ҳам мен учун - "Гюго"⁴⁰,

"Дўстлик"⁴¹ ка "Монтень"⁴² деб кўприк соламан,
 "Жуана" - яхши ном, не учун "Оташ"⁴³...
 Шу тахлит бирма-бир кечар ёдимдан
 Кимнинг сатрлари ишқингни яккаш
 Юракка жо қилган бўлса гар, ватан.
 Хиргойи қилётган кўзбойлогичдай,
 "Chanson de Roland"ни⁴⁴ айтган жангчи ё -
 Сен учун куйлаш ва курашга мен шай,
 Бахт, ахир, зафар деб жон бермоқ ҳатто.
 Абадий музаффар овозинг янгра,р,
 Зотан Дюрандалдир⁴⁵ сенда ҳар ханжар.

САЙД

Бу соҳир денгиздан ҳайрати тошган
 Ва бутун соҳилни кезган пичеда,
 Сиймбар ёгдудан кўзи қамашган,
 Беқиёс кенгликлар - ҳаддан зиёда,
 Ақлини шоширган бир сайёд гўй,
 Куним ўтди сенга бўлиб маҳлиё,
 Оқшом хайрлашдик, шу дамдан нега
 Ёлғизлигим ўсар буй ва зийга.
 Сени эслаб қолган кўчалар буйлаб
 Тунда қайтарканман, қийнайди уйлэр:
 Қанийди, ҳеч қурса, бу қадар ажиб
 Бирор куним ёдда қолса умрбод,
 Тумордек тақсайдим кўксимни бежаб.

КИТОВХОНЛАР

Идальго⁴⁶ - рашпар шахс ёдимда ҳар дам,
 Афсунвор қисматли қотмагина зот,
 Узини жангларга шайлаб умрбод,
 Лек сира чиқмаган кутубхонадан.
 Аслида қоришиқ чин билан ёлгон,
 Сизу биз ёд билган машҳур жангнома -
 Муаллифининг эмас, балки Кихано
 Хаелидан кечган борзу, ўй, армон⁴⁷.
 Менинг ҳам қисматим шундай. Бу аён:
 Бутун ҳаётимдан олис, папада -
 Ёшлик даврим қолган кутубхонада
 Бир бўла мук тушиб ўқийди чунон
 Мен каби Дон Кихот афсоналарин,
 Тушми, ўнг - фарқ этмай замоналарин⁴⁸.

ОДАМ АТО ХОКИ

Шамшир гулчалик ҳам чидамли эмас.
 Шиша қадар мўрт ва омонат қоя.
 Зотан, бари - кулнинг ҳомиласи, бас.
 Пўлат - занг, довуш - бу, бор-йўти, соя.
 Одам Ато - отаниг, мангу хокнингдир.
 Ибтидо боғлари интиҳода бор.
 Гар булбул ва Пиндор⁴⁹ куйи ҳокимдир,
 Демак, тонг - шом учун эгизак, такрор.
 Микенликка⁵⁰ қайдан хос бўлсин ривож.
 Форт⁵¹ - хароб ҳолдаги уюм тош, холос.

Уркиса⁵² - бечора, шафқатта муҳтож.
 Кўзгудан термулиб қараган аксим
 Қариб қолди, илло билмайди мен ким.
 Вақт бизни ҳайкалдек тарошлайди жим.
 Нақадар бахтдир бу, - қолмоқ абадий
 Гераклит⁵³ айтган ул дарёдек сабий,
 Ё мангу ёнувчи бир олов каби.
 Сезаман: бу ҳақда ўйлаган оним,
 Мен шунча боқийман, шунчалар фоний.

ИЗОҲЛАР

¹Сонет (итал. sonetto) - XIII асрда вужудга келган 14 мисрадан иборат турғун шеърий шакл. Сонет қатъий қонун-қоидалар асосида яратилади. У 4 банддан иборат бўлиб, 1- ва 2-бандлар 4 мисрадан (катрен), 3- ва 4-бандлар 3 мисрадан (терцет) ташкил топади. Катренлар, кўпинча, abab abba ёки abba abba шаклида, терцетлар эса cdc dcd ёки cde cde шаклида қофияланган бўлади. Энг муҳими, қофиялар тўла ва жарангдор бўлиши лозим. Сонет фақат шаклан эмас, мазмунан ҳам шундай талабларга жавоб бериши керак. Масалан, унинг 1-бандида асосий фикр айтилади, 2-бандда бу фикр ривожланади, 3-бандда ечим, 4-бандда эса хотима ифодаланади.

²Танка - японча шеър тури бўлиб, "қиска қўшиқ" маъносини билдиради. Танка япон шеъриятида VII-VIII асрларда пайдо бўлган ва қиска вақт ичида асосий йўналишга айланган. Танка қофиясиз бўлиб, унда асосий унсур ҳижодир. Ҳижо эса ўз навбатида сўзларнинг оҳангдорлигини, шеърнинг табиийлигини ва мукамаллигини белгилайди. Танка дастлабки пайтларда бўлиб ўтган воқеа: висол ва ҳижрон, базм ва ишқий саргузашт, байрам ва табиат ҳодисаси сабаб яратилган бўлса, асрлар давомида ривожланиб ўзида юксак фалсафий муаммоларни ва ғояларни мужассамлантира бошлади. Қаранг: "Денгиз япроқлари". Япон шеъриятдан / Хуршид Даврон таржимаси. - Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988. - 3-4-бетлар.

³Хорхе Луис Борхес. Собрание сочинений в 4 томах. СПб: "Амфора", 2005.

⁴Қаранг: "Из современной аргентинской поэзии". М., 1982; "Проза разных лет", М., 1982, 1989; "Поэзия Аргентины", М., 1987.

⁵Иностранная литература. - 1984, №3; 1988, №10; 1990, №3, 12.

⁶Япон шеърий жанри бўлиши танка бешлиги 31 та бўғиндан (5+7+7+7+7) иборат. Борхес ана шу шеърий мезонга қатъий риоя этган.

⁷Мильтон (Milton) Жон (1608-1674) - инглиз шоири, публицист, сиёсий арбоб. Лондонда туғилган, Кембриж университетини тугатган (1632). Асарларини инглиз, итальян ва латин тилларида ёзган. "Арёопагитика" (1644) рисоласида матбуот эркинлигини ёқлаб чиққан. Стюартлар сулоласи қайта тиклангандан кейин машаққатли ҳаётга гирифтор бўлган шоир ўзининг машҳур асарлари - "Июқотилган жаннат" (1667), "Топилган жаннат" (1671) дostonларини яратади. Достонлар мазмуни "Инжил"дан олинган бўлса-да, диний мазмун орқали даврнинг долзарб масалаларини - халқ оммасининг монархия ва зулмнинг барча шаклларига қарши норозиликни акс эттирган. Сўнгги асари - "Исёнкор Самсон" трагедиясида Англия буржуа инқилоби ва Мильтон дунёқарашига хос бўлган қарама-қаршилиқлар ўз ифодасини топган. Кексайган чоғида Борхеснинг ҳам Мильтон сингари кўзлари ожизлашиб қолган. Агар одамзод учун кўз орқали сезиш бир лаҳзалик, яъни жуда осон иш бўлса, аксинча, ҳис орқали сезиш кишидан тафаккур этиш, айниқса, кўпинча мунгли кечинмаларни қариликнинг кўнгил кўзи билан кўриш учун муайян муддатни тақозо этадиган ўзига хос мураккаб жараёндир. Юқоридаги шеърда ана шу жиҳатларга ишора бор.

⁸Ушбу сонет негизига одамзоднинг болалиги, камолот даври ва кексалиги талқин этилган қадимий ривоятлар мазмун-моҳияти сингдирилган. Борхеснинг бу шеърини Поль Валерининг қуйидаги ташбеҳига қиёслаш мумкин: "...ҳар қайси одам ўз ҳаракатларининг узвий давоми бўлган ҳамда танасининг изчил эврилиши оқибатида юзага келадиган кўрқинчли махлуқларни ўзи билан бирга галма-гал судроқлаб юради". Қаранг: Валери П. Об искусстве. - М.: "Искусство", 1976. - С.214.

⁹Сфинкс - Юнон мифологиясидаги қанотли ярим аёл, ярим урғочи шер; Фива яқинидаги қоя устида яшаб, йўловчиларга мураккаб топишмоқ айтиб жавоб ололмагач, уларни еган. Борхес шеърида Сфинкснинг "Ким эрталаб 4 оёқлаб, тушда 2 оёқлаб, кеч-қурун 3 оёқлаб юради?", деган ана шу топишмоғини келтирган. Ривоят давомига кўра, бу топишмоқни Эдип топган, яъни у: "Инсон болалиқда 4 оёқлаб, улгайганда 2 оёқлаб ва кексайганда 3 оёқлаб юради", деган. Шу жавобдан сўнг мағлуб Сфинкс қоядан ўзини

«Атиргуллар - асрий камсукумларим...»

ташлаган. Маълумки, Қадимги Мисрда танаси шерники, калласи одамники (баъзан ҳайвонники) бўлган афсонавий махлуқ ҳайкали ҳам Сфинкс деб юритилади.

¹⁰Эдип - юнон мифологиясида Фива шаҳрининг шоҳи. Аввалги шоҳ Лай ва унинг хотини Иокастанинг ўғли. Эдип туғилгандан кейин отасининг буйруғига биноан (отасига ўз ўғли томонидан ўлдирилиши башорат қилингани учун) Киферон тоғига ташлаб келинади. Чўпонлар томонидан қутқариб қолинган Эдипни Коринф подшоси Полиб тарбиялайди. Вояга етган Эдип Фивага йўл олади ва ўзи билмаган ҳолда отасини ўлдириб, Фива тахтини эгаллайди ҳамда онасига уйланади. Ўзининг мудҳиш жиноятини кейинчалик билган Эдип ўз кўзларини ўяди ва содиқ қизи Антигона ҳамроҳлигида Фивадан чиқиб кетади. Афина чеккасидаги Колон деган жойда вафот этади. Дунё адабиётида, жумладан, Софоклнинг "Шоҳ Эдип", Вольтернинг "Эдип" асарларида Эдип образи ёрқин талқин этилган.

¹¹Лабиринт (юн. labyrinthos) - хоналари беҳад кўп, йўлаклари одамни алдштирувчи улкан иншоот. Юнон мифологиясида Крит ороли подшоси Минос учун меъмор ва моҳир механик Дедал лабиринт қурган. Луғатларда бу сўзнинг кўчма маъноси ҳам берилган бўлиб, унга кўра лабиринт - кишини адаштириб қўядиган мураккаб жой ёки чора топқич қийин бўлган танг ҳолатни англатади.

¹²Қушоёқ ваҳший буқа - бу ўринда ҳўкиз-инсон, яъни минотавр ҳақида сўз бормоқда. Манбаларда ёзилишича, унинг исми Астерий ("Юлдузли") бўлиб, аслида малика Пасифая билан Посейдоннинг ўзидан ёки у юборган ҳўкиздан туғилган. Астерий инсонлар тортиқ этган қурбонликларни қабул қилиш учун Дедал томонидан Крит оролида қурилган лабиринтга келган.

¹³"И Цзин" - Қадимги Хитойда эраמידан олдинги XI асрда яратилган фаразий-математик рисола бўлиб, у кўпинча "Ўзгаришлар китоби" (ингл. Book of Changes) ёхуд "Ўзгаришлар қонуни" деб ҳам аталади. Дастлаб у башоратлар (фол)-китоби сифатида қўлланилган. Ҳозирги кунгача китобдан айни шу мақсадда - оддий одамларнинг ҳам, давлат раҳбарларининг ҳам муаммоли вазиятларини ўрганиш ва ҳал этиш мақсадида фойдаланиб келинмоқда. Маълумотларга қараганда, мазкур рисола геосиёсат ва ҳарбий стратегия соҳаларида дунё миқёсида эътироф этилган энг муҳим илмий-назарий манбалардан ҳисобланади. "Ўзгаришлар китоби" 64 та тимсол - гексаграммадан иборат бўлиб, ушбу тимсолларнинг ҳар бири замоннинг муайян ҳаётий вазиятини унинг тадрижий тараққий этиши нўқтаи назардан ифодалаган. Улуғ аждодимиз Амир Темур бу китобдан хабардор бўлгани тахмин қилинади. Хусусан, "Ўзгаришлар китоби" даги мураккаб рақамлар ўйини билан Соҳибқирон ҳазратларининг енгилмас жанглари ва муваффақиятли геосиёсий стратегияси, шунингдек, Амир Темур бетакрор боғларининг режа-тарҳлари ўртасида муайян узвийликни кузатиш мумкин.

¹⁴Вияля (Уилям) БЛЕЙК (ингл. William Blake, 1757-1827) - инглиз шоири, рассом ва олим.

¹⁵Шоир Зевс ва олтин мавзусига ўзининг "Мадҳия" номли шеърида ҳам эътибор қаратган. Яъни: "...Самодан Зевснинг севгиси билан олтин ёмғир қуймоқда чунон...". Борхес ушбу сатрларида Зевснинг олтин ёмғирга айланиб, Мис минорада тутқунликда ётган Даная билан учрашгани ва улардан фарзанд (Персея) туғилгани ҳақидаги Қадимги Юнон афсонасига ишорат қилган.

¹⁶Борхес бу сирли узук "Драупнир" деб аталиши ҳақида изоҳ берар экан, "тўққиз тун узуги"га қизиқиб қолган китобхонларга "Кенжа Эдде" асарининг 49-бобини ўқишни тавсия қилади.

¹⁷Ушбу сатрлардан Борхес ҳаёти билан боғлиқ иккита фактни билиб олиш мумкин. Маълумотларга қараганда, биринчидан, шоир йўлбарсларни жуда яхши кўрган, айниқса, уларнинг зарҳал-қўнғир тусига маҳлиё бўлган, иккинчидан, у кўзи кўрмай қолганидан сўнг фақат сариқ ва қўнғир-қуланг туснигина фарқлай олган.

¹⁸Калвин (Calvin) Мелвин (1911.7.6, Сент-Пол, АҚШ, Миннесота штати) - америкалик биокимёгар. Илмий ишлари фотосинтезга оид. У ўсимликларнинг CO₂ ни ўзлаштириш пайтда содир бўладиган биокимёвий жараёнлар босқичларини кашф этган. Нобель мукофоти совриндори (1961).

¹⁹Вергилий (Vergilius) Марон Публий (мил. ав. 70. 15. 10-19.21.9) - Рим шоири. Рим республикаси инқирозининг гувоҳи бўлган. Унинг машҳур "Энеида" достони троялик қахрамон Энейнинг дарбадар кезишлари ва у қатнашган урушлар тасвирига бағишланган.

«Атиргуллар - асрий камсукумларим...»

Бу асари "Илиада" ва "Одиссея"га таклидан ёзилган бўлиб, унда Қадимги Италия манзараси кўтаринки руҳда тасвир этилган. Вергилий ижоди классицизм даври шеърляти учун намуна ҳисобланган.

²⁰Тацит, Публий Корнелий (P.Cornelius Tacitus) (тахм. 56 - тахм.117) - Рим тарихчиси, сенатор. У "Агрикола" (97-98), "Германия" (98), "Нотиқлар ҳақида диалог" (102- 106), шунингдек, "Тарих" (105-111) ва "Ақналар" (112-117) каби тарихий асарлар муаллифи.

²¹Луис Мелиан Лафинур (1850-1939) - уругвайлик ҳуқуқшунос, ҳикоянавис ва дипломат. Борхеснинг тоғаси.

²² Борхес 86 ёшида Женевда, 1986 йил 15 июнь, шанба куни тунги соат 1.00 атрофида вафот этган.

²³Охра - сариқ ёки қизил тусли минерал бўёқ.

²⁴Кармин - кошениль деб аталадиган ҳашаротдан олинадиган оч қизил бўёқ.

²⁵Альтамира - Испаниянинг Сантандер вилоятидаги қадимий қоятош расмлари сақланган гор. Борхес бу шеърда Альтамира горигадаги каби кўплаб тошбитикларни чизган қадимги одам образини яратган.

²⁶Суматра - Малай архипелагининг ғарбий қисмидаги орол, Катта Зонд ороллари гуруҳида. Борхес, ҳойнаҳой, Суматра ўз ҳудудидаги ороллар ичида энг йириги бўлгани учун ҳам, айнан шу катталикини тегишли сатрдаги "бир қатра" кичиклигига қаршилантириб, шеърини санъат усулини қўллаган.

²⁷Детлев фон Лилиенкрон (нем. Detlev von Liliencron, 1844-1909) - буюк немис адиби.

²⁸Карфаген (финикийча: Картадашт - янги шаҳар) - Шимолий Африкадаги қадимги шаҳар-давлат (ҳозирги Тунис шаҳри атрофи). Финикийлар томонидан милoddан аввалги 825 йилда барпо қилинган. Борхес эътибор қаратганидек, бу шаҳар кўплаб босқинларга гувоҳ бўлган.

²⁹Ганга - ҳиндларнинг муқаддас дарёси.

³⁰Қайсари Рум (Цезарь Гай Юлий, мил.ав. 102 ёки 100-44) - Рим императори, саркарда, ёзувчи; 58-51-йилларда бутун Алып орти Галлиясини Римга бўйсундирган. Республикачиларнинг фитнаси натижасида ўлдирилган.

³¹Сфинкс - Юнон мифологиясидаги қаноти ярим аёл, ярим ургочи шер; Қадимги Мисрда танаси шерники, калласи одамники (баъзан ҳайвонники) бўлган афсонавий махлуқ ҳайкали ҳам Сфинкс деб юритилади.

³²Кўзгу - Борхес денгиз лабиринт, туш, атиргул рамзлари каби кўп қўллайдиган рамз.

³³Бу ўринда Борхес ижодий таҳайюли кўламининг нечоғлик кенглигини ҳисобга олиш лозим. Нега деганда, у ижод қилаётганида ўзини XIX асрнинг сўнги йилида туғилган реал инсон деб эмас, балки олис Урта асрларга мансуб афсонавий рицарлар ва донишлар қаторида фарз қилган. Шу боис Борхес шеърларида самон ва макон сарҳадлари ўз кучини йўқотади, қаҳрамонлик ва жўмардлик, буюк сиймоларни улуглаш, маърифат ва китобни қадрлаш каби умуминсоний ғоялар тараннум этилади, мисраларда тушлар ҳамда илоҳий сир-асрорларга чексиз қизиқиш бўртиб туради.

³⁴Манбаларга кўра, Хорхе Луис болалигиданок кўзойнак таққан, йигирма етти ёшида эса катаракта хасталиги туфайли кўзини илк бор операция қилдирган. Умри давомида саккизта жарроҳлик амалиёти ўтказганига қарамай, кўриш қобилиятини сақлаб қолишнинг имкони бўлмади - 55 ёшида кўрмай қолади. Борхес таржимаи ҳолини ўрганган айрим тадқиқотчилар адибнинг отаси Хорхе Гильермо Борхес ҳам оғир асоратли кўз касаллигидан азоб чекканига эътибор қаратган.

³⁵Русча таржимада "X.M." сарлавҳаси билан берилган ушбу шеър аслиятида "X.O"га (ингл. H.O.) бағишланган.

³⁶Дидро (Diderot) Дени (1713, Лангр - 1784, Париж) - француз файласуфи, ёзувчиси, маърифатпарвари. Фалсафий ва бадиий асарлар муаллифи.

³⁷"Ой ёғдуси" ("Clair de lune") - Поль Верленнинг илк достони. Кейинчалик ушбу асарга Габриэль Форэ томонидан мусиқа басталаниб, халқ орасида кенг оммалашган.

³⁸Поль Мари Верлен (фр. Paul Marie Verlaine, 1844-1896) - француз шоири, импрессионизм ва символизм адабий оқимларининг асосчиларидан.

³⁹Виктор Гюгонинг айнан шу номли асари бизга маълум эмас. Балки адибнинг "Денгиз захматкашлари" (фр. "Les Travaillieurs de la mer") деган машҳур романи назарда тутилгандир. Муаллиф Гернси оролида қувғиндалигида ёзилган мазкур асар 1866 йили чоп этил-

«Атиргуллар - асрий камсукулларим...»

ган бўлиб, унда бир балиқчининг кемани ҳалокатдан сақлаб қолиш чоғида кўрсатган жасорати ҳикоя қилинади.

⁴⁰Гюго (Hugo) Виктор Мари (1802, Безансон - 1885, Париж) - француз адиби, романтизмнинг йирик намояндаси.

⁴¹Бу ўринда Монтень қаламига мансуб "Тажрибалар" асарининг "Дўстлик тўғрисида" номли 29-боби кўзда тутилган бўлиши мумкин.

⁴²Мишель де Монтень (фр. Michel de Montaigne, 1533-1592) - машхур француз ёзувчиси ва Уйғониш даври файласуфи.

⁴³Бундай номдаги муаллиф ва асарни аниқлашнинг имкони бўлмади.

⁴⁴"Ролан ҳақда кўшиқ" (фр. La Chanson de Roland) - французларнинг қадимий ва энг машхур қаҳрамонлик дostonларидан бири.

⁴⁵Дюрандаль (фр. Durandal) - "Ролан ҳақда кўшиқ" дostonи қаҳрамони Роланнинг шамшири.

⁴⁶Идальго (испанча hidalgo) - ўрта асрларда Испаниядаги рицарларнинг маъна ва ўрта табақаси. XII асрнинг охирида пайдо бўлган бу истилоҳни машхур испан ёзувчиси Мигель де Сервантес Сааведра (Cervantes Saavedra, 1547, Алькала-де Энарес - 1616, Мадрид) ўзининг "Дон Кихот" романи бош қаҳрамонига нисбатан қўллаган.

⁴⁷Кихано - Дон Кихотнинг асл исми. Тақдир билан муроса қила олмайдиган, ҳар қандай адолатсизликка қарши курашга шай бўлган ушбу қаҳрамон образи ўз илдизлари билан XVI асрдаги испан "янги рицарь романлари", шунингдек, Италиядаги Уйғониш даври дostonлари ва чўпонлар ҳақидаги кўплаб ҳикояларга бориб тақалади. Аммо Сервантес бу асарларга хос қаҳрамон образини яратиш аънаналарини давом эттиришни эмас, балки ўзи яшаган даврда кенг тарқалган "янги рицарь романлари" устидан кулишни, уларга пародия қилишни ўзига мақсад қилиб олган. Айтилган пайтда ёзувчи воқеликка реалист ёзувчи сифатида ёндашиб, инсонпарварлик ғояларини тараннум қилган.

⁴⁸"Дон Кихот" романида тасвирланган идеал ва реал ҳодисалар, сохта қаҳрамонлик билан ҳақиқий жасорат, орзу-армон билан реал воқелик ўртасидаги кескин фарқ, айниқса, ушбу асар оламшумул шухрат қозонган XIX-XX асрларда кечган ижтимоий пўртаналар ва ҳаётий вазиятлардаги таназул моҳиятини ўзида ифодалаш қудратига эга бўлди.

⁴⁹Пиндор - (мил.ав. 522/518 - мил.ав.448/438) - Қадимги Юнонистоннинг машхур лирик шоирларидан бири.

⁵⁰Микенлик - Юнон тамаддуни ўчоқларидан ҳисобланувчи Микения шахри фуқароси.

⁵¹Форт (лот. fortis - мустаҳкам, кучли) - Фарбда қалъа, қўрғон, арк каби маъноларни англатади.

⁵²Хусто Хосе де Уркиса-и-Гарсия (1801-1870) - аргентиналик генерал ва сиёсатчи, 1854 йилдан 1860 йилга қадар Аргентина конфедерациясининг президенти бўлган.

⁵³Гераклит Эфеслик (Herakleitos Ephesios, мил.ав. тахм.544-483) - юнон файласуфи, Иония файласуфларидан бири. Гераклит оламни тўхтовсиз алангаланиб ва сўниб турувчи оловдан иборат деб билган. Унинг фикрича, ҳамма нарсалар оловдан пайдо бўлган ва ҳамма нарса оловга айланади. Гераклит оловни оламнинг асосида ётувчи бирламчи элемент, жонли ва ақлли куч деб ҳисоблаган, бошқа нарсалар эса оловнинг турли шаклларига айланган кўринишларидир. Барча нарсалар оловнинг қуюқлашуви ва сийраклашуви оқибатида вужудга келади. Гераклит дунёдаги ҳамма нарса абадий ҳаракат жараёнида, ҳамма нарса табиат қонунияти - "логос"га бўйсуниб, оқиб, ўзгариб туради, деган. Хусусан, Борхес шеърларига Гераклитнинг "айни бир дарёга икки марта тушиб бўлмайди", "биз кўриб турган ҳар кунги Куёш янги Куёш", "биз ўзимиз ҳам ҳар бир лаҳзада янгиланамиз" каби фалсафий фикрлари сингдирилганини кузатиш мумкин.



АМИР ТЕМУР УНВОНЛАРИ

Ўрта аср тарихий манбаларида Амир Темур кўплаб турли унвонлар соҳиби бўлганлигига гувоҳ бўлиш мумкин: Соҳибқирон, Амир, Бек, Жаҳонгир, Кўрагон (Гўрагон), Султон, Ҳоқон ва ҳоказо. Унинг нисба ва унвонларининг мазмун-моҳияти тарихий-этнографик адабиётларда яхлит тарзда ҳозиргача ўрганилмаган.

Соҳибқирон - Амир Темур замондошлари томонидан унинг толеига қараб берилган ном. Муштарий (Юпитер) ва Миррих (Марс)нинг бири-бирига яқинлашган ҳолати "Қирон буржи" дейилади. Амир Темур мазкур икки сайёранинг бир-бири билан яқинлашуви даврида тугилган. Қадимий эътиқодга кўра, бундай гўдак келажакда тожу тахт ва бахт-саодат эгаси бўлади. Муаррихлар фикрича, "қирон" юлдуз буржларининг бахтли келиши ҳар саккиз юз йилда бир марта кузатилади. Македониялик Искандар, Муҳаммад пайгамбар (с.а.в.) ҳамда Амир Темур ана шу вақтда таваллуд топишган. Темурбек "Етти иқлим соҳибқирони" (Ибн Арабшоҳ) ҳам деб аталган.

Пойтахтимиздаги Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқ қўлёзмалари марказида сақланаётган XIV аср ёрлиқларининг бири - "Тархон ёрлиғи"да Соҳибқирон муҳри қўйилган бўлиб, ўрта қисмида йирик ҳарфлар билан "Амир Темур Тарағай" деб ёзилган. Мазкур ёрлиқ шойи матога ёпиштирилган бўлиб, қуйидаги сўзлар битилган: "Абу-л Музаффар ва-л Мансур Амир Темур Баҳодирхон сўзим!"¹

Муаррих Муиниддин Натанзий ўз асарларида шундай ёзади: "Ҳазрат Султони Фозий ўз хуружи бошида, 772 (1370) йилда Суюрғатмишхон ибн Донишмандхонни подшоҳ қилиб келтирди. Шу тариқа ўн етти йил подшоҳ бўлиб, 789 (1387-1388) йилда касаллик туфайли вафот этди. Яна уч йил давомида Ҳазрат Султон Фозий унинг қилган хизматлари ва хотирасига

¹Р.Бойтуллаев, Г.Остонова. Мозий дафтарида саҳифалар. Т., 2010. 141-бет.

«Амир Темур унвонлари»

эҳтиром сифатида номини хутба ва пул зарбида зикр қилишни буюрди".²

Маълумки, Амир Темур Мовароуннаҳр ҳукмдори Қазогоннинг набираси, дастлабки даврида унинг иттифоқчиси бўлган Амир Ҳусайннинг синглиси бўлган Ўлжой Туркон оқага уйланган эди.

Амир Темур 1370 йил баҳорида Амир Ҳусайнни мағлуб этгач, унинг ҳарамидаги Қозонхоннинг қизи Сароймулк хоним (Бибихоним)ни никоҳига олган. Шундан сўнг Амир Темур "Кўрагон" (хоннинг куёви) унвонини олган. 1387 йилда Амир Темур Хизр Хўжахоннинг қизи Тўқал хоним (Кичик хоним) га уйланиб, икки марта "хоннинг куёви" бўлган. "Кўрагон", "Гўрагон" мўгулча куёв демақдир.

Соҳибқирон исмига бек сўзи ҳам қўшилиб, кўпинча Темурбек деб номланган.

Бек - туркий халқларнинг баъзиларида хонликлар даврида давлат арбобларига, шаҳар ва вилоят ҳокимларига, уларнинг болаларига берилган факрий унвон ҳамда шундай унвонга сазовор бўлган шахс.³

Бек (туркийча бег, бей) - ҳукмдор, жаноб маъноларини англатади, синоними амирдир. Қадимги туркларда хон хизматидаги алоҳида қисм вакиллари ҳам "бек" деб айтилган, улар катта мавқега эга бўлиб, олий ҳарбий табақани ташкил этган.

Бек - Туркистон халқларида давлат арбобининг болалари ва яқин қариндошларига берилган унвон ҳисобланган. Бек болалари - "бекзодалар" деб аталиб, улар ёшлик чоғлариданоқ махсус тарбиячилардан ҳарбий таълим олишган. Улар келгусида мамлакатни идора қилиш, душман ҳужумини қайтариш, мамлакат тараққиёти йўлида саъй-ҳаракатлар қилиш руҳида тарбияланган.

Ўтмишда туркий халқларда хондан кейинги энг юксак ҳарбий унвон бек ҳисобланиб, мўгуллардаги "нуён" ва араблардаги амир унвонига тенг ҳисобланган. Беклар улус бошлиқлари ҳисобланишган.

Чингизхон давлати қонунига биноан хонлар фақат чингизийлар авлодидан бўлиши шарт қилиб қўйилган эди. Шу боисдан ҳам Амир Темур улкан салтанат барпо қилган бўлса-да, ўзини "хон" деб атамаган. Соҳибқирон ўтмиш ҳаёти давомида "Темурбек" ёки "Амир Темур" деб аталган.

Бу масалада 1404 йил кузида Самарқанд шаҳрига Амир Темур саройига келган Испания элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг берган маълумоти ниҳоятда қимматлидир: "...Темурбекнинг асл исми биз атаганимиздек Темурлан эмас, Темурбекдир. Чунки Темурбек уларнинг ўз тилида "Темур подшо" дегани, подшо эса уларнинг тилида "бек". Темурлан юқоридагига

²Муиниддин Натанзий. Мунтахаб ут-таворихи муиний. (Муиний тарихи танланмаси). Т., 2011. 225-226-бетлар.

³Ўзбек тилининг изоҳли луғати 1-ж., Т., 2006. 213-бет.

⁴ЎзМЭ, 1-ж. Т., 2000. 680-бет.

«Амир Темур унвонлари»

батамом тескари маънони англатади. Уни таҳқирлаш маъносида Темурлан, яъни оқсоқ Темур деб атайдилар".⁵ Элчи ўз кундаликларида, асосан "Темурбек", "Соҳибқирон" атамаларини қўллаган. Клавихо "Буюк Темур" атамасини ҳам ишлатган.

Соҳибқироннинг замондошлари уни Амир Темур эмас, Темурбек деб аташган. "Бек" қўшимчаси ҳақиқий туркий унвон бўлиб, арабча "амир" - ҳукмдор, фармон берувчи маъносини англатади.

Мовароуннаҳрда туркий тилда ёзилган асарларнинг деярли барчасида жаҳонгирнинг муберак номи Темурбек шаклида ёзилган. "Бобурнома"да 30 марта Темурбек номи тилга олинган. Алишер Навоий асарларида, Муҳаммад Солиҳнинг "Шайбонийнома" дostonида, шунингдек "Таворихи гузида нусратнома" асарида (XVI аср)да ҳам шу тарзда берилган.

Шунингдек, Англия қироли Генрих IV нинг ва 1402 йилда Франция қироли Карл VI нинг 1403 йил 15 июнда Соҳибқиронга йўллаган мактубларида ҳам жаҳонгирнинг номи Темурбек шаклида келтирилган.⁶

Темурбек ўз номи билан аталган улкан давлатга асос солган бўлса-да, бу ҳақда ўзи шундай хитоб қилган эди: "Биз ким мулки Турон, амири Туркистонмиз, бизким - миллатларнинг энг қадими ва энг улуғи Туркнинг бош бўғинимиз!".

Шунингдек манбаларда Амир Темур султон унвони билан ҳам қайд этилган.

Султон (араб. ҳукмдор, подшоҳ) - мусулмон давлатлари бошлиқларининг унвони. X асрда Ислом мамлакатларида ҳукмдор султон деб юритилган. Шоҳлар, хонлар ва уларнинг фарзандлари исмига султон сўзи қўшиб айтилган. Хоразмшоҳлар, Ғазнавийлар сингари мустақил давлат ҳукмдорлари ҳам султон атамаси билан номланган. Мўғул истилосидан кейин Чингизхон хонадонининг ҳар бир вакили султон деб аталган. Бу атама Темуррийлар салтанатида ҳам кенг истеъмолда бўлган. Кишилар исмининг таркибий қисми; Султон Санжар, Султон Муҳаммад.⁷

1391 йил март ойининг охирида Олтин Ўрда хони Тўхтамишхонни таъқиб қилган Амир Темур шимолий Қозоғистондаги Улуғ (Олтин чўққи) тоғи ёнидаги Қарсақпай кони яқинидаги тошга бу ердан "Турон султони Темурбек" 200 минг кишилик қўшин билан сафарга чиққанлиги ва нишон сифатида қўрган бунёд эттирганлиги чигатой-туркий тилда ёзиб қолдирган эди. Ушбу битик тош ҳозирда Россия Федерациясининг Санкт-Петербург шаҳридаги Давлат Эрмитажи Ўрта Осиё бўлимида сақланмоқда.

Эътибор берилса, битикда Темурбек ўз салтанатини "Турон" деб ата-

⁵Руи Гонсалес де Клавихо. Самарқандга - Амир Темур саройига саёҳат кундалиги. (1403-1406 йиллар). Т.2010. 99-бет.

⁶А.Дадабоев. Амир Темур ҳарбий маҳорати. Т., 1996, 4-5-бетлар.

⁷ЎзМЭ, 8 ж., 2004. 123-бет.

«Амир Темур унвонлари»

ган. Темурбек мамлакати аслида шундай деб аталган эди. Мазкур матнда ҳукмдор ўзининг "Туроннинг султони", отини эса "Темурбек" деган. "Туроннинг беги Темурбек". Султоннинг оти туркий тилдаги бошқа ҳужжатларда ҳам шундай аталган. Масалан, Султон Абу Саййиднинг уйғур васиқасида у "Соҳибқирон Темурбек, Бег, Соҳибқирон Бег, Темурбек" тарзида берилган. Мазкур битик араб хатида эмас, балки қадимги уйғур ёзуви ва туркий тилдадир. Шунингдек, Темурбек "Етти иқлим султони" деб ҳам аталган.⁸

Муаррих Фасиҳ Аҳмад Хавофий Темурбекни ва ундан кейинги ўгли Шоҳруҳ Мирзони "хоқон" деб атаган. Бу унвон ҳам Амир Темурнинг ижтимоий ва давлат ҳаётидаги мавқеини айнан акс эттирган. Француз тадқиқотчиси Льюсен Керэн ёзади: "Ҳаққоний исми Темурбек туркчадан айнан таржима қилганда "Темур хоқон" бўлмиш Амир Темурни яхши билмаслигимизнинг сабаби у ҳақдаги тарихий маълумотлар йўқлигида эмас, унинг набираси Иброҳим Султон бошчилигида 1424 йилда ёзилган "Зафарнома" фикрларимизнинг далилидир".⁹

Академик И.Мўминов муаррих Шарафуддин Али Яздийнинг Амир Темурни Соҳибқирон - буюк бахт юлдузининг эъаси; Ҳумоюн - шавкатли комкори офтоб турк, Турон давлатининг қудратли қилган; он ҳазрат - улугвор шоҳ деб ҳам таърифлаганини келтирган.¹⁰ Шунингдек, Яздий Амир Темурнинг насабини яна қуйидагича таъкин қилган: муаззам султон; адолатлию карамли хоқон; Оллоҳнинг машойихларидан бири; сув билан лойнинг қаҳрамони; саҳоватли подшоҳ, (Оллоҳ) кўмаги билан қўллаб-қувватланган ҳақиқату салтанат ва дунё-ю дин кутби Абул Музаффар Темур Кўрагон ...¹¹

Араб муаррихи Ибн Арабшоҳ ёзади: "Унинг лақабларини қўшганларида, Темурни етти иқлим соҳиб қурони, ёру сувни идора қиладиган (зот), подшоҳлару султонлар жаҳонгири деб атадилар".¹²

Жаҳонгир - жаҳонга ҳукмронлик қилувчи демақдир. Британия энциклопедиясида (23-жилд, 1902 йил) Амир Темур "Шарқ жаҳонгири" деб тилга олинган. Европа ва АҚШ қомусларида ҳам Соҳибқирон "Марказий Осиё жаҳонгири" деб қайд этилган.

Шунингдек, Амир Темур бундан ташқари ҳам кўпдан-кўп унвон ва мартабаларга сазовор бўлган ва аталган: Қутби олий - олий салтанат қироли;

⁸Қ.Содиқов. Темурийлар давлатининг расмий ёзуви. - Темурийлар салтанатида давлатчилик ва Ренессанс. Т., 2007, 21-22-бетлар.

⁹Льюсен Керэн. Амир Темур салтанати. Т., 1999. 8-бет.

¹⁰ И.Мўминов. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. 2-нашри Т., 1993. 54-бет.

¹¹ Амир Темур аجدодлари. Т., 1992. 31-бет.

¹²Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. К-2. У.Уватов нашрга тайёрлаган. Т., 1992. 66-бет.

«Амир Темур унвонлари»

Абу-л Мансур – лугавий маъноси зафар, галаба қозонувчи, фотиҳлар отаси - уламолар ва машойихлар томонидан Темурбекка берилган фахрли унвон Зафарли ёки Зафарёр бўлган. Ва Соҳибқирон "Он ҳазрат" - "Ҳазрати олийлари"; "Ҳазрати соҳибқирон", "Ҳазрат соҳибқирон динпарвар", "Соҳибқирони саодатмонанд", "Соҳибқирон саодатнишон", "Соҳибқирон конкор" (бахтли), "Соҳибқирон мамлакатистон", "Соҳибқирон гитистон" (жаҳонгир), "Соҳибқирон гардинамол", "Соҳибқирон сарафроз", "ҳумоююн ҳазрат", "аъло ҳазрат", "ҳумоююн хотир", "улуғ ҳазрат", "ҳумоююн соҳибқирон", "ҳазрат соҳибқирон", "садоқатли ҳазрат соҳибқирон", "жаҳонгир ҳазрат соҳибқирон", "ҳумоююн маъкаб", (шаҳаншоҳ суворий), "жаҳонгир байроқ", "нусрати шиор байроқ", "галаба нишонли байроқ", "бахтли султон", "кўнгли

денгиз мисоли кенг ҳазрати соҳибқирон", "денгиздай сарховатли соҳибқирон", "салтанат тахтининг қароргоҳи", "бахтли соҳибқирон", "динпарвар", "парвардигори олам", "Турк давлатининг буюк қуёши" (Шарафиддин Али Яздий), "Дин ва дунё қутби"; "Қутби миллат"; "Амир Темур қутби салтанату



олий"; "Қутбиддин"; "Давр пешвоси"; Султон Соҳибқирон; Амир Соҳибқирон; Ҳазрати Султон Соҳибқирон; Ҳазрати Султон Фолиб; Шоҳи Ғозий; Султони Ғозий - (дин учун курашувчи султон), (Муиниддин Натанзий), "Соҳибзи Зухур" - адолатли ҳукмдор ва давлат арбоби (Мир Саййид Барака), "Султонлар султони", "Ҳумоююн жилов" (Ҳофизи Абрў), "Амир Соҳибқирон Амир Темур Кўрагон", "Султон соҳибқирон", "Ҳазрат амир", "Ҳазратлари олий амир Соҳибқирон", "Араб ва ажам халқларининг улуғ ҳомийси - буюк амир", "Амир Соҳибқирон" (Фасиҳ Ҳавофий) "Фотиҳ Темур", "Амир Соҳибқирон саййид ул хоқон", яъни Искандари соний Амир Темур Кўрагон, ("Темурнома"), "Хусрав Жаҳонгир" (Хондамир), "Фирдавс макон, дину дунё қутби, шаҳриёр Амир Темур Кўрагон", (Ҳофиз Таниш Бухорий), "Амири Туркистон" (Туркистон амири), "Абдуллоҳ Темур" (Муҳаммад Амин Шайху), "Етти иқлимнинг музаффар султони" (Ҳильда Хук-

«Амир Темур унвонлари»

хэм) каби унвонларга ҳам эга бўлганлиги манбаларда муҳрланган.


1398 йил октябрь ойида Темурбек Ҳиндистонга юриши вақтида Зардушт қабиласи оқсоқоли Занту ҳимоя қилишини сўраб, суҳбатлашади. Суҳбатда Занту Темурбекни "састар" унвони билан атайти. Зардуштийларда састар юрт ҳукмдори демақдир.¹³

Амир Темур тарихий манбаларда Темур, Темурбек, Амир Темур ва Соҳибқирон номлари билан бир қаторда Амир Темур Кўрагон, Соҳиб Жаҳон (Олам эгаси) ҳамда Соҳиб адл (адолат соҳиб) каби улуг ва қутлуг номлар билан тилга олинади. Арабий, форсий асарларда у Темурланг деб аталиб, Европа манбаларида Темурлан номи билан шуҳрат топган.¹⁴

Кўриниб турибдики, буюк ҳукмдор Амир Темур кўплаб унвонларга эга бўлган. Бу турли тарихий манба ва адабиётларда қайд этилган. Албатта, Соҳибқирон ва во-рислари Чингизхон авлодидан бўлмаганликлари учун ўша давр одатига кўра амир ёки бек мансабида бўлишса-да, аслида марказлашган давлатнинг ҳақиқий ва чинакам бошлиқлари ҳисобланишган.

Президентимиз Ислон Каримов буюк бобомизни "... юлдузлар аро қуёшдек чарақлаб турган бир буюк зот" деб таърифлаган эди.¹⁵ Темурбек бобомизни бундан зиёд таърифлашнинг асло имконияти йўқ, албатта.

Хуллас, кўплаб унвонларга эга бўлса-да, кўпинча кундалик ҳаётда ва манбаларда Темурбек, Амир Темур, Соҳибқирон Амир Темур деб аталганлиги қайд этилганки, биз ҳам бобомизни ана шундай муборак номлари ва унвонлари билан доимо фахр ва гурур билан тилга оламиз ҳамда эъзозлаймиз.



¹³ Ҳ.Содиқов. Амир Темур салтанатида хавфсизлик хизмати. Т., 2010. 337-339-бетлар.

¹⁴ А.Муҳаммаджонов, Қ.Ражабов. Амир Темур\ Т., 2013. 6-бет

¹⁵ Ислон Каримов. Амир Темур ҳақида сўз. Т., 1996. 24-бет

АМИР ТЕМУР ДАВРИДА СОЛИҚ СИЁСАТИ



Иқтисодий муносабатларнинг тафтиш, тергов ишларини ҳам энг қадимий шакли солиқлар олиб бориш вазифалари ҳисобланиб, унинг вужудга келиши жамиятнинг эҳтиёжи билан боғлиқ бўлган.

Амир Темур даврида Мовароуннаҳр давлатининг иқтисодий аҳволи ўнгланиб, халқнинг турмуш кечириши яхшиланган. Мамлакат даромадларини шаклантириш ва харажатларини амалга ошириш, умуман солиқ-бюджет сиёсатини амалга оширишда такомиллашган ўзига хос мактаб яратилган.

Салтанатда Девони бузург, яъни Бош вазирдан ташқари, ҳар бир вилоятда Девон дейилувчи бошқарма бўлган. Мазкур бошқарманинг асосий вазифаси қилиб солиқ йиғиш, тартиб сақлаш, ижтимоий бинолар - бозорлар, ҳаммомлар, йўллар, сув иншоотлари тармоқларини назорат қилиш, ҳамда халқнинг хулқу ахлоқини кузатиб туриш,

Амир Темур давлатини бошқариш учун бир неча вазирлар фаолият курсатган. Шундай вазирлардан биричиси - ер солиқларини, бож, ўлпой-солиқ ундириш, ҳамма миқшаблик юмушларини бошқарган, мамлакатдаги муҳим ишларни, кундалик муаммоларни, раият (солиқ тўловчи аҳоли; қора халқ) аҳволини вилоятлардан олинган ҳосил, солиқ, ўлпонларни тақсимлаган. Биринчи вазирнинг зиммасига солиқ сиёсатидай муҳим вазифанинг бириктириб қўйилганлиги салтанатда солиқ ишларига бўлган муносабатларнинг юқорилигидан далолат беради.

Биринчи вазирдан ташқари яна учинчи вазирга ҳам солиққа оид вазифалар, яъни эгасиз бўлган, марҳумларга ва қочганларга тегишли мол-мулкларни, келиб кетаёт-

«Амир Темур даврида солиқ сиёсати»

ган савдогарлар мол-мулкидан олин-
надиган закот ва божларни, мам-
лакат чорвасини бошқариш, бу-
ларнинг барчасидан тўпланган да-
ромадларни омонат тарзида сақ-
лаш, агар гойиб бўлганлар ва ва-
фот этганларнинг мол-мулки бўлса,
уларни ўз меросхўрларига топши-
риш вазифалари топширилган.

Солиқ йиғувчилар Закотчи деб,
молия ишларини идора қилувчи
мансабдор Муставфий деб, олиқ-
солиқ йиғувчи мансабдор эса Омил
деб аталган. Омил вазифа жиҳати-
дан Муставфийга бўйсунган.

Амир Темур даврида ерга эга-
ликнинг бешта асосий кўриниши
мавжуд бўлган. Уларнинг бирин-
чиси Суюргол ерлар деб аталган.
Суюргол - инъом, совға. Амирлар,
шахзодалар, йирик мансабдор ва
кўзга кўринган шайхларга,
шунингдек, йирик мусулмон рухо-
нийларга тожу-тахт олдига
кўрсатган катта хизматлари
эвазига хон ва подшоҳлар
томонидан қилинадиган турли-
туман инъом; ер-сув, ўлик мол,
кийим-кечак, наслдор отлар ва
ҳоказоларни бирдирган. Катта
ҳажмдаги бу ерлар давлат томони-
дан ажратиб берилиб, бир авлод-
дан иккинчисига ўтган. Суюргол
ер эгаси солиқлардан озод қилин-
ган. Ушбу ер эгалари деҳқонлар-
ни ишлатиб, ер солиғи - хирож ол-
ганлар.

Иккинчи кўринишдаги ерлар
Хархон ерлар деб аталган бўлиб,
бу ерлар хусусий мулк қилиб

одамларга бирон-бир хизмати учун
берилган.

Учинчи кўринишдаги ерлар
Ушр ерлар деб аталган. Бундай
ерлар Саййид ва хўжаларга
мансуб ерлар бўлган. Ушр ерлар-
дан олинган ҳосилнинг ўндан бир
қисми давлатга берилган.

Тўртинчи кўринишдаги ерлар
Вақф ерлар деб аталган. Бу ерлар
масжид, мадраса, хонақоҳ, мазор
ва бошқа шунга ўхшаш жойларга
оид ерлар бўлган. Вақф - подшоҳ,
хон ва умуман бой-бадавлат одам-
лар томонидан масжид, мадраса,
хонақоҳ ва мазорларга қилинади-
ган катта хайр-эҳсонларни,
шунингдек ер-сув, дўкон, корхона,
умуман ўлик молларни билдирган.

Бешинчи кўринишдаги ерлар
аскарларга, аскарларнинг раҳбар-
ларига бериладиган ерлар бўлган.
Амир Темур давлатидаги солиқ
тизимини кимдаким бирон саҳро-
ни обод қилса ёки кориз (ер ости
сувларини тортиб чиқариш учун
қурилган иншоот) қурса ё бирон
боғ кўкартирса ёхуд бирон хароб
ётган жойни обод қилганларга ҳам
солиқ ундиришда имтиёзлар бе-
рилган. Жумладан, ердан бирин-
чи йили олинган ҳосилдан раият-
дан ҳеч нарса олинмаган. Иккин-
чи йили олинган ҳосилдан раият-
нинг ўз розилиғи билан бергани
олинган. Учинчи йили эса олинган
ҳосилдан солиқ қонун-қоидалари-
га мувофиқ хирож йиғилган.

Амир Темур ва Темурийлар дав-
рида "Тархон" деб номланган бир

«Амир Темур даврида солиқ сиёсати»

унвон бўлган. Бу унвон салтанатга хизмати сингган амирларга берилган имтиёзли унвон бўлган. Унвон эгалари олиқ-солиқлардан деярли озод қилинганлар, подшоҳ олдига бемалол кириш ҳуқуқига эга бўлганлар.

Амир Темур давлатининг иқтисодий таянчи бўлган солиқлар турларга бўлиниб йиғилган. Жумладан, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, ер солиғи - *Хирож*, жон бошидан олинадиган солиқ - *Сари шумор*, ҳар бир хонадондан олинадиган солиқ - *Хона шумор*, нақд пул ва маҳсулот билан тўланадиган солиқ - *Молу жиҳод*, урушда мағлуб бўлган тараф халқидан *Ғолиб тў* мон фойдасига ундириладиган махсус тўлов - *Молу омон* ва ҳоказолар тарзида бўлган.

Давлатда солиқлар, бундан ташқари такомиллашган тизим яратилганлиги боис солиқлар турларга бўлиниб йиғилгани каби харажатлар ҳам маълум харажат турлари бўйича сарф қилинган, ёки даромадларнинг аниқ турлари ҳамда харажатларнинг аниқ турлари ва мақсадлари шакллантирилган. Масалан, шаҳар аҳолисидан олинадиган солиқлардан йиғилган хазинадан ва подшолик мулки даромадидан ўнбоши, юзбошиларга нақд пул шаклида маош тўланган.

Мингбошиларга эса вилоят ичидаги ерлардан тиюл, яъни хирож ва солиқ йиғиб олиш ҳақи билан инъом этилган ер-мулклардан берилган. Амирлар ва амир ул-ума-

роларга вилоятлардан бири тиюл этиб белгиланган.

Темур вилоятлардан тушган даромадларни тақсимлаш ҳақида шундай деган эди: "Вилоятлар ва мамлакатлардан олинган жами даромадни тақсимлаб, маош бериш ёрлиқларига бирига кам, бирига ортиқ қилиб ёзсинлар. Сўнг ёрлиқлар девонхонага келтирилсин. Амирлар, мингбошилар шу ёрлиқлардан бирини чиқариб олсин".

Амирлар, мингбошилар раиятдан молу жиҳод, яъни нақд пул ва маҳсулот билан тўланадиган солиқ йиққанларида, хирождан ортиқча соварий, яъни подшоҳ, хонлар ўз вилоятларидан ўтаётганларида, халқдан талаб қилинадиган тортиқлар қўналга, яъни чопарлар ва элчиларга қўноқ бериш солиғи ва шилон, подшоҳлар ва амирларнинг овқати учун йиғиладиган солиқ талаб қилинмаган.

Тиюл қилиб берилган ҳар бир мамлакатга иккитадан вазир тайинланган. Уларнинг биринчиси вилоятдан йиғилган молларни ёзиб, раият аҳволини текшириб туриб, тиюл эгаси, яъни жогирдорнинг фуқароларга зулм етказмасин учун уларнинг ҳолидан хабардор бўлиб, йиғилган бутун мол-ашёларни крим дафтарига ёзган. Иккинчиси, даромаднинг харж этилган қисмини чиқим дафтарига ёзиб, йиғилган моллардан сипоҳийларнинг маошига тақсим қилган. Амир Темур бу ишлар ҳақида яна қуйидагиларни ёзган: "Қайси амирга тиюл

«Амир Темур даврида солиқ сиёсати»

берилар экан, уни уч йилгача ўз ҳолига қўйсинлар. Уч йил ўтгандан сўнг уни текшириб кўрсинлар. Агар мамлакат обод, раият рози экан, шу ҳолича қолдирсинлар. Агар аҳвол бунга хилоф равишда бўлса, ул вилоятни холиса, яъни давлат ихтиёридаги барча солиқлардан озод этилган ер-сувга ўтказиб, уч йилгача ўша жогирдорга улуфа берилмасин».

Соҳибқирон бошқа мамлакатларни фатҳ этишда тўпланадиган мол-дунёни, олинадиган бож-солиқларни хайрли мақсадлар учун сарф қилган. Пири Амир Шамсиддин Кулол ҳақида: "Улар менга Хоразмга боришимни маслаҳат бердилар. Агар ғалаба қозонсам, Самарқанднинг бир йиллик хирожини уларга назр қилишга қарор қилдим" - дейди.

Маълумки, хирож - ер солиғи учун ва умуман даромад солиғи учун қўланилган истилоҳ. Айрим ҳолларда даромаднинг учдан бирини хирож ташкил этганлигини инобатга оладиган бўлсак, Амир Темур хайрли мақсадлар учун катта маблағ сарф қилганлиги маълум бўлади. Шунингдек, хирожни "мол" ҳам деб аталган. Раиятга ҳақ-ноҳақ жарималар солувчи вазир салтанатни хароб қилади, деган эди у.

Салтанатда бозор аҳлидан

солиқ олиш қалъа бошлиғи зиммасига юкланган. Солиқ олиш қондаси Қуръони Карим таълимотига мувофиқ амалга оширилган.

Шариат қонун-қоидаларига қаттиқ амал қиладиган Амир Темур мамлакатда халқдан олинадиган олиқ-солиқларни тартибга келтиради. Мамлакат тараққиёти учун гов бўлиб турган мўғуллар даврида ҳунармандлар ва савдогарлар учун жорий қилинган тамга солиғини ҳамда жузья (ғайри динлардан олинадиган жон боши солиғи)ни бекор қилади.



Мамлакатда тамга солиғининг бекор қилиниши ҳунармандчилик ва савдо-сотик ишларининг жадал ривожланишига олиб келади. Ҳунармандчилик ишларининг Мовароуннаҳрда ва айниқса, мамлакат пойтахти бўлган Самарқандда ривожланганлигини Ибн Арабшоҳ ва Клавихолар ўзларининг асарларида ёзиб қолдирганлар.

Бундан ташқари Амир Темур


«Амир Темур даврида солиқ сиёсати»


Англия Франция қироллари билан музокаралар олиб бориб халқаро савдо алоқаларини ривожлантирган. Рим билан Хитойни бирига боғлаган Марказий Осиё ҳудудидан ўтадиган Буюк Ипак йўлида карванларнинг хавфсизлигини таъминлаган.

Амир Темур солиқларнинг давлат бошқарувида ўта муҳим аҳамиятга эга эканлигини англаган давлат арбоби бўлган. Раиятдан молхирож йиғишда уларни хонавайрон қилишдан сақланган. Амир-Темур бу хусусда: "Негаки раиятни хонавайрон қилиш давлат хазинасининг камбағаллашишига олиб келади. Хазинанинг камайиб қолиши эса, сипоҳнинг тарқалиб кетишига сабаб бўлади. Сипоҳнинг тарқоқлиги, ўз навбатида, салтанатнинг кучсизланишига олиб боради. Фатҳ этилган ерлик фуқаро азалдан бериб келган хирож миқдорига рози бўлса, уларнинг розилиги билан иш кўрсинлар. Хирожни экиндан олинган ҳосилга ва ернинг унумдорлигига қараб йиғсинлар.

Фатҳ этилган ҳар бир мамлакатнинг мол-мулкани, буюмларини талон-торождан сақласинлар. Ўша мамлакатдан тушган ўлжа молларни ҳисоб-китоб қилсинлар" - деган эди.

Амир Темур даврида солиқ-бюджет сиёсатининг давлат сиёсати даражасида юритилганлиги ва бу иқтисодий тушунчаларнинг янада такомиллашиб, бизгача етиб келганлиги, иқтисодий соҳада бой тарихга эга эканлигимиздан далолатдир. Уларнинг мазмун - моҳияти сақланиб қолганлиги биз учун қимматлидир.





БУХОРО ХОНЛИГИ ОЧЕРКЛАРИ

(Боши ўтган сонда)

Маймана қишлоғидан кўчиб юривчи қумликлар бошланади. Кўчиб юривчи қумликлар ўртасидаги барханларда қашшоқ ва сувсиз, яшил ўтларсиз ва кўринишидан гамгин Хўжамуборак қишлоғи жойлашган. Бирон-бир жойда дарахт йўқ! Хўжамуборак Қарши ва Бухоро ўртасидаги катта савдо йўлида карвонларнинг тўхтаб, дам оладиган жойи вазифасини ўтайди. Шунинг учун ҳам бу ерда на дала, на томорқа, на бог кўрасиз. Унинг ўрнига ўтаётган карвонлар учун сарой ва катта бозор бор. Бозор эса турли таомлар сетадиган расталар ва чойхонадан иборат.

Шаҳрисабздан Қаршигача қилган сафаримиз чоғида йилнинг охири, октябрь ойининг туташ икки даври бўлишига қарамасдан об-ҳаво ёздагидек эди. Айниқса, 22 октябрь куни жуда иссиқ бўлди. Қуёш худди ёз пайтидаги сингари қиздирарди. Ҳатто тунда ҳам ҳаво иссиқ эди. 23 октябрда тонг отиши билан ҳаво яна қизиб кетди. Жанубий томондан, дашт қаъридан иссиқ шамол кўтарилиб, соат сайин кучаймоқда эди.

Ҳавода қандайдир гайритабиий оғирлик пайдо бўлди. Айниқса, шу бугун ёпишиб олган сўналардан бошини

тинимсиз силкитиб пишқираётган отлар ҳам эринчоқлик билан оғир қадамлар ташлай бошлашди.

Булутсиз осмонда энли ва оппоқ йўналиш бўлиб жингалаксимон пат булутлар пайдо бўла бошлади. Булутлар тўдаси қандай пайдо бўлишини қизиқиш билан кузатиб турдим. Улар дастлаб пастдаги ҳавонинг нам қатламидан тепага кўтарилач, афтидан совуқ ҳаво қатлами билан тўқнашиб, патли булутларга ёқиб кўзичоқсимон барра булутларга айланар эди. Эсаётган шамол кучайиб, куннинг иккинчи ярмида уфқни туман ўраб олди ва қуёш нурлари ҳам сўниб, қуёшнинг ўзи ҳам зўрга кўринар эди. Бизга Хива сафари пайтидан таниш бўлган қум бўрони бошланган эди.

Жануб шамолининг шиддати чанг ва қумнинг саноқсиз заррачаларини осмонга учирмоқда эди.

1873 йилнинг ёзида Хол отада турган пайтимизда бизни шундай бўрон толиқтирган эди. Ушанда ҳам эрталаб булутсиз осмон ва чарақлаган қуёш кўриниб турган эди.

Соат 9-10 ларда эса шамол туриб, осмонни чанг тўзон ва қум қоплаб олиб, қоп-қоронғу бўлиб қолганди.

Рус тилидан Исмоил Ботиров таржимаси.

«Бухоро хонлиги очерклари»

Қуёш ботгунга қадар ҳавода қуп-қуруқ чангли туман турган эди¹.

Ҳозир ҳам худди шундай бўлди. Бахтимизга Маймана қишлоғи яқинидаги довондан ўтганимиздан сўнг ҳаво айниди. Биз тунанишни мўлжаллаган Хўжамубораққача бор-йўғи 1 тош қолган эди.

Эртаси кун 23 октябрда эса ҳавони булут босиб, ёмғир ёғди.

Аммо кечаси ҳаво очилиб кетди. Шамол ўз йўналишини ўзгартириб, шимолдан эса бошлади ва эрталаб соат 7 да ҳаво ҳарорати тўрт даража совуқ эди!

Кўлмак жойлар муз билан қопланиб, фақат пешинга яқин эриди. Қуёш нурлари тушмайдиган жойларда эса муз, кун узоғи турди. Ҳаво ҳароратининг бундай кескин ўзгаришини фақат Урта Осиёнинг даштларидагина кузатиш мумкин!

Хўжамуборақдан 15 версть узоқликда усти майда қум билан қопланган дарёнинг қуйилиш жойига чиқдик. Бу сув мўл бўлган йиллари Қашқадарёнинг суви қуйиладиган сўнгги чегараси бўлиб, Қулмойи кўли (балиқ кўли) эди. Бу кўл "балиқ кўли" деб аталишининг асосий сабаби унга Қашқадарё суви орқали кўплаб балиқлар оқиб келади.

Қулмойи суви қуриб қолган пайтларда сувсизликдан ўлиб қолган балиқларнинг хиди атрофдаги ерларни босиб, ҳавони заҳарлайди. Баҳорда ва ҳатто ёз мавсумининг бошларида ҳам карвонлар Қулмойини айланиб ўтишга ҳаракат қиладилар.

Қулмойи қиргоқлари унча баланд бўлмаган қум барханлари билан қоп-

ланган. Худди шундай бутасимон ўсимликлар учун хос бўлган барханлар билан Қарши даштининг барча қумлик майдонлари қопланган. Бу барханлар узун-узун қаторлардан иборат бўлиб, Амударё оқимига нисбатан перпендикуляр ҳолда жойлашган. Баъзи жойларда қумликлар қаттиқ, лоили тупроқлар билан алмашса, баъзи жойлардаги кенгликларда текис, юмшоқ жойга айланади. Арава юрадиган йўл арава излари қолдирган чуқурлардан ўтиб борар эди. Бухоро савдогарларнинг эҳтиёжлари ва манфаати учун гамхўр Абдуллаҳон томонидан қурилган кўплаб сардобалар ва работлар йўлимизда учрар эди.

Бу ердаги сардобалар ҳозир ҳам яхши ҳолатда сақланган бўлиб, ичи тозаланган сув билан тўлдирилган. Сув атрофдаги табиий ёки сунъий дарё ўзани ўрнидан олиниб, сув сақланадиган идишларга солиниб, нисбатан ернинг қуйи қисмида жойлаштириб қўйилган.

Шу тариқа йўловчи учун ниҳоятда қимматли бўлган табиий ёмғир суви беҳудага йўқолиб кетмас эди. Ёз ўрталарига келиб, сув, албатта, айний бошлайди. Аммо, биз келишимиздан бир неча кун олдин ёғиб ўтган ёмғир сардобанинг сувини тозалаган ва шу сабабли одамлар ҳам, отлар ҳам сувни маза қилиб ичишди. Хўжамуборақдан 3,5 тош узоқликда Қақир деган жойда сув сероб сардоба жойлашган. Худди шу ерда пишган гиштдан қурилган карвонсарой бўлиб, ташқи кўринишидан бекларбеги саройига ўхшайди. (Ҳозирда алоқа станциясига айлантирилган Чимкентдан 30

¹Қуруқ туман баъзида узоқдан келади. Масалан, Тошкентда мен бир неча мартаба шундай ҳодисани кузатган эдим. Ҳозиргина қор ёғиб ўтганидан сўнг булутсиз ва очик осмонни қоп-қора чанг қоплаб олди. Бу ҳавонинг юқори қатламидан келган қуруқ туман бўлиб, шамол тингач, пастга тушган эди.

версть узоқликда). Қақирдаги сардоба ўзининг меъморий ечими жиҳатидан Бухоронинг бошқа сардобаларидан бир-мунча фарқ қилади.

Сардобаларнинг умумий кўриниши-ни ҳар бир киши билади. Бу пишган гиштдан қурилган ярим айлана шаклда бўлиб, узоқдан улкан асалари уясига ўхшаб кетади. Гумбазсимон шаклдаги қурилманинг устки қисмида турли хил кириши мумкин бўлган қум заррачаларидан ҳимоя қилувчи қопқоқча ўрнатилган. Гумбаз атрофи ергача тегиб турадиган деразалар билан қопланган бўлиб, дарвозаси сув билан тўлдирилган гумбазнинг ичкарасига олиб киради. Барча сардобалар ана шундай кўринишда. Аммо Қақирдаги сардобанинг ён томонидан ўзига хос ташқи кўринишга эга тўртта деразали унча катта бўлмаган хона қўшимча равишда қурилган.

Сардобадан қўшимча қурилган бинога отларни сугориш учун ариқ тортилган. Сардоба тузилиши оддий, чиройли ва мақсадга мувофиқдир.

Умуман, Бухоро даштлардаги сардоба ва работлар ҳар бир кишида олий даражада таассурот қолдиради.

Қақир сардобасидан 2,5 тош узоқликда Қарши даштининг марказий карвонсаройи Қоровулбозор жойлашган. Машҳур Абдулаҳон томонидан қурилган ҳашаматли бино узоқдан кўриниб туради.

Карвонсаройнинг бош фасади рангли кошнлар билан безатилган бўлиб, ҳатто ҳозир ҳам ярим хароба ҳолатда бўлишига қарамасдан ўзига хос гўзаллиги билан ажралиб туради. Вақт ўтиши билан карвонсаройнинг ички қисми бу ерга ташриф буюрувчиларнинг лоқайдлиги туфайли анча зарарланган. Катта ҳовли майдони турли хил ахлат ва синиқ гиштлар билан тўлиб кетган.

Карвонларни кузатиб келган одамлар учун мўлжалланган хоналар ичини ахлатлар босиб ётибди. Карвонсаройнинг ташқи томонида лойдан қилинган ва усти бир амаллаб ёпилган дашт бозорининг ғарибона савдо дўконлари жойлашган. Унча узоқ бўлмаган жойда эса чучук сувли сардоба ҳамда ичиб бўлмайдиган, шўр ва аччиқ сувга тўлдирилган қудуқ бор. Ёзда Қоровулбозорда бир неча юз Бухоро сарбозлари Қарши даштини туркман қароқчиларининг хужумидан ҳимоя қилишади.

Қоровулбозорда жойлашган қўшинлардан юз киши Қақирга ва яна юз киши Хўжамуборакка бўлинади. Бу қўшинлар туркманларнинг кўнглига кўрқув солиб туради.

Туркманлар кўпинча ҳимоясиз ёлғиз кишиларга, масалан чўпонларга, якка йўловчиларга ёки туя билан ўтувчиларга ҳужум қилишади.

Туркман тўдалари катта карвонларга ҳужум қилишганини эшитмадик. Биз даштнинг хавfli жойларидан ҳеч қандай ҳодисаларсиз муваффақиятли ўтишга эришдик.

Қоровулбозордан Бухорогача (6,5 тош) бўлган йўл энг оғир ва қийин йўл бўлди.

Об-ҳаво бирданига кескин ўзгарди. Шимол томондан эсаётган шамол тўғри юзимизга қараб урилар, совуқ эса жуда кучли эди. Йўлимиз эса худди аввалгидек бирон-бир ўсимлик ўсмайдиган қум барханлари орасидан ўтиб борар эди.

Биз бир қанча работлар, сардобалар ва чорва учун атрофи ўраб қўйилган қўтонлардан ўтиб бордик. Ниҳоят, бизнинг олдимизда катта бир баландлик пайдо бўлди. Бизга айтишларича, ўша ердан Бухоро ёки ўзлаштирилган Бухоро воҳаси кўриниб турар экан.

Ҳақиқатан ҳам олдимизда уч тошлар

«Бухоро хонлиги очерклари»

масофа узоқликда фақат даштда юрадиган одамларнинг кўзи илғаб оладиган боғлар қорайиб кўрина бошлади.

Менга келсак, қаршимда фақат илонизи бўлиб оқаётган сувни ва қандайдир қалин доғ билан қопланган худауни кўрдим, холос.

Дарҳақиқат, кўп ўтмасдан ҳўл тупроқдан қорайиб қолган сойликка етиб, у ердан Зарафшондан келаётган ариқдан ўтдик. Бир тош юрганимиздан сўнг қаршимизда боғлар пайдо бўлди. Бу Бухоро воҳаси қишлоқларининг дашт билан чегараси эди.

Баландликнинг тепасида турган қадимги рабобот харобаларидан Зировот қишлоғигача 1 тош, у ердан Бухоро атрофидаги Когон қишлоғигача 1,5 тош келади.

Экин майдонлари бошланиб, атроф кувноқ ва гавжум тус ола бошлади.

Қишлоқларнинг умумий кўриниши Хива хонлигини эслатар эди. Худди уша ердаги сингари бу ерда ҳам аҳоли бири-бирига яқин қишлоқларда эмас, балки экин далаларига яқин овулларда жойлашган эди.

Экин майдонлари ўртасида дарахтлар, асосан тутлар экиб чиқилган. Турли жойларда унча катта бўлмаган баландликлар тепасида қабристонлар кўринади.

Мана, қаршимизда Когон қишлоғи уйлари кўринди. Биз бу ерда қисқа дам олиш учун тўхтадик ва чавандоз йигитлар қушбегига келганимизни хабар қилиш учун Бухорога от чоптириб кетишди. Когон қишлоғидан тортиб Бухоро шаҳри деворларигача (шаҳарнинг ўзигача) бўлган йўл ниҳоятда гавжум. Иморотлар бир-бирига яқин қилиб қурилган бўлиб, ислом таянчи Бухорога хос масжидлар улар орасида тез-тез кўзга ташланар эди.

Шаҳар ташқарисидаги масжидлар жуда ғарибона ва ифлос бўлиб, фақатгина ҳажмининг катталигини ва фасад қисми кўриниши билан қўшни чегарадаги уйлардан фарқ қилар эди. Йўлнинг ўнг томонидан лойдан мустаҳкам қилиб қурилган баланд девор кўринди. Бу амирнинг шаҳар ташқарисидаги ўн бирта боғларидан биттаси эди. Чап томонимизда эса зич қилиб қурилган уйлар ва боғлар орасидан Ҳазрат Шайх Аълам мақбарасининг баланд гумбази кўриниб турарди.

Шаҳарга кириш дарвозалари ёнида эса Қарши ёки Қовул деб ном олган қабристонлар жойлашган.

Биз асосан икки қаватли уйлар жойлашган, деворлари баланд тор кўчалардан, масжид ва мадрасалар, баланд устул минора ёнидан ўтдик.

Мана, уша исломнинг маркази, "Бухорои Шариф"!

Узун, усти ёпиқ бозор кўчаси бизни томларининг сояси остига олди. Бозор кунг бўлгани учун бозор одам билан тўлиб кетган эди. Отлар, эшаклар, туялар, одамлар ҳаммаси бир бўлиб, аралашиб ола-була, шовқинли тинимсиз ҳаракатдаги оқимни ҳосил қилган эди. Қизил чопон кийиб олган йигитлар олдимизда юриб, одамларни қамчи билан уриб, бизга йўл очиб бормоқда эдилар.

Ҳамма кўркув аралаш шошилиб, бизга йўл берарди.

Мана бу сассиқ курра эса на бақир-чақирга қулоқ соларди, на хўжайини танасини тинимсиз ниқташига парво қилмасдан, турган жойидан қимирламас эди.

Мана бу яҳудийлар бозори. Исроил ўгиллари жилмайиб, биз томонга қарашар, қўлларини кўксига қўйиб, бизга таниш бўлган сўзлар билан "Здрастуй!" - "Омон, хўш келдингиз!" - деб ҳар

«Бухоро хонлиги очерклари»

томондан олқишлалар эди. Бутун хонликда бўлгани сингари бу ерда ҳам бирон-бир адоватли қиёфадаги одамни кўрмадик. Мана, ниҳоят, Бухорода бўладиган чоғимизда биз учун тайёрлаб қўйилган уйга етиб келдик. Кенг, ёруғ хонада гилам тўшалган бўлиб, хона ўртасида дастурхон ёзилиб, идиш-товоқлар қўйилган стол турар эди. Стол атрофида эса 1870 йилда рус элчихонасининг полковниги Носович ташрифи олдиндан болта билан қўлдан ўтари қилиб ясалган стуллар териб чиқилганди. Хона эшиклари бир томондан баланд нақшинкор устунлар кўтариб турган айвонга олиб чиқар эди. Айвондан ички ҳовлига чиқилиб, ҳовлининг учалари томони ҳам узун йўлакли айвон билан ёпилганди. Айвондаги ёғоч устунлар уймакорлик услубида чиройли қилиб безатилганди. Ички ҳовлининг рўпарасида ташқи ҳовли бўлиб, у ерда отларимиз жойлашганди.

Умуман биз учун ажратилган уй ниҳоятда қулай ва ўзига ҳос эди. Қушбеги ҳеч қачон Бухородан узоққа кетмас ва амир саройида яшар эди. Шунингдек, у амалда Бухоро шаҳри беки вази-фасини ҳам бажарар эди. Аммо унинг молиявий соҳадаги ҳуқуқлари бутун хонлик ҳудудида амал қиларди. Шунингдек, қушбеги барча савдо муносабатлари ва Бухоронинг қўшни мамлакатлар билан алоқаларини ҳам назорат қилиш билан шугулланарди. Қушбеги амирнинг ишончли вакили ва яқин маслаҳатчиси сифатида катта таъсирга эга эди. Бу айниқса, амалдаги амирга нисбатан сезиларли эди. Биз Бухоро саройига кириш чоғида мусиқа ва ҳарбий ҳурмат билан кутиб олиндик. Сарой эшиги олдида бизни қалъа артилерияси бошлиғи, кўринишидан оққўнғил ва мулойим тўпчибоши би-

лан таништирди. У сарой комендант сифатида доимий равишда сарой эшиклари ёнида бўлиши ва саройнинг олдидаги майдон ва ички қисмнинг тозалиги учун жавоб бериши зарур эди. Бунинг учун унинг ихтиёрида кўплаб фаррошлар фаолият кўратар эди. Тўпчибоши ҳар ойда бир марта саройнинг дарвозаси олдидаги турмада ётган асирларнинг рўйхатини амирга кўрсатиш, амир эса кимни қатл этиши, кимни эса озод қилиш ва кимни эса номаълум муддатда турмада сақлаб туриш бўйича кўрсатмалар бериб турар эди.

Сарой дарвозаси ёнида Бухоро музейи жойлашган бўлиб, катталиги бир сажин келадиган қамчин илиб қўйилган. Айтишларича, бу ерда илгари еттига ана шундай қамчин бўлиб, қолган олтигасини амир Насрулло Бухоронинг авлиё кишилари ва дарвешларига муқаддас матоҳ сифатида бўлиб берган экан. Худди шу ерда қандайдир авлиёнинг илон кўринишидаги ҳассаси, ҳар хил ойболталар, яқинда Маккадан қайтган ҳожилар томонидан топширилган номаълум дарахт танасининг бир қисми билан дарахтнинг гадир-будур илдизлари сақланади.

Дарвозадан унча узоқ бўлмаган сарой деворлари орқасида амир гвардиясининг қулбаччалари, яъни сарой қоровуллари жойлашган. Биз Бухорога келган пайтимизда фақат юзта қулбаччалар бўлиб, қолгани амир билан бирга Шаҳрисабзда эди.

Қоровулларнинг сарбозлари ихчам, қизил мовутдан тикилган калта чопонлар ва оппоқ сурпдан тикилган иштонлар кийиб олишган эди. Бошларида эса унча баланд бўлмаган, қоп-қора қоракўлдан тайёрланган бош кийими бор эди.

Биз ҳафтада бир марта халққа қараб мурожаат этадиган ва арзини

тинглайдиган амир саройининг ички ҳовлисини кириб кўрдик.

Халқдан арз тингланадиган маълум кун белгиламаган. Одатда амир арз тинглашдан бир-икки соат олдин айтганидан сўнг истовчилар арз билан саройга келиши мумкин. Амир ичкаридан чиқиб келади ва айвонда ўтириб, арз қилувчиларнинг илтимосини ёхуд шикоятини эшитади.

Бутун қабул маросими давомида айвоннинг ён томонларида қулбаччалар жойлашиб, маросимни кузатиб турадилар. Қабул маросими одатда 15-30 дақиқа давом этади.

Амирнинг қабул маросими ўтказадиган саройи гиштдан терилган бўлиб, унчалик гўзал эмас эди ва учала томонни очиқ айвон билан ўралган. Кириш дарвозасининг қаршисидаги айвон ёстида ёғочдан тайёрланган гулдор ҳошияли тахт курсиси қўйилган. Бу тахт курсисига амир фақат тож кийими маросими чоғида қадимги ўзбек одатига кўра наматнинг устида ўтирган ҳолатда кутарилиб, ўтиргизилар эди. Саройга кирадиган эшик унча катта бўлмаган, квадрат шаклидаги алоҳида турган девор билан тўсиб қўйилган.

Қабул маросими чоғида девор ортида амирнинг удайчиси ва зобитлари (адютантлари) ўтиришар эди. Уларнинг асосий вазифаси амирнинг ҳузурига келганлар уни чалгитмаяптими, каби саволларга жавоб топиш эди.

Айвон ва девор қачонлардир рангли кошинлар билан безатилган бўлиб, вақт ўтиши билан қорайиб, хароб бўлиб қолган ва кўчиб тушган жойлар оҳаддан шувоқ қилиниши натижасида бутун мажмуани хунук кўрсатиб турар эди. Биз амир саройининг ички хоналарини кўра олмадик. Аммо у ерда ҳам нафис ва бежирим нарсани учратиш

қийинроқ бўлса керак.

Сарой олдидаги кенг майдон (регистон) устига мева ва сабзавотлар бостириб ташланган суриладиган расталар ва одамлар билан лиқ тўлиб кетган.

Сарой қаршисидаги расталар томонида дарахтлар ярим тўсиб турган мадраса жойлашган. Амир саройи атрофида учта мадраса: Поёнбий оталиқ, Дорулшифо ва Саид Абдулазизхон мадрасалари жойлашган. Шундай қилиб Регистон майдони бир томондан амир саройи ва мадрасалар билан, иккинчи томондан Истаруки деб аталмиш катта масжид билан, қолган томонлардан эса бозор расталари билан ўралган. Кривцов ўзининг суратга туширадиган апаратини қўйиши билан атрофда одамлар тўлиб кетди. Ҳатто томлар устига чиқиб олишди. Тинимсиз ҳаракатдаги оломон тўдаси албатта ишимизга ҳалақит бермоқда эди. Аммо қўлларида қамчи билан қизил чопонлар кийиб олган амир сарбозларининг ҳаракатлари ҳам бизни ўраб олган оломон тўдасини тарқатиш учун қилаётган ҳаракатлари натижасиз эди. Шунга қарамасдан Кривцов мадраса томлари устига чиқиб, бир қанча ўзига хос суратларни олишга эришди.

Айниқса, Кўкалдошдаги Девонбеги мадрасаси ва унга қўшни бўлган Бозорхўжа мадрасаси ва айниқса уларнинг орқасидан кўриниб турган ва тепасига лайлак уя қўйган Улуғминор (Минори Калон) ҳамда Бухоронинг бош масжиди Кўкғумбаз ниҳоятда чиройли чиқди.

Биз, шунингдек атрофига юз йиллик тут дарахтлари экилган (Вамбери эса бу дарахтларни қайрагоч деб нотўғри атаган) катта ҳовузи бор Лаби Ҳовуз девонбегига ҳам ташриф буюрдик. Ҳовуз бозорга ошиқаётган кишилар учун дам

«Бухоро хонлиги очерклари»

олинадиган ёқимли бир маскан эди.

Лаби Ҳовузни бозордан фақат бир қатор савдо расталари ажратиб турарди.

Ҳовуз атрофида чойхоналар жойлашган бўлиб, улар ниҳоятда жўн ва содда қилиб қурилган бўлиб, бориға қаноат қиладиган чойхўрлар билан тўла эди.

Ҳовуз қаршисидан Абдуллахонга энг яқин кишилардан ҳисобланган Нодир девонбеги қурдирган масжид кўриниб турар эди. Ушбу масжиднинг қурилиши тўғрисида қизиқ ривоятлар юради.

Айтишларича, ўз бойликлари билан машҳур бўлган девонбеги кунлардан бир кун ўз хотинидан қаттиқ хафа бўлади ва уни ҳарамдан чиқариб юбориш тўғрисида буйруқ беради.

Ҳарамдан ҳайдалган хотиннинг ким-матбаҳо кийимлари ва тақинчоқларини шу заҳотиёқ ечиб олишади ва ва сотиб юборишдан тушган пуллар ҳисобидан Нодир девонбеги ўз номи билан аталадиган масжид қурдиради.

Яна бу ердаги масжиддан бир неча қадам нарида Нодир девонбеги мадрасаси ҳамда унинг ёнида талабаларга мўлжалланган 150 хўжрали улкан Кўкалош мадрасаси жойлашган.

Бу ердан унча узоқ бўлмаган жойда қиролича Екатерина томонидан қурилган Эрназар мадрасаси жойлашган.

Умуман, Бухоронинг мадрасалари ва энг яхши бинолари амир саройидан Қарши дарвозасигача жойлашган.

Бу ерда ўлимга маҳкум этилган жиддий жиноятчилар ташлаб юбориладиган баланд минорали Бухоронинг бош масжиди минораи Калон ҳам жойлашган. Сўнгги пайтларда ўлимга маҳкум этилганларни минорадан ташлаб жазолаш тобора йўқолиб бормоқда.

1871 йилда Каттақўрғон ва Кармана ўртасида талончилик билан шуғуллан-

ган қароқчи Бобони ва яна кўчаларда бир қанча кишиларни ўлдирилган жиноятчининг минорадан ташлаб юборилгани ҳисобга олинмаса, бошқа бундай мисоллар йўқ.

Шуни таъкидлаш керакки, агар ўлдирилган кишининг қариндошлари ўлган киши учун хун олишга розилик билдирса, Бухоро ҳукумати жиноят ишлари билан боғлиқ тергов ишларини олиб бормас эди.

Аммо ўлдирилган кишининг қариндошлари хун олишдан воз кечсалар, унда ҳукумат жиноятчини турмага қамаб, ўлим жазосига маҳкум этар эди. Бундай қонуний кучга эга одатни бухороликлар шундай талқин этадиларки, ўлдирилган киши оилада ягона боқувчи бўлиши мумкин. Бундай ҳолатда жиноятчини ўлдириб юборишдан ҳеч қандай фойда йўқ. Ундан кўра жабр кўрган оила аъзолари моддий ёрдам олиб туришгани маъқул. Албатта, бу ҳолатда жамиятнинг жиноятчидан оладиган маънавий қасоси кўзда тутилгани ҳақида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас. Бу одат ҳақиқатан ҳам ҳаёт талабидан келиб чиққан эди.

Бухоронинг бош масжиди минораи Калон ёнидаги миноранинг баландлиги 70 газ ва асоси 35 қадамдан иборат.

Минораи Калон ва Мир Араб мадрасаларининг бинолари ниҳоятда баланд бўлгани учун минора ўзининг баландлиги билан ҳайратланарли даражада кўринмайди. Агарда минора майдонда эмас, кичикроқ кўчада турганида балки бу ҳолатидан ҳам кичикроқ кўриниши мумкин эди. Минора турган майдоннинг бир қисмида Мир Араб мадрасаси бош пештоқи ёнида гиштдан қурилган айвон турибди.

Бухорода ҳаммаси бўлиб 103 та мадраса, 360 та кўчалар сонига монанд

«Бухоро хонлиги очерклари»

масжидлар бор. Ҳар ҳолда Бухородаги мадраса ва масжидлар шаҳарга келувчи сайёҳлар учун "тирик" китоб бўлиб хизмат қилади. 1840 йилдан буён исломнинг муқаддас пойтахти Бухоро қанчалик кам ўзгарган!

Байрамнинг биринчи куни, 30 октябрда биз Бухородан Тошкентга йўл олдик. Баҳовуддин қишлоғигача йўлимиз унча узоқ эмас эди. 1 тошдан сал кўпроқ (9 версть) эди. Биз ўша ерда тунашни маъқул кўрдик. Чунки Кривцов машҳур авлиёнинг қабрини суратга олиш имкониятига эга эди.

Баҳовуддингача ва ҳатто Бўстон қишлоғигача бўлган йўл (42 версть)нинг икки четида қатор қишлоқлар жойлашган бўлиб, ора-чуроа уларни боғлар ва экин майдонлари бир-биридан ажратиб туради.

Ушбу ҳудудда бир қарич бўлса ҳам ишлов берилмаган ёхуд бўли ётган ерни учратмайсиз. Фақат баъви жойларда вафот этганларнинг қабристонлари унча баланд бўлмаган тепаликларда учрайди.

Баъзан эса тепалик бошида учига соч ўрами боғлаб қўйилган ва қабрга суқиб қўйилган ходалар учрайди. Бундай ходалар авлиёларнинг қабрларига суқиб қўйилган.

Аксарият бухороликлар дафн этилган авлиёлар ва муқаддас шахслар ҳақида тўлиқ маълумот бера олишмайди. Масалан, бизни кузатиб юрган кишига: "Биз ҳозир қайси авлиёнинг қабри ёнидан ўтаяпмиз?" деб сўрасак, "Билмайман. Менимча қўйлари кўп бой одам бўлса керак" деб жавоб беради.

Шунингдек, Бухоро ҳомийси, ҳазрати Баҳовуддин ёки ҳазрати Нақшбандийнинг номи билан аталадиган сўфийлар тариқатига асос солганлиги ҳақидаги маълумотлардан бошқа озгина маъ-

лумотга эгалар холос. Баҳовуддин ҳақидаги ривоятлар афсонавий хусусиятга эга бўлиб, афтидан мозорга келувчи сигинувчиларнинг сонини кўпайтириш мақсадида вужудга келган. Баҳовуддин 1303 йилда вафот этган.

Унинг авлодлари қабр атрофида жойлашган бўлиб, "хўжа"лар деб аталдилар. Уларнинг асосий вазифаси авлиё қабрини кўриқлаш ва зиёратчилар томонидан келтирилган садақаларни йигиб олишдир.

Шундай қилиб, ҳазрати Баҳовуддин ўзининг авлодларига ниҳоятда яхши мерос авлиёлигини қоддирган.

Баҳовуддин қабрига кўплаб зиёратчиларнинг доимий равишда келиб тургани учун қишлоқда одамлар билан гавжум бозор ҳам пайдо бўлган. Тақводор одамлар ҳафтада бир марта Бухорога келиб, авлиёнинг қабрини зиёрат қилишади. Амир шаҳардан ташқарига чиққанида ёки Қарши, Шаҳрисабзга сафарга отланганда ва ҳаттоки ёз пайтлари шаҳардан ташаридаги чорбоғларига йўлга чиққанда Баҳовуддиннинг қабрини, албатта зиёрат қилиб ўтар эди. Бу эса авлиёнинг меросхўрларига, хўжаларга ҳатта даромад олиб келарди. Чунки, ҳар бир зиёратчи хайр-садақалар билан келарди.

Тушган садақаларни тақсимлаш ва йигимларни тартибга солиш мақсадида хўжалар 32 та шайхга 11 минг танга товон тўлайдилар. Баҳовуддин қабри ёнида навбатчилик қиладиган шайхлар хайр қилинган садақаларни ҳам ўзлари олишади.

Аммо зиёратчи ўзига таниш бўлган хўжалардан бирининг уйида тўхтаса ва у билан бирга Баҳовуддин қабрига зиёратга борса, у ҳолда садақа зиёратчи томонидан уй эгасига берилган.

Шайхлар ўз навбатида авлиё қабри

яқинидаги муқаддас қудуқни ижарага беришар эди. Зиёратчилар кўп келади-ган кунлари сувга ташналарнинг чанқогини қондириш мақсадида қабрдан бир неча қадам узоқликда кичиккина ибодатхона қурилган бўлиб, ўртасида сувга тўлдирилган меш қўйилган. Бу мешга, албатта, пулга сотиладиган сув солиниб, тарқатилар эди.

Шайхлар Баҳовуддин учун етти рақами бахтли рақам бўлганини таъкидлайдилар. Чунки, у еттинчи ойда тутилган, етти ёшда Қуръонни ёддан билган. Шу туфайли унинг ҳақиқа қилинадиган садақа ҳам еттита танга бўлиши керак.

Шайхлар ҳар бир зиёратчига, айниқса кўчманчи қирғиз ва туркманларга, албатта "еттита кумуш" тангаларни хайрия қилишни уқтиришган. Аммо кўчманчилар ушбу огоҳлантиришга парво қилмасдан, хотиржамлик билан шайхларга еттитадан мис тангалар беришар эди. Бақалоқ юзли, семиз шайхлар зиёратчилар ўртасида унчалик хайрихоҳлик билан қабул қилинмайдилар. Бизни кузатиб юрган бухороликлар, ҳатто уларни ярамаслар деб атади. Баҳовуддин қишлогининг кўримсиз иморатлари Мозори Шариф деб аталадиган авлиёнинг қабри жойлашган ибодатхонагача давом этади. Ибодатхонанинг кириш эшиклари ёнида зиёратчиларни ёллаб, Бухорогача элтиб қўйиш учун бир неча ўн эшаклар ҳамиша тайёр туради. Бухоронинг сўнги амирларидан Мир Махсум ва айниқса, ҳозирги амири томонидан бухоро мусулмонлари ўртасида диний-гоялар ва урф-одатлар зўр бериб тарғиб этилгани боис, бухорога келаётган зиёратчилар оқимининг кескин кўпайганлиги ҳайратланарли ҳол эмас эди. Мозори Шарифнинг устига лайлаклар ин қўйган минора ва гумбазли кириш эшиклари унчалик серҳашам эмас

эди. Ибодатхонанинг биринчи, ташқи девори ортида тўла маънодаги қашшоқ кишиларнинг уйлари жойлашган. Булардан ҳам ифлосроқ, бадбўй ва сержун одамларни тасаввур этиш қийин. Улар мадрасаларга тушадиган вақф маблағлари ҳисобига ажратилган уйларида яшаб, бепул овқатланадилар. Бу овқатлар жуда оз эканлиги ҳақида гапириб ўтирмасам ҳам бўлади. Қашшоқлар кун узоғи ўз уйларининг остоналарида ўтириб, қўлларини садақага чўзиб, раҳмшафқат қилишни сўрашади. Биз баҳовуддинлик қашшоқлар зиёратчиларни тўдалашиб ўраб олиб, агар уларга бир неча танга ташламаса, улардан қутулиб бўлмасликни эшитган эдик.

Аммо, бундай ҳолни биз кўрмадик. Утирган ғариблардан биронтаси, ҳатто жойидан қўзғалмади ва бизга яқин ҳам келмади.

Ғариблар сафида қариялар ҳам, болалар ҳам, соғлом ва қўтир босиб кетганлар ҳам, кўзи ожизлар ҳам бор эди. Ибодатхона томонидан ғарибларга бериладиган уйлар қанчалик ифлос ва жирканч бўлмасин, бўш жойлар топиб бўлмасди ва фақат яшовчилар вафотидан сўнггина ҳужраларда янги жой пайдо бўларди.

Ғариблар яшайдиган уйлар тугаши билан Ўрта Осиё қурилишларига хос Шаҳрисабзнинг собиқ ҳокими Дониёл оталиқнинг масжиди унинг қабри билан бирга жойлашган эди. Унг томонида эса яна унча катта бўлмаган ва кўримсизгина масжид, ундан кейин эса Баҳовуддин қабри атрофини ўраб олган дарвозали қабристон бор эди.

Бу ерда ўзининг иншоотлари билан авлодлар хотирасида қолган машҳур Абдуллахон дафн этилган эди. Бухоро атрофини ўраб олган деярли барча сардобалар ва карвонсаройлар ана шу

ҳукмдор даврида бунёд этилган.

Аммо унинг қабри устида мақбара қурилмаган. Қабр атрофи қора, йирик доначали оҳажгош билан тўсиқ қилиб ўраб қўйилган.

Қабристон атрофи ҳам худди шундай катта қора палахсалар билан айлантирилган. Қабристонда яқиндагина қурилган неҳоятда чиройли Дониёл оталиқ мадрасаси бор. Авлиёнинг муқаддас қабрига элтувчи асосий дарвоза дарахтларнинг қалин экилгани туфайли деярли кўринмай қолган. Аммо дарахтлар орасидан фақат кийик ва эчки шохларининг суяклари кўзга ташланади, холос. Шохлар Урта Осиеда ҳар бир муқаддас қабрнинг муҳим белгиси бўлиб, авлиёнинг кучи ва улугворлиги, табаррук қадамжоллигини билдириб турган.

Александр Македонский бу ердаги ривоятларга кўра Зулқарнайн, яъни икки шохли лақаби билан айтилади. Қадамжога олиб борувчи дарвоза уймақор услубда нақшинкор ёғочдан ياسалган бўлиб, яшил ва қизил ранглар билан бўялган.

Дарвозадан ичкарига кирилса, ҳар-ҳар жойда дарахт экилган озода ва саришта ҳовлига кўзингиз тушади. Шу сабабли бўлса керак, Вамбери Баҳовуддин қабри бог ичида жойлашган деб айтади.

Баҳовуддин қабрини қабристондан ажратиб турган ички девор томонида айвон қурилган бўлиб, деворларида йирик қора ҳарфлар билан Қуръон оятларидан парчалар ёзиб безатилган. Айвоннинг бор узунлигида художўй зиёратчилар томонидан хайрия тариқасида совға қилинган қандиллар осиб қўйилган. Бу қандилларнинг ҳаммаси руслар томонидан тайёрланган. Айвоннинг икки томонида иккита масжид жойлашган. Ҳовлининг шимолий томонида яқинда қурилган учинчи масжид ҳам бор. Баҳовуддин қабри ҳовлига олиб

кирадиган эшикнинг рўпарасида жойлашган. У Қуръон оятлари битилган хом мармар билан ўраб чиқилган.

Авлиё қабрининг боши ва оёғи томонида иккита тугли йирик ходалар қўйилган бўлиб, уларнинг учида авлиёлик белгиси сифатида байроқлар илиниши керак эди. Аммо нима учундир бу ерда байроқлар илинмаган эди. Ушбу ходаларнинг бири ёнида таъкидланганидек, муқаддас қудуқ бор эди. Сал узоқроқда эса ҳовуз ва сув ҳавзаси бўлиб, истовчиларга арзон нархда сув сотиларди.

Баҳовуддин қабри ёнида, кириш дарвозалари яқинида еттита бошқа қабрлар кўриниб туради. Бу ерда Баҳовуддин ўлими пайтида иштирок этган еттита шоғирда дафн этилган. Ушбу қабрлар олдида ердан унча баланд бўлмаган ҳолда қандил осиглиқ турибди.

Тушаб қўйилган паласлар устида шайхлар утириб олиб, художўй мусулмонларнинг хайр-садақаларини қабул қилишади. Ҳар бирининг қаршисида зиёратчилар томонидан берилган унча катта бўлмаган тангалар тўдаси турибди. Баъзи шайхлар эса зиёратчиларга "зиёрат зиёрат билан, аммо садақа эрдан чиқмасин" – деб эслатиб қўйишади.

Авлиё қабрини суратга тушириш учун Кривцов суратга оладиган аппаратини кўтариб кирганида, айвон остида қимирламай ўтирган муқаддас қадамжонинг шайхлари, қозиси, раиси ва бошқа художўйлари нимани ўйлашди экан! Аммо эндиликда Бухоронинг ҳар бир кишиси ўтмишни қайтаришни иложи йўқлигини яхши англаб етган эди. Шарқнинг мудроқ ҳаёти ўрнига янги, тўхтаиб бўлмас оқимнинг кириб келишига тўсиқ бўлувчи имкониятнинг ўзи йўқ эди.

Ислом таянчи бўлмиш Бухорони руслар таъсиридан қутқариш учун ҳар қанча

уринишлар бўлмасин, уларнинг ҳаммаси эскириб қолган Осиё тузуми ҳаётининг кучсизлигини кўрсатди. Итоат этишдан бошқа чора қолмаган эди.

Осиёнинг эски ҳаёти тартиблари таъсирида ўсган қариялар ва ёши катта одамлар атрофда рўй бераётган воқеаларга бефарқ қарашар, ёшлар эса гайрат ва шижоат билан кириб келаётган ҳар бир янги нарсага қувноқлик билан "хуш келдингиз" деб кутиб олар эди.

Ҳаво очиқ бўлса-да, анча совуқ бўлган 1 ноябрь куни Баҳовуддиндан жўнаб кетдик.

Биз чўзилиб кетган Бухоро маданий воҳаси тутаб, Бўстонгача 4 тош (34 верста) йўлни босиб ўтишимиз керак эди. Сўнгра эса Карманагача 6 тош масофани ташкил этувчи чўлдан ўтмоғимиз ва Кармана шаҳрига етиб, гулаб-яшнаган ва бой Зарафшон водийсига чиқиб олмоғимиз лозим эди.

Бу чўл ҳақида биз қизиқ ривоятлар эшитдик. Айтишларига қарғанда, Абдуллахон даврида чўлда яшнаган боғлар ва обод қишлоқларда ўзбекларнинг араб уруғи ҳаёт кечирган.

Кунлардан бир кун Абдуллахон қўлида лочини ва учқур оти билан ов қилиб юрганида навкарларидан ажралиб, чўлда адашиб қолади. У толиққан ҳолатда қудуқ ёнига келиб, отини сугора бошлайди. Хонни танимаган араблардан бири ҳукмдор отига ишқибоз бўлиб, отингни менга берасан, деб туриб олади.

Абдуллахон узоқ можаролардан сўнг отини ташлаб, пиёда қайтиб кетишга мажбур бўлади.

Хон Бухорога қайтгач, араблар яшайдиган қишлоқни бутунлай вайрон қилиб, арабларни кириб ташлашни буюради.

Ўша пайтдан бошлаб бу чўл саҳрога айланган экан. Афтидан бу ривоят тўқимага ўхшайди. Чунки Бўстон билан Кар-

мана ўртасидаги ерлар Абдуллахон замонида ўзлаштирилганда эди, лоақал биронта ариқнинг изи қолиши керак эди.

Чунки Ўрта Осиёнинг бошқа жойларида, масалан Чиноз-Жиззах дашти, Янгиқўрғон текислиги, Илон ўтти дарасидан Тошкўприккача бўлган чўл ва дашт ерларида ариқ излари сақланиб қолинган.

Карманадан икки тош узоқликда Малик харобалари жойлашган. Бу пишган гиштдан қурилган ниҳоятда катта ва кенг карвонсарой бўлиб ҳисобланади.

Минора ва карвонсаройнинг кириш қисмидаги пештоқ гўзаллиги ва бино чиройи ўзининг нафислиги ва бежиримлиги билан кишини ҳайратга солади.

Ваҳоланки, иморатнинг ўзи кошинли безакларсиз оддий гиштдан қурилган. Осиёликларга хос ялқовлик ва эътиборсизлик туфайли бу ажойиб бино вайрон ҳолатга тушиб қолган. Карвонсаройнинг ҳовлиси ахлат ва гишт қолдиқлари билан тулиб қолган. Нураб тушган гиштардан қатор қилиб ҳужралар қуриб ташланганки, улар ноёб тарихий обиданинг кўринишини бузиб турибди.

Худди шу ернинг ўзида унча гавжум бўлмаган дашт бозори ҳам бор.

Кармана Осиёнинг бошқа шаҳарлари каби дир. Барча жойларда бўлгани сингари пахсадан кўтарилган девор билан ўраб олинган. Шаҳарнинг бош дарвозаси яқинигача чиқиб келган ўша бозор.

Амирнинг суюкли ўғли Сайид Абдулаҳадхоннинг паноҳ топган Ўрдаси шу ерда экан. 16 ёшли бек ҳақиқатдан ҳам кучли шахс, ақлли ва қизиқувчан эди.

Агарда унга қандайдир махсус маълумот берилса, келажақда ундан албатта ажойиб ҳукмдор чиқади. Афсуски, амир ҳозирча ўзи бек бўлган Кармана шаҳрига бек сифатида тайинлаб қўйибди ва ўзи ҳам Бухоро тахтига айна шу

лавозимдан сўнг ўтирган.

Ёш бекни зериктирмаслик учун сарбозлар ротасини ҳамда ёш қизларни бериб қўйишибди. У бора-бора бундай ҳаётдан зерикиб, барча кучларини йўқотади ва бошқа ҳаётга яширинча ўта бошлайди.

Амир уни тез-тез Бухорога чақириб туради ва бирга халқ олдида кўриниш қилиб туради. Ҳеч шубҳа йўқки, амир уни ўз ўрнига тайёрламоқда ва шу сабабли ҳам Бухоро яқинидаги бекликка тайинлаган.

Аммо шунга қарамасдан амирнинг меросхўри кям бўлишини олдиндан айтиш ниҳоятда қийин. Бухоронинг муътабар шахсларидан бири бу борада шундай дейди: "Амир вафот этиши билан хонликда тартибсизликлар бошланади. Амир ўғилларидан қайси бири олдинроқ ҳаракат қилиб, бошқа ака-укаларини қатл этса ёки шаҳардан ҳайдаб чиқарса ўша тахтга ўтиради".

Демак, яқин келажакда Бухорода қатли ом ва тартибсизликлар руи бериши муқаррардир.

Амирнинг катта ўғли Саййид Абдулнуриддин Чоржўй беки бўлиб ҳисобланади. Айтишларича, у туркманлар

билан тил топа биладиган жуда жасур ва ҳаракатчан киши.

Карманадан Зиёвуддингача 4 тош (33 1/2 версть), у ердан Мир қишлоғи орқали Каттақўрғонгача 50 версть масофа ҳисобланади.


Каттақўрғонга Хатирчи орқали борадиган бошқа йўл ҳам бўлиб, озроқ айла-

на йўлдир. Каттақўрғон билан Кармана ўртасидаги ерлар ҳар хил ва турли баландликлардан иборат.

Биз 1868 йилда Бухоро билан генерал Головачев қўшинлари ўртасида сулҳ тузилган жой Зирабулоқ тепалигидан ўтдик.

Каттақўрғонга яқинлашган сайин жойлар баландликларга ва ҳосилсиз ерларга айлана боради. Йўл аҳоли учрамайдиган дашт ичидан гоҳ Зарафшон дарёсига яқинлашиб, гоҳ ундан узоқлашиб, гоҳ асосий ариқ Нарпайга яқинлашиб боради. Каттақўрғон йўлининг энг баланд тепалигидан чиқиб ям-яшил майдонлар, Нарпайнинг ёрқин қиёфаси, кулранг уйлар ва деворларни кўриш мумкин. Чанг тўзонли, иссиқ ва зерикарли дашт йўлидан сўнг ям-яшил воҳага чиқиш кишининг қалбини қувончга тўлдириб, кайфиятни кўтариб юборади. Каттақўрғон бозоридан сўнг рус уйлари кўрича бошлади. Энди биз уйдамыз!

— Ҳой қазақ, алоқа бекати қаерда? — Билмайман! Озгина юриш керак.



Алоқа бекатида кузатувчи от ҳам йўқ, арава ҳам йўқ деб айтган бўлса-да, рус тили она Русни ёдга солиб қўйган эди.

Қисқаси, биз Каттақўрғонда кўп ўтирмадик ва бизни кутиб олганларнинг хуш тавозелиги зерикмай ўтиришимизга сабабчи бўлди.

(Давоми келгуси сонда)



СОҲИБҚИРОН



XVI

(Достондан парча)

БЕШИНЧИ ФАСЛ

АМИР ТЕМУРНИНГ ДАВЛАТ СИЁСАТИ. ЮРТ ТАРИХИДА ЯНГИ ДАВРНИНГ БОШЛАНИШИ

5. Ҳаёт боғлиқ доим Одам ақлу зеҳнига,
Бу дунёнинг тақдирини ҳал қилар, инсон.
Одам ўткир зеҳни билан бутун дунени
Ўзгартириб, бу оламни этар мунаввар.
Соҳибқирон яратганди янги бир дунё-

10. Унинг ақли зулмат ичра порлаган зиё,
Каби қанча кўнгуллارни этганди обод.
Мамлакатда мўтул зулми топиб интоҳо,
Эркин нафас олган эди эл хуррам бўлиб,
Ҳусайнбек истибдоди топганди барҳам.

15. Гарчанд Ёсо* идораи усул бўлса ҳам,
Ҳазрат амир давлат ишини этганди ислоҳ.
Халққа оғир солиқларни қилиб у бекор,
Раиятнинг аҳволидан бўлди хабардор.
Бел боғлади яратмоққа фаровон ҳаёт,

20. "Рости расти" дея тартиб берди тузуқот.
Бўлмасин дер эди юртда адоват, қадар,
Шу ниятда ҳатто ўзи билан курашган
Баъзи беклар, амирларга қилди тангилик-
Гарчи аввал тиг кўтарган бўлса-да магар,

25. Гуноҳини афв этди бош эгса агар.
Зиндачашм Шибиргонда худди подшодай
Хукм сурган ҳоким эди, лекин саркашлик
Қилиб турар эди қулай фурсат келганда.
Бир вақтларда ўтган эди Ҳусайн тараф,

30. Ички уруш, низолар ҳам бўлиб бартараф,
Қайта давлат тузилса-да, бу амир ҳамон
Ўз- ўзича мустақил иш юритар эди.
Амир Темур унинг кўнглини топмоқлик учун,
Навозишу марҳаматлар кўрсатди кўплаб.

35. Нуфузли бек Амир Мусо ҳам қўшин тўплаб,
Муҳолифат йўлини тутди Амир Темурга-
У ҳазратдан қочиб юрар экан узоқда,
Дер эдики, не камим бор менинг Темурдан,
Ахир, мен ҳам хон авлоди -- олий насаб эр.

40. Дерлар, яхши ошин ейди, ёмон бошин ер,
Зиндачашм Амир Мусо билан бирлашиб,
Темурбекка қайта- қайта қилди хиёнат-
Қилимишлари лойиқ эди ҳатто ўлимга.
Лекин ҳазрат кечгандан сўнг унинг қонидан,

*Ёсо - Чингизхон жорий этган тартиб-қоидалар, қонунлар.

«Соҳибқирон»

45. Тарафасрин тутиб берди қўрқиб жонидан.
Амир Мусо қўлга тушиб, бўлди боши хам.
Аммоки у қариндоши эди хонимнинг,
Сароймўлкнинг иззатини қилиб Темурбек,
Мусобарили афв этди ва иззату икром
50. Қўлиб, унга берган эди кўпдан- кўп инъом.
Зиндачашм ҳасад қилиб Амир Мусога,
Яна ўғди муҳолифат йўлига атай.
Уйламасдан бир кун юзи қора бўлишин,
Балх ва Термиз қалъасини айлади талон.
55. Иддаодан ҳар доим ҳам чиқар тўполон.
Амир Темур воқеадан бўлгач хабардор,
Шибиргонга катта қўшин юборди дарҳол-
Сарқардаси эди машҳур Амир Жоқубек-
Шибиргоннинг қалъасини қилди у қамал.
60. Агар киши ваъдасига қилмаса амал,
У лойиқдир ёзгиришга, ҳатто жазога.
Қиш ҳам ўтиб, заҳираси тугагандан сунг,
Зиндачашм таслим бўлди қолиб ноилож.
Самарқандга келтирдилар этишиб путкун.
65. Гуноҳқор кас йиғлар эди тижармасдан ун,
Амир Темур пойига у бош уриб деди:
"Аълоҳазрат, кечиргайсиз осий бандани,
Бир қўлимда шамшир, қаранг, бирида кафан-
Хоҳ ўлдириш, хоҳ тиргузинг- сизда йхтиёр!"
70. "Рости расти", - деди ҳазрат, - биз учун шир:
Тўғрилиқдан ҳар бир инсон топгайдир нажот.
Дунёга ҳирс қўйиш ўзи катта бир хато,
Молу дунё одамзотдан қолар барибир-
Ҳалол яшаб ўтмоқликнинг ўзи катта бахт!"
75. Соҳибқирон гуноҳқорни айлади хушвақт-
Нафақат афв этди, балки шоҳона инъом-
Олтин камар, тубучоқ от, қатор туялар,
Хачирлару қимматбаҳо совғалар берди-
Бағрикенглик билан қилди катта саховат.
80. Зўр донолик, сабр- бардош, ақлу заковат,
Кўрсатанди Соҳибқирон ўша паллада.
Муҳолифат йўлин тутган кўплаб одамлар-
Қанча сарқаш бўйни йўгон беклар, амирлар
Итоатта келиб, ундан бўлдилар қонъе.
85. Муҳолифат барҳам топса, ҳеч нарса монеть
Бўлолмасди марказлашган давлат курмоққа.
Аммо Хўжад вилояти ҳокими бўлмиш-
Хўсайннинг арзандаси Амир Боязид
Ҳамон мўғул Ясосига асосан ишлаб,
90. Раиятдан олар эди борин қиртишлаб-
Турли-туман солиқлардан безган одамлар,
Бир кун Амир Боязидни тутдилар маҳкам
Ва судрақлаб келтирдилар олий даргоҳга.
Онҳазратнинг ҳузурда у титраб - қақшаб,
95. Турар эди ҳоли забун қашқирга ўхшаб.
Очқуз бўри тушиб қолса ногоҳ қопқонга,
Шундай қўрқиб, чор- атрофга жовдирар кўзи.
Амир Темур воқеани англагач, деди:
"Сузла амир, Хўжад тинчми, унда қай аҳвол,
100. Нега ўзинг билан бўлди бундай кори ҳол?
"Гуноҳқорман, - дея бошин хам қилди амир. -
Қандай жазо кўрсангиз ҳам лойиқман бунга."
Соҳибқирон бу ҳокимга қарата деди:
"-Элу юртга кимки қилса агарда зулум,
105. Ёқасида бўлар менинг иккала қўлим.
Бундан кейин билиб қилгин ҳар бир ишингни,
Йўқса, халқнинг оҳу зори уради сени.
Сенга жазо: тўлагайсан катта жарима,
Хўжад эса бир йилгача солиқдан озод!"
110. Адолатли бу ҳукмдан ҳамма бўлди шод.
Ҳазрат Темур одамларнинг кўнглига қараб,
Иш қиларди кўзда тутиб эл манфаатин.
Тошкентда кўп ҳукм сурган Ясавурийлар,
Амир Темур давлатига қасдлашиб баъзан

*Ясовурийлар-Чингизхон қўшинининг сўл қанотига қўмондонлик қилган амир Ясовурнинг авлоди, улар ўз шажарасини хонга мансуб деб билганлар.

«Соҳибқирон»

115. Низолашар эди уни олмасидан тан-
Санашарди улар ўзин хон авлоди деб.
Ҳусайнбек ўлгандан сўнг унинг беваси,
Ясовурий қизи бўлмиш гўзал малика-
Ислом Оқо Темурбекка бўлгач танмахрам,

120. Ўртадаги адоватга берилди барҳам.
Зеро, энди Амир Темур бўлганди куёв-
Қон- қардошлик эъзозланиб келган азалдан.
Шундай қилиб, Ясовурий мулки Тошкент ҳам
Тобе бўлиб, ҳамкорликни этди ихтиёр.

125. Янги давлат тизимида энди барқарор,
Ҳокимият ҳар жабҳада юритарди иш.
Истибоднинг занжирлари ташланди узиб
Мўтулларнинг юз элик йил давомидаги,
Зулу талон тааддиси бўлганди охир.

130. Мамлакатга зийнат бўлган бодир жавоҳир-
Самарқанд ҳам ушбу йилда тиклади қалъин.
Чингизийлар вайрон этган қадимий қалъа,
Харобалар ўрнида боз этилди буёвда-
Фахр билан дер эдилар "Балдаи Маҳфуз".

135. Бу улутвор шаҳар ҳақда кетар экан сўз,
Ер юзининг сайқали деб этганлар таъриф.
Унга хосдир барча яхши, олий сифатлар-
Амир Темур ҳазратлари Туронзаминда
Беҳудага танламаган этиб пойи тахт.

140. Мамлакатни обод этмоқ учун жаҳду шаҳд
Қилар эди Амир Темур сира толмасдан.
Кўп шафқатсиз тартиблару олиқ- солиқлар
Бекор бўлиб, кўҳна Даргом ва Эски Ангор
Каналари ва ариқлар тўлиб оқди сув.

145. Қақроқ ерга сув чиқарса: эди шарти шу-
Бўз ер очган, биринчи йил солиқдан озод
Қилинарди, иккинчи йил ўз хоҳишича
Тўлар эди ердан олган ҳосилга қараб.
Бундай тартиб деҳқонларга бўлди кўп мадад.

150. Халқ Темурни дуо қилар эди беадад
Олқишлару, миннатдолик сўзлари билан.
Бир минг уч юз етмишинчи йилнинг кузида,
Самарқандда чақирилди катта қурултой.
Амир Темур мамлакатда олий ҳукмдор,

155. Дея фармон чиқарилиб, тахт бўлди пойдор.
Юртнинг барча пешволари, уламолари
Фатво ёзиб, бутун халқни қилди хабардор-
Бу хушхабар тарқаб кетди бутун дунёга.
Янги замон бошланганди юрт тарихида.



«Балдаи Маҳфуза»- деч қандай душман оломайдиган берк қалъа, илоҳий қудрат ҳимоясидаги шаҳар маъносида.



НАСАФ ҲАҚИДА ҚЎШИҚ

(Достон)



Момо қуёш ёғдуси, -
Тириклик нишонаси.
Кўхна шаҳар кўз очди,
Ярқироқ пешонаси.
Неча минг йил тупроқда
Тилсиз ётди, жим ётди,
Кечмишин пинҳон туриб,
Олтин сандиқ - сир ётди.
Ҳаётнинг қонуни бор,
Ҳеч нарса йўқолмагай.
Улуғ эл хотирасин,
Ҳеч бир куч йиқолмагай.

II

Ерқўрғон...
Чўнг тепалар...
Нор туядай ухлайди.
Йўқ, улар олис кечмиш,
Уйғонмоқни истайди.
Мағрибданми,
Машриқдан.
Ёғий келар қуйилиб.
Отларнинг туёгидан,
Майса инграр бўғилиб.
Сўғдиёна!

Сўғдийлар!
Асло мағлуб бўлмагай,
Юрт учун жондан кечган,
Улмон асло ўлмагай!

III

Доро-ро,
Кутайбанинг
Тушига кирган шаҳар.
Ана, у гўзал Нахшаб,
Спитамен қалъаси.
Қанча жангу суроннинг
Жонли гувоҳидир у.
Шуликтепа,
Бу Насаф.
Она Қашқа бўйида,
Тиллоранг гумбазлари
Нур тарар мисли офтоб.

IV

Шўролар замонида,
Бир воқеа бўлганди.
Тайёрагоҳ...
Келишган

Нақ Париждан меҳмонлар.
 Кутиб олмоқ зарур, шарт,
 Нон-туз, анвойи гуллар,
 Қадимшунос қария,
 Сайёҳлар йўлбошчиси.
 Оҳиста сўраб қолди:
 -Бормоқчимиз Ерқўргонга,-
 Мезбонлар лол сўровдан.
 Ерқўргони, қаерда?
 Эшитмаган ҳеч қачон.
 Шунда деди биттаси:
 -Топмоқ лозим анови
 Хув тарихчи домлани...
 Доим излаб юради.
 Эски, бидъат жойларни...
 -Топинг, зумда!
 Топишди.

Домла йўлга бошлади.
 Қургур фаранг олимлар,
 Чайла тикиб, нақ олти ой,
 Ерқўргонда ётишди...
 Сиёсий гўрлик учун
 Райком биринчисини
 Зумда ишдан олишди.

V

Саргайган тарихнинг варақларида,
 Бу ном бот-бот учраб туради.
 Муқаддас "Авесто" саҳифаси-ю,
 Юнон, Чин, араб битикларини
 Варақлаган ҳар ким ўқиб кўради.
 Ва шунда...
 Бепоён даштларнинг бағридан
 Яланғоч отларни елдек учириб,
 Сўгдий болалар,
 Хаёл ўтовига киради.

VI

Отлар йиғлар,
 Қиличлар бўзлар,
 Ўғлонларинг қани, момо ер.
 О, Искандар, сенга ором йўқ,
 Сен шуҳратнинг қули, жаҳонгир.
 Қонга тўйиб унган майсала,
 Найза бўлиб униб чиқади.
 Спитамен кесилган боши,
 Фолиб бўлди, кулиб ўлади...
 О, улуг юрт,
 Кўҳна мозийни,
 Варақладим кўзларимда ёш,
 Менинг ҳар тун тушимга кирар,
 Кўзи оқиқ кесилган бир бош!

VII

Бир бор ўлар,
 Ботир дегани.
 Эна, бергин олмос ярогим,
 Хей, қиргийкўз Ануша, сенга,
 Ёдгор бўлсин ўғлим, дилбандим.
 Улим нима?
 Бир зумлик оғриқ,
 Сўнг етаман бобом ёнига,
 Мазза қилиб тўйиб оламан,
 Фанимларнинг қирмиз қонига!

VIII

Қўшиқ янгради, қўшиқ!
 Шоҳ Искандар газабда.
 Эҳ, қирилди қўшини,
 -Тез қиличдан ўтказинг,
 Асирларнинг барини!
 Бу қандай халқ,
 Улимдан,



«Насаф ҳақида қўшиқ»

Қўрқмай қўшиқ айтади?

Тилмоч деди:

-Шаҳаншоҳ,

Сўғалар банди бўлгандан,

Улмоқни шаън билади.

Жаҳонгир жим, ўйлади,

Сўнгра турди ўрнидан.

"Қойил!" деган ҳайқириқ,

Алам чиқди бўғзидан.

-Озод этинг барчасин,-деб,

Сардорига буорди.

-Етар, ортга қайтамиз,-

Лашкарига қичқирди.

IX

Асрий сахро бағрида,

Ажиб шаҳар яралди.

Қанча буюк сиймолар,

Илм нурун таратди.

Насафийлар довруги,

Ҳинду арабга етди.

Олис Овропада ҳам

Номларини ёд этди.

Насафийлар туфайли,

Таниди бизни дунё,

Тоабад ўчмагайдир,

Боболар ёққан зиё.

X

Мўгул хони Кебекхон

Сарой қурди бу ерда.

"Захоки Марон" дея,

Аташди форсий тилда.

Насаф дея илк бора

Ёзди Ёқут Ҳамавий

Сўнг Қарши деб ном олди,

Кейин шаҳри Беҳбудий.

Қанча номинг бўлмасин,

Ардоқлисан, суюксан.

Абдулла Ориф битган,

Гўзал шеърсан, тутоқсан.

XI

Асрлар ўтаверди,

Ўтди не-не замонлар.

Яшаб ўтди, қанча зот,

Яхши-ёмон давронлар.

Баъзан гуллаб яшнади,

Гоҳида қон йиғлади.

Насафни деб ганимлар,

Бир-бирини тиглади.

Ўтди ҳоқон, ўтди хон,

Бари кетди, дунёдан.

Фақат тен қолдинг, шаҳрим,

Яралгансан зиёдан.

Кенмишингни ахтариб,

Фарзандинг Поён Равшан,

Рисола, китоб битди.

Жонларинг бўлсин омон.

Олим Рустам Сулаймон,

Артиб йиллар губорин,

Топди қанча мўъжиза,

Ўзук, биллур қурбақа.

Шоҳ Искандар орзуси,

Сеҳрланган тош кўзгу.

Ерқўргон илоҳаси,

Афсоналар сўзлайди.

Гоҳ кулар, гоҳ бўзлайди.

XII

Темур бобом - жаҳонгир,

Улғайди шу заминда.

Эрк, озодлик тугини,

Кўтариб маҳкам қўлда.

Бирлаштириб бекларни,

Жанггоҳ сари бошлади.


Қонхўр мўгул галасин,
Қувди, янчиб ташлади.
Сен истиқлол бешиги,
Шонимсан, осмонимсан.
Эркинлик нашидасин,
Суролган ҳур шаҳримсан!

XIII

Қора кунлар бошингда,
Айланди дилни доғлаб.
Неча ганим айш суриб,
Кетишди вақтин чоғлаб.
Кўз ёшларинг сел бўлиб,
Қўшилди-я Қашқага.
Аммо кўнгил бермадинг,
Дилбандингдан бошқага.
Юртбошим чорловиға
"Лаббай" деб жавоб этдинг,
Мустақиллик байрогинг
Бошингда офтоб этдинг.

XIV

Қашқадарё,
Юртимнинг
Юрагисан, кўрисан.
Шаҳрим - унинг гултожи,
Эркасисан, нурисан.
Истиқлол насимлари,
Эсар озода Ватанда.
Эрқдан ҳам буюк неъмат,
Борми ахир оламда?!
ЮНЕСКО қарори-ла,
Нишонладик тўйини.
Кўрсатди у дунёга,
Кечмишини, бўйини.
Дунё тургунча тургин,
Бахтинг бўлсин зиёда.
Мангуликка дахлдор,
Шаҳрим, сенсан дунёда.



КИМНИНГДИР КЎНГЛИ БОР БАҲОРЛАРИМДА...



Бахтинисонинг шеърларини ўқиб чиқдим, улардаги маҳзун туйгулардан осонликча қутулолмай турсам-да, юрагим шодланди. Ёшлиқда бўладиган ҳали нотаом сатрларига қарамай, ҳаётга бўлмиш буюк муҳаббат туйгулари бор эди бу шеърларда. Яна бу шеърларда мен соғинган гўзал, широна ҳикматлар бор эди. Ҳали ёш қалбнинг Буюк тажрибаси бор эди.

Хуршида ДАВРОН
Ўзбекистон халқ шоири.



"Юрт келажаги-2015"
(**"Лочин"** оромгоҳида ёзилган шеър)

Йўлақлар эртагин тун-қун йигмайди,
Унга ўзим сигиб, юрак сигмайди.
Оқшомлар шеър деган нафас йиглайди,
Юракнинг йўлақда қолишин кўринг.

Кўзингизни очинг, Соҳибқироним,
Багрингиз қуёшга тўлишин кўринг.
Бу кун юдузларни кўксига босиб,
Қашқамизнинг осмон бўлишин кўринг.

Чақмоқдай чақнаган чақин овозлар-
Юксак самоларга этар парвозлар.
Сув юзида ойдай қалққанда розлар:
Нигоҳнинг оловдай ёнишин кўринг,
Дунёнинг оқликка дўнишин кўринг,
Мана, келажакнинг унишин кўринг.

Дарахтлар илоҳий, дарахтлар мағрур,
Дарахтлардай ўсиб бормоқда гурур.
Заковатдан тошиб турганда шуур,
Оқсаройнинг мамнун қулишин кўринг.

Темур бобо, кўзингиз очинг, жон бобо...

Китоб қўлтиқлаган манов болалар -
Сизнинг дийдагиздан тушган жолалар.
Маҳдига сўз топмай, чексам нолалар,
Қалбимнинг ич-этин ейишин кўринг.



Суюндим, сочимга гуллар таққанча,
Фахр томирида тўлиб оққанча.
Бобо, майсаларнинг менга боққанча
"Сенинг синглингман-а?" дейишин кўринг.

Заминнинг кўзига жойлашганимда,
Юрагимни тутса, қушлар, кўз ёши.
Менинг бенаф, бедод оғриқларимдан
Айланиб кетганда дунёнинг боши.
Мезонлари менга-сафарга чиқса,
Ёдимнинг кўнглида чалкашаверса.
Дарахт одам бўлиб, сабо тилида
Нафасларим билан гаплашаверса.
Дара ёмғирдай юзга тўкиганида
Бошимни силаса Айюб бардоши.
Мажнуна ҳислардан илтифот кутиб,
Ҳашланиб ботганда руҳим қуёши.

Сиз етиб келасиз орзулар билан...

Ижод

Бу йиллар шунчаки меники эмас,
Кимнингдир кўнгли бор баҳорларимда.
Битта ишқ тафтида куйиб гўл бўлган
Кимнинг кузи уйғоқ изҳорларида.

Сочимни тортқилар бесар шамоллар,
Шом чўккан нигоҳда мен ҳам бордайман.
Азизим, дунёнинг дунёсини кур,
Кўнглин олмоқликдан умидвордайман.

Йўлларда дархтдай тизилар армон.
Қушдай учиб ўтар гуноҳ сояси.
Эй дил, кўкармакни қайдан ўргандинг,
Булут бўлиб турса орзу дояси.

Мен ҳам юракликлар қўйган элчиман,
(Гарчи япроқлигим тан олгим келмас).
Кимнингдир кўнгли бор баҳорларимда,
Бу йиллар шунчаки меники эмас.

1 декабрь

Ҳолимдан беҳабар ўтади қуёш,
Зиёга тўлдириб кошонасини.
Осмон шарқу гарбнинг кўксини кесиб,
Қонлайверар уфқнинг пешонасини.

Қушлар - табиатнинг эркаларига
Юрагини тутиб қолар дарахтлар.
Ариқнинг бўйида мизгиган шамол
Энг сўнги майсани бир-бир варақлар.

Бунда ҳар не сокин, ҳар не осойиш,
Бемалол ярашар ёнмоқ ҳам куймоқ.
Недандир бир илинж ахтарар хазон,
Нечундир руҳимни бўғади қийноқ...

Шошилиб йиғлайди кечиккан ёмғир,
Кузги чорбоғларга айланар армон.
Тўрт фасл тўзгиган азобинг билан,
Кўнглимга тўкилиб қолдинг, Дунёжон!

Агарда қайтмасам...
Кузги боғларга
Бир насим буламан, чекинар оғриқ.
Кўзимнинг оддида юксаласан сен,
Кўзимнинг оддида улғаяр борлиқ.

Мен сингиб бораман майсага, ерга,
Қайгулар кўксимни топтамас бевақт.
Менинг юрагимда чайқалар дунё,
Менинг овозимда чучкирар дарахт.

Агарда қайтмасам,
Қайтолмасам мен,
Яна жим кетаман нурафшон бўлиб.
Бир ичкин нолада, эзгин нолада
Кўзхарим қайтади намозшом бўлиб...

Осмон бўлмай маним дилим,
Соғинч ёққа тушди йўлим-
Сархуш руҳим тилим-тилим,
Азобларда адашдим ман.

Умр-ойдан оққан нурдир,
Йиллар ўтсин, юлдуз хурдир.
Билоганим фақат сирдир,
Хитобларда адашдим ман.

Ишққа йўйиб қиёларни,
Англамай чин, рўёларни.
Қучиб бахт деб дунёларни,
Саробларда адашдим ман.

Ун икки ой-тўрт фаслда-
Нечта туйғу бор қасрда?
Инсон қалби қай асрда?
Ҳисобларда адашдим ман.

«Кимнингдир кўнгли бор баҳорларимда...»

Ҳислар жонга малолмиди?
Сўз - ҳовурли шамолмиди?
Топганларим саволмиди?
Жавобларда адашдим ман.

Ё Раб! Манам санга ошиқ,
Манам кўкси мардан тошиқ,
Сув сўрабман майдан, жўшиб,
Шундан юрак сўтар қўшиқ:
"Миробларда адашдим ман,
Миробларда адашдим ман!"

Бу тун осойишта, бу кеча сокин,
Бу оқшом овнаи тўхтатди шамол.
Бир нафис ухлади, мунис ухлади,
Дарахт баргидаги бир томчи ҳилол.

Деворга омонат осиди соя,
Ямоқланиб кетди этаги ериңиз.
Руҳим, бир қўшиқ айт, тунга, менга мен,
Туши ёруғ бўлсин тугилган шеърниңиз...

Холиёр акам Сафаровга
Йиллар келар, умр билан қўлтиқлашиб,
Фолга тушмас асрорлари кетиб борар.
Умидлари остонада йўл тиклашиб,
Минор қураар. Деворлари кетиб борар.

Дард мангудай ишқниңг кўз-у қошларида,
Бир телбани куйдираар кўшларида.
Лек у мастниңг кўздан оққан ёшларида
Қалқиб-қалқиб мозорлари кетиб борар.

"Яшолмайман, энди ёрсиз тирик бўлиб!" -
Ошиқ ёнар оловларга шерик бўлиб.

Куни келса, дарё-дарё чирик бўлиб,
Дунё-дунё қарорлари кетиб борар.

Бўзтўрғайлар бўзлаб-бўзлаб келаверар,
Чумчуқ чинни кўзлаб-кўзлаб келаверар.
Қарга қариб, музлаб-музлаб келаверар,
Дили чўккан чинорлари кетиб борар.

Юки огир карвон бўлмоқ осон эмас,
Арзондир-у армон бўлмоқ осон эмас.
Ақл руҳга сарбон бўлмоқ осон эмас,
Уздин олдин иқрорлари кетиб борар.

Бахт растаси. Ким берида, ким нарида,
Ғам хариди- кун юзида, тун қаърида.
Нурдан қадоқ тиланчининг қўлларида
"Об колиңг!" деб бозорлари кетиб борар.

Тириклик - дон, чумолиниңг огзидаги,
Яшамоқ - бу, зил юракниңг бўтзидаги.
Ярми зулмат, ярми зиё кўксидаги-
Кузниңг рангин ифорлари кетиб борар.

Тан олмаса, хазонларни кўклам боги,
Сомон тусда юзларига қўнар доғи.
Сочда қиров, бармоқларда асо чоғи,
Эгик қада инкорлари кетиб борар.

Кўнглим қушдай губорларга учиб борар,
Гулзоҳрали озорларга кўчиб борар.
Ҳаққа ҳурлар диёрини кечиб борар,
Ака, қараңг, мени шоир қиламан, деб,
Йўлагимниңг баҳорлари кетиб борар,
Юрагимниңг оҳорлари кетиб борар.

Йиллар келар, умр билан қўлтиқлашиб...





РУҲ ВА КЎЗГҮ

(Ёмон иллатларнинг
касофати ҳақида суҳбат)

(Достондан парча)

Руҳ:

Телбаман, дунёни саргашта кездим,
Сени тополмайин кўнглимдан бездим.
Юракни эдим мен сиқим тупроқдай,
Синиқ умидлардан суратинг чиздим.

Сўнг ўз ҳунаримдан ҳайратда қолдим,
Суратга термулиб хаёлга толдим.
Сенинг кўзларингдан олдим мен ором,
Танга нафасингдан бир ҳовур солдим...

Мен башар аҳлини англолмам сира,
Узига орттирар карвонлаб гуноҳ.
Наҳот одам билмас, у туя эмас,
Йиқилса туролмас, чекса ҳам минг оҳ.

Нега яшолмайди одам гуноҳсиз?
Нега ёлгонларга у бўлар асир?
Нега бир-бирини тилар пичоқсиз,
Нечун қалб кўзини айлайди басир?

Нега кўролмайди улар бир-бирин,
Наҳот ҳақиқатга тик боқиш қийин.

«Рух ва кўзгу»

Иймон чегарасин топтаб кетарлар,
Манфаат бўлдимидан-да ширин?

Наҳот умри шундай бесамар ўтар,
Раҳмон деб шайтоннинг этагин тутар.
Наҳотки нафсининг кучи зўр бўлса?
Унинг таъсирида сени унутар.

Аниқ-ку, хатолар жавобсиз қолмас,
Аниқ-ку, гумроҳлик жазосиз қолмас.
Шуни била туриб йўлдан қайтмаймиз,
Ёки сенинг номинг дилдан айтмаймиз...

Дунё синоатин англолмам сира,
Саволлар кўнглимни қилмоқда хира.

Кўзгу: Майли, менга саволингни айта қолгин,
Фақат шартим, насиҳатим дилга олгин:
Гар ёнса ҳам бутун вужуд олов бўлиб,
Сақлаб қолгин виждонингни савоб қилиб!
Шунда сенинг қалб кўзинг ҳам очилади,
Бошинг узра иймон нури сочилади.

Рух: Ёлгонлардан ўксик дилим эзилади,
Қийналганим бир онамга сезилади.
Айт-чи, инсон алданади илк бор қачон?

Кўзгу: Тугилгандан! Ахир, сиздан истаб имкон
Зор гўдакни алдайсиз-ку сўргич билан.

Рух: Кибр недан пайдо бўлар?

Кўзгу: Мақтовлардан!

Рух: Гуноҳ недан тугилади?

Кўзгу: Хатолардан.

Рух: Хатоларга ким сабабчи?

Кўзгу: Узимиз-да!

Рух: Узимизни ким алдайди?

Кўзгу: Нафсимиз-да!

Рух: Нафсининг кучи нега ётар?

Кўзгу: Кўп нарсага...

Тогларни-да қулатади бир лаҳзада!

«Рух ва кўзгу»

Чақмоқ мисол юрагингдан ёниб чиқар,
Кўкка етган бошинг бир кун ерга тикар.

Рух: Сўйла менга, нафсдан қочмоқ мумкинми, айт.
Кўзгу: Бунинг учун юрагингга буйруқ бер: "Қайт".
Рух: Гар сўзимга кирмаса-чи бу телба дил?

Кўзгу: Бундай дилни минг бўлакка нимта қилгил!
Сен ақлинг-ла ўйлаб кўргин қайта-қайта,
Ҳалол билан ҳаром кураш қилган пайтда.
Ҳаром билан ким муродга етган айтгин,
Шу боисдан бу йўлингдан тезда қайтгин!
Тоққа чиқиш мумкин улкан аждар бўлиб,
Чумоли ҳам чиқар унга секин юриб.
Қуёш тафтин қайтаролмай аждар бунда,
Ўз комига гарқ бўлади ўзи шунда.
Буюк қоя ожиз қолар чумолига,
Ахир бу ҳам унинг ҳалол меҳнати-да!

Рух: Бахт қасрига кириш мумкин қандай қилиб?

Кўзгу: Унга етиш мумкин фақат тўғри юриб.
Эгрилар ҳам бу қасрга келар бироқ,
Очилмайди эшик унга қоқилган чоғ.
Очилса ҳам бахт нелигин билмай кетар,
Қаллобларнинг умри ҳадик ичра ўтар.

Рух: Мен бахт учун курашмоқни одат қилдим,
Эзгулик деб яшамоқни шараф билдим.
Бахт қасрига етиш учун меҳнат қилдим.
Бироқ унга етганимда ўт ёқдилар,
Бу ҳам камдай безбетларча сўз отдилар...

Кўзгу: Меҳнат қилдинг, эришмадинг, эришдилар,
Эгик қадди билан яна керишдилар.
Сен ҳам интил, билмай тиним ҳамда гафлат,
Фақат ишон, бир кун сенга келар навбат.

«Рух ва кўзгу»

Ўз кучига ишонмоқ ҳам энг булок бахт,
Тиргаб турган кучларнинг ҳам тугаши ҳақ!

- Рух:** Биров ҳаққи, айт, бировга буюрарми,
Ё у нокас бу дунёда тинч юрарми?
- Кўзгу:** Мозий гувоҳ, ҳаром луқма ҳазм бўлмас,
Нопокликнинг йўли асло узун бўлмас.
- Рух:** Ҳалол кураш майдонида йиқилдилар,
Ва минг нагма ўйлабгина сиқилдилар.
Сўнг ортимдан найза уриб гирромларча,
Яна камдай кўзларимга тикилдилар.
- Гар сўраса бу майдонга мен кирмасдим,
Кучи бунча ожизлигин мен билмасдим.
Гар ўрнида бўлганимда, эҳ бунчалар,
Ўз-ўзимга гуноҳларни орттирмасдим.
- Маккорликнинг жазолари не бўлади?
- Кўзгу:** Маккор бир кун ўз ёгига қоврилади!
Рух: Кўролмаслик нима, у ҳам нафсми?
- Кўзгу:** Оҳ! Инсонга ҳасад асли абадий дард,
У қалбларга туширади губор, доғ, гард.
Бу дард шундай азоблидир ёндиради,
У инсонни иймондан-да тондиради.
У бир ўтдир ич-этингни емиради,
Шу орқали виждонингни кемиради.
Билсанг, унинг охири ҳам фалокатли,
Умринг тутар оқибатда ҳалокатли.
- Рух:** Тухмат нима? Менга ундан бироз сўйла.
- Кўзгу:** Тухмат асли кўролмаслик мевасидир,
Орсизларнинг энг сеvimли шевасидир.
Пасткаш инсон бу иллатнинг қўлин тутар,
Оқибатда уни Омоҳ қаҳри кутар...

"КУЛГУ - ТЕРАПИЯ"

ёки

қалам ила наштар бирлиги

(ҳажвчи ва жарроҳ Қилич Нур Муҳаммад билан суҳбат)



- Кўз тегмасин! Етмишга етишибсиз-у, аммо ҳалиям "Қилич"-дайсиз. Юзингиздан "нур" ёғилди-я?!

- Ҳа, энди бу бир томондан тиббиётга ихлос қўйганим. Иккинчи жиҳати ҳажвга ҳушторликнинг "хизмати" бўлса керак.

- "Кулдириб турсанг йигитдай, сиқилмайсан чигитдай" демоқчисиз-да. Яшанг! Ҳақиқатдан, ҳажвчи ҳам асаларидай гап. Минг машаққат билан тўплаган болини бошқаларга ялатади-ю, аммо, ўзига ҳам, албатта юқади.

- Ҳажвчини арига менгзаганингиз маъқул. Аммо унутманг, бол бериш билан бирга унинг "ниши" ҳам бор. Ҳажвни ҳам ўқиб, мазза қилиб куласиз. Аммо танқидни ҳазм қилолмайдиган гармдори чайнагандек, афтини бужмайтириши ҳам бор гап...

- Одамларни ҳам кулдирадиган, ҳам куйдирадиган бундай "дард"-га қачон йўлиққансиз?

- Менимча, бу йўрғада теккан. Негаки, энам раҳматлик офтоб юзли, чеҳрасидан табассум армайдиган аёл бўлса-да, аммо тили-жағи "заҳаргина" эди. Отамни-ку айтиб ўтирманг. У кир-

«Кулгу - терапия»

ган давра кулгу, қаҳқаҳадан портларди. Аммо феър-атвори чатоқроқ кимсаларга дуч келса борми, ўзини тутиб туролмасди. Ўзимизнинг "алфавит" камлик қилгандай, дарҳол ўрисчасига сўкиб кетарди. Шу сабаб ҳамма отамга "Васька домулла" деган лақабини қўйишганди...

- "Ҳажвчи" бўлиш учун ота-онадан ўтказ биргина "вирус" камлик қилса керак?!
- Тўғри. Қўшимчасига айтсам, мен тутилган Музор туманидаги қишлоқни "Чуқур" дейишади. Сабаби, одамлари ҳам қочирик-пичинга уста, гап-сўзлари эса тағдор ва "чуқур" маънога эга.

- Ҳа, гап бу ёқда денг?! Демак, устозингиз таниқли адиб Саъдулла Сиёев: "Қиличнинг ёзганлари бироз тарашланмаган, тупориқроқ тилда битилган бўлса-да, бироқ самимий, энг муҳими, табиий. У мавзу ахтариб ўтирмайди. Атрофидан гилардан улгу олади. Пайровини пайраҳасидан ажратиб ёзганлари эса кишига қувноқ ва бегараз кулгу бағишлайди", - дея баҳо берганининг ҳақлигини исботлаб келаяпсиз.

- Раҳмат! Ҳақиқатан, "Устоз кўрмаган шогирд, минг мақомга йўргалар". Ёдингиздами, қўлтиқда "қораламалар"дан қаппайган папка, "Муштум" журнаliga серқатнов бўлган пайтларимиз. Ўшанда сиз атоқли ҳажвчи Неъмат Аминовнинг, мен эса Саъдулла Сиёевнинг этагидан маҳкам тутгандик. Ана шу "Муштум"чиларнинг "мушт"идан татиб, пишиб, тобланиб, кам бўлмадик... Устозларга минг бора қуллуқ!

- Эътирофингиз ўринли. Мана, сизнинг ўтган йиллар мобайнида, қанчадан-қанча ҳажвия, ҳикоя, қиссаларингиз "Шарқ юлдузи", "Муштум", "Ёшлик" журналлари, "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасида чоп этилди. Телевизион миниатюралар театрида намоиш этилган интермедияларингизда халқ артисти Эргаш Каримов ва бошқа машҳур кулгу даргалари роль ижро этишди. "Шинаванда" деган илк китобчангиз "Муштум" журналларининг йиллик мукофотига сазовор кўрилганди. Ундан сўнг "Сизга бўлмайди", "Лафз", "Армон" каби китобларингиз чоп этилди. Бу энди, танганинг бир томони...

- Ҳўш-хўш...
- Нима "хўш?!" Кўнглингиз бўш, еганингиз тўш, ҳунарингиз қўш... Айтмоқчи бўлганим, сиз нафақат қалам соҳиби, айти пайтда вилоятда таниқли болалар жарроҳисиз! Тиббиёт соҳасида фан номзодлигини ҳам қойилмақом қилиб ёқлагансиз. Бир сўз билан айтганда, "Икки ҳайиқни тутган - гарқ бўлади!" деган мақолнинг ҳам "абжарини чиқаргансиз". Шундай экан, айтинг-чи... Ёзишга қандай вақт топасиз?!

Гапингиз ўринли. Касаллик фурсат сўраб ўтирмайди. Баъзан, азон маҳалими, ярим тундами - зарурат тутилса, доимо кўмакка шаймиз. Бир йилда 180-200 мартагача жарроҳлик операцияси ўтказган пайтларим ҳам бўлган. Якшанба байрам, тўй-тантаналарга шифокор "тақвим"идан жой йўқ. Лекин касбимдан нолимайман. Бойси зиммамизга катта масъулият юкланган. Эртанги кунимизнинг янада нурафшон бўлиши учун, албатта, биринчи гада болаларимиз соғлом бўлиши зарур. Бу биз шифокорларга таалуқли. Адабиёт эса фарзандларимизни комилликка ундайди.

- Айтмоқчисизки, қалам билан

«Кулгу - терапия»

инсон руҳини, наштар билан эса тандаги дардни даволайсиз?!
 - Тўғри. Топқирлигингизга қойил! Ёзишга эса вақтни уйқу ҳисобидан, баъзан узундан-узоқ чўзиладиган мажлисларда дегандай...

- Ютуқларингизни санадик. Энди ижодкорлик ва шифокорликни бир-бирига уйғун қилган ҳолда айтингчи. Камчиликларингиз ҳам борми?

- Бор ва бир талай... Масалан, мен билан асло бозорга бориб бўлмайди!
 - Сабаб?!
 - Сабаби антиқароқ. Қовун-тарвузми, помидор-бодрингми... харид қиладиган бўлсам, сотувчиси дарҳол, бош чайқайди.

- Бу маҳсулот сизга тўғри келмайди! Дўхтир, мен сизни ахир таниб турибман. Боламни даволагансиз-а?!

- Таниган бўлсангиз, унда нега бу маҳсулот менга тўғри келмайди?!

- Тўғри келмаслиги, дорига тўйинган, сизга эса... Яхшиси, эрта ёки индинга келинг, "бўладиган"идан тайёрлаб кўяман.

Кейин гўшт растасига ўтамай...
 - Икки кило лаҳмроқ жойидан тортсангиз.

- Жоним билан-у... - Қассоб қўлини кўксига қўйиб, бош чайқайди.

- Аммо сизга бўлмайди! "Қўй гўшти" деб ёзиб қўйсам-да, асли бунга эчкидан ҳам... Хуллас, қадрдонсиз, сизга раво кўрмайман!

Ана шунақа.
 - Ҳа, майли, ўкинманг. Қайтага, шу баҳона ҳаётнинг ўзи сизга "қаҳрамонларингиз"ни рўбарў қиларкан! Энди тушкун кайфиятдан чиқиш учун "ҳажв носқовоғи"дан "бир отим отиб" "кайф" қилсак?

- Майли-ю... Аммо биласиз, бегона-

ларни "ҳажв" қилиш "хавфли". Шу боис қариндошларим...

- Ҳажвда ҳам "таниш-билишчилик" десангиз-чи?!

- Шундай деса ҳам бўлади. хуллас, юқорида айтганимдек отам элга меҳнати сингган киши эди. Шу сабабми, вафот этганларида маъракасида одам сигмай кетди. Бу ёғи Бухоро-Самарқанд, бу ёғи Тошкент-Сурхон дегандай... Бир пайти қарасам, амаким уввос тартиб йиғляпти.

- Дод! Акамни ўрнига... Художон, менинг жонимни олгин!

Ана меҳр-оқибат! Ога-инининг бири-бирига бўлган садоқати, шундай бўлса-да, амакаимни юпатишга уриндим:

- Отам ёшини яшаб, ошини ошаб бу дунёдан боармон ўтди. Шунинг учун кўп хафа бўлманг!

- Э-э, мен унга хафа бўлаётганим йўқ. - Амаким менга зарда қилда. -

Одамнинг кўплигини кўраяпсанми?! Мен ўлсам, мабодо шунча мардум йиғиладими-а?! Ана шундан хавотирдам-мен! Дод, художон... Шу тобда менинг жонимни олгин...

- Ҳа-а, бироз қайгули бўлса-да, аммо замирида кулгу бор экан. Ўзбекнинг ориятини қаранг?!

- Ҳа, орият, гурур... баъзан ҳамма нарсадан ҳатто ҳаётдан ҳам устун келади.

- Яна борми?

- Ҳм-м, "ҳажв қоғи"ни силкилаб кўрай-чи. Ҳа, ёдга тушди... "Овоз ёзиш" студиясига кекса бир киши кириб келибди.

- Яхши дискларинг борми? - деб сўрайди сўнг.

- Сизбопидан топамиз, - тиржаёди сотувчи. - Хўш, "Муножот"ми, "Қора кўзим"ми?

Чол бош чайқайди.

«Кулгу - терапия»

- Унда Ортиқми, Бобомуродми...
Қария яна бошини сарак-сарак қилади ва бор овозда сўради:

- Нима, бақириб-чақирадиганидан йўқми?!

- Оббо, отахон-ей, - дейди студия хизматчиси қулғиб. - "Эстрадний" демай-сизми?!

- Ҳа, балли... Қани, қўй-чи!

- Майли, эскисидан "Ялла" бор. Замоनावийсидан эса...

- Э, йўқ. - қўл силтайди қария. - Эскисими, янгисими... Баланг овозда "ҳов" - "ҳув" деб турадиганидан топ!

- Унда, - сотувчи йигит чолга танлаб бир дискни узатади. - Мана "зарубежний"сидан, қулоқни қоматга келтиради. Момом билан бир мазза қиласиз?!

Чол дискни қўйнига уриб, мийигига кулади.


- Сен бола тушунмабсан Кампир нима қилади буни эшитиб Менга бунинг шовқини керак. Ишқомга "коллонка" илмоқчиман. Тург тул хусайни узумим бор. Ушани ҳеч чумчуқ қўймаяпти.

- Ҳа, ана, мазза қилиб кулишдик. Келинг, кулгу мулоқотимизни энди жиддий мулоҳаза билан яқунласак...

- Кулиш-кулдириш - бу ҳаммага ҳам насиб бўлавермайдиган бебаҳо неъмат. Дарҳақиқат, кулгу билан қувноқлик ҳаётни безамаганида, билмадим, одам боласи қанча

умр кўрарди, шундай экан, инсон умрини узайтиришда тиббиёт билан бирга, ҳозирда кундан-кунга урфга киратган "Кулгу терапия"нинг ҳам фойдаси бениҳоя катта. Бунинг маъноси, чеҳраси очиқ, қалби дилкаш одамлардан касаллик доимо ортга чекиниб, ишлари ҳам ҳамиша юришиб тураркан. Бугунги илмий-техника тараққиёти даврида инсон ақл-идроки, ўй-хаёллари ҳам "техникалашиб" бораётган бир паллада, бу айниқса, ўта муҳим. Бу борада биз ҳажвчилар кулги ихлосмандларининг хизматга доимо шаймиз. Барчага юракнинг туб-тубидан отилиб чиқадиган экологик тоза ва сара "сертифика"га эга кулги тилайман!

- Раҳмат! Менинг тилагим эса, саксондан сакраб, тўқсонга тўқнашиб... Э-э, ана боринг, юз билан юз кўришганингизда ҳам сиздан, "интервью" олиш насиб этсин! Кулгу бекатларида қувноқ кайфиятда тез-тез учрашиб турайлик!
- Ташаккур!



МУАЛЛИФЛАРИМИЗ:

- Акмал Саидов,** 1958 йилда Тошкент вилояти Зангиота туманида тутилган. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси, юридик фанлари доктори, профессор.
- Поён Равшанов,** 1941 йилда Қамаш туманида тутилган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси. Қарши давлат университети профессори.
- Тўлқин Ҳайит,** 1957 йилда Сурхондарё вилояти Сароисиё туманида тутилган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Халқаро Амир Темур жамғармаси раисининг 1-ўринбосари.
- Нафас Шодмонов,** 1961 йилда Ғузур туманида тутилган. Қарши давлат университети профессори, филология фанлари доктори.
- Ғулом Мирзо,** (Ғулом Мирзаев) 1964 йилда Қарши туманининг Хушвақт қишлоғида тутилган. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист, Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси. "Яхши ҳам сиз борсиз", "Унутилган хўр", "Офтобга қайтаман", "Қалб томчилари" каби шеърлар тўпламлар муаллифи. Таржимон.
- Очил Бўриев,** 1953 йилда Касби туманида тутилган. Турон Фанлар академияси академиги, Қарши давлат университети тарих кафедраси доценти.
- Жамшид Бердиев,** 1975 йилда Қарши тумани Потрон қишлоғида тутилган. Қарши давлат университети тарих кафедраси ўқитувчиси.
- Файзулло Шарипов,** 1971 йилда Қарши тумани Потрон қишлоғида тутилган. Қарши давлат университети тарих кафедраси ўқитувчиси.
- Шухрат Рустамов,** 1961 йилда Қамаш туманида тутилган. Туман газначилик бўлими бошлиғи ўринбосари.
- Исмоил Ботиров,** 1952 йилда Қарши туманининг Кахлак қишлоғида тутилган. "Антик дунё" халқаро илмий Академияси профессори.
- Маҳмуд Пирматов,** 1945 йил Косон туманида тутилган. Матбуот фахрийси. Шоир. Бир қатор шеърлар китоблари муаллифи.
- Уролбой Қобил,** 1955 йилда Қамаш тумани Гулистон қишлоғида тутилган. Таълим фахрийси. "Адир ортидаги қишлоқ", "Фақат гўзал сўз айт", "Эна тупроқ" номли назмий ва насрий китоблари чоп этилган.
- Бахтинисо Маҳмудова,** 1993 йилда Чироқчи тумани Олмазор қишлоғида тутилган. «Ховучдаги юрак», «Уфққа йўл» шеърлар китоблари муаллифи.
- Адолат Маманова,** 1994 йил Қарши шаҳрида тутилган. Қарши давлат университети ўзбек филологияси факультети 3-босқич талабаси.
- Муҳаммад Очил,** 1953 йилда Яккабоғ туманида тутилган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.
- Жамшид Норқобилов,** 1976 йилда Қарши шаҳрида тутилган. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг Қашқадарё вилоятидаги фотомухбири.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!



Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон Халқ шоири Абдулла Орипов март ойида 75 ёшни қарши олди. Миллионлаб шеърият мухлислари қалбини забт этган севимли шоиримизни бу қутлуғ сана билан муборакбод этамиз!





ISBN-2181-0281



2181 0282